

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

43-сон
(855)
2018 йил
29 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

841. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрдаги ЎРҚ–503-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

842. «Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги ПҚ–3980-сон қарори

843. «Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ–3981-сон қарори

844. «Хорижда истикомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ–3982-сон қарори
845. «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ–3983-сон қарори

Учинчи бўлим

846. «Ўзбекистон Республикасида мобиль қурилмаларни ҳисобга олиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 847-сон қарори

Бешинчи бўлим

847. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 125-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078*)
848. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 3, 51, 131-сон «Бошоқли дон экинлари сомонининг ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1647-2*)
849. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/8-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-16*)
850. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 24 сентябрдаги 343-В-2, 42-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат

қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-2)

851. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 9 октябрдаги 12-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954-1)
852. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/13-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3079)
853. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/14-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3080)
854. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/15-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг юридик шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1140-5)
855. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/9-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1863-6)
856. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 02/29-10/36, 132-сон «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари

рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1668-6*)

857. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви, Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 22 октябрдаги 135, 32, 2018-67, 257-В-3, 4-ққ-сон «Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1411-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 20 октябрдан 26 октябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

841 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 12 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 23 октябрда эълон қилинган.

1) **19-модданинг матни** «гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **56-модда биринчи қисмининг «о» банди** «гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **127-модда:**

биринчи қисмининг диспозицияси «гиёҳвандлик» деган сўздан кейин «воситалари ва уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг диспозицияси «гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **186³-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«186³-модда. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини дори-хоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини дори-хоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) мансаб мавқеини сунистеъмом қилиш йўли билан содир этилган бўлса;

д) баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса;

е) дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг сифати ва давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;

в) одам ўлишига сабаб бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) одамлар ўлимига сабаб бўлса;

б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, —
ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

5) 192¹-модда:

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

6) 192²-модда:

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

7) 192³-модда:

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача

миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

8) **192⁴-модда биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

9) **192⁵-модда:**

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «икки юз бараваридан беш юз бараваригача» деган сўзлар «уч юз бараваридан олти юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **192⁶-модда:**

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

11) **192⁷-модданинг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

12) **192⁸-модданинг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

13) **207-модда учинчи қисмининг «б» банди** «гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

14) **246-модда:**

биринчи қисмининг диспозицияси «гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмининг диспозицияси «гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

15) **251¹-модда биринчи қисмининг диспозицияси** «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

16) **261-модданинг диспозицияси** «гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

17) **271-модда:**

номи «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

биринчи қисмининг диспозицияси «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

18) **273-модда:**

номи «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

биринчи қисмининг диспозицияси «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи қисмининг диспозицияси «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи қисмининг диспозицияси «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

олтинчи қисмининг диспозицияси «гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

19) **274-модда:**

номи «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

биринчи қисмининг диспозицияси «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

20) **275-модданинг:**

номи «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

диспозицияси «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

21) **276-модда:**

номи «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

биринчи қисмининг диспозицияси «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисмининг диспозицияси «гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

22) **278³-модданинг:**

номи «Компьютер тизимидан» деган сўзлардан кейин «шунингдек телекоммуникация тармоқларидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

биринчи қисмининг диспозицияси «компьютер тизимидан» деган сўзлардан кейин «шунингдек телекоммуникация тармоқларидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

23) қўйидаги мазмундаги **278⁷-модда** билан тўлдирилсин:

«278⁷-модда. Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш

Ўрнатилган химоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

24) **саккизинчи бўлим:**

қўйидаги мазмундаги **атама** билан тўлдирилсин:

«Гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари — кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситаларига ўхшаш бўлган, улар сингари

руҳиятга фаол таъсир этадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар»;

«**Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалардан қонунга хилоф равишда фойдаланишдаги кўп миқдор**» деган атама қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Гиёҳвандлик воситаларидан, уларнинг аналогларидан ёки психотроп моддалардан қонунга хилоф равишда фойдаланишдаги кўп миқдор**»;

«**Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалардан қонунга хилоф равишда фойдаланишдаги озгинадан кўпроқ миқдор**» деган атама қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Гиёҳвандлик воситаларидан, уларнинг аналогларидан ёки психотроп моддалардан қонунга хилоф равишда фойдаланишдаги озгинадан кўпроқ миқдор**»;

«**Гиёҳвандлик воситалари**», «**Прекурсорлар**», «**Психотроп модда**» деган атамаларнинг ҳуқуқий маъноси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Гиёҳвандлик воситалари** — гиёҳвандлик воситалари рўйхатларига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси мавжуд бўлган препаратлар ва ўсимликлар;

Прекурсорлар — прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ва психотроп моддаларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар;

Психотроп моддалар — психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-мод-

далар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **173-модда биринчи қисмининг 7-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«7) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ва уларнинг тури мавжудлигини»;

2) **345-модданинг бешинчи қисми** «278-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлардан кейин «278⁷-моддаси иккинчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **381²-модда биринчи қисмининг 1-банди** «278¹ — 278⁶-моддаларида» деган сўзлардан кейин «278⁷-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12,

383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **24-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ашёларни уларнинг ҳақини тўлаш шарты билан олиб қўйиш, мусодара қилиш ва махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан) маҳрум этиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида, ушбу Кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган бошқа маъмурий жазо чоралари эса фақат асосий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин»;

2) **56-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«56-модда. Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш

Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш —

гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни мусодара қилиб, ўн беш суткага муддатга маъмурий қамоқ жазосига сабаб бўлади»;

3) қуйидаги мазмундаги **59¹-модда** билан тўлдирилсин:

«59¹-модда. Ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли ҳолатда бўлган шахсга шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этиш

Ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли ҳолатда бўлган шахсга тиббиёт ташкилотларида қонунга ёки махсус қоидаларга мувофиқ шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиши керак бўлган шахс томонидан шундай ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **125-модда биринчи қисмининг санкциясидаги** «бешдан бир» деган сўзлар «иккидан бир» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **128¹-модда:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «икки» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «уч» деган сўз «тўрт» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) 128³-модда:

учинчи қисмининг санкциясидаги «етти» деган сўз «тўққиз» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум қилишга сабаб бўлади»;

бешинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йил муддатга маҳрум қилиб, энг кам иш ҳақининг йигирма беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

7) 131-модда:

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, энг кам иш ҳақининг йигирма беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам иш ҳақининг қирқ баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

учинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йилдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, энг кам иш ҳақининг йигирма беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

8) 133-модда биринчи қисмининг санкциясидаги «уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «беш бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 134-модданинг санкциясидаги «бир бараваридан икки бараваригача» деган сўзлар «икки бараваридан тўрт бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 135-модда:

биринчи қисмининг санкциясидаги «иккидан бир қисми» деган сўзлар «бир баравари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «уч» деган сўз «беш» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг санкциясидаги «беш» деган сўз «ўн» деган сўз билан алмаштирилсин;

11) 136-модда биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

12) қуйидаги мазмундаги **155²-модда** билан тўлдирилсин:

«155²-модда. Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш

Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда —

хуқуқбузарлик содир этиш қуролини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

13) **164-модда:**

тўртинчи қисмининг диспозициясидаги «дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар билан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи қисмининг диспозициясидаги «Дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлари ёхуд» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **165¹-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«165¹-модда. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, —

мазкур хуқуқбузарликларни содир этиш қуроллари ва ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

15) **178-модданинг еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчиларга зарар етказиш, шунингдек истеъмолчиларга товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида ахборот тақдим этмаганлик ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик, шу жумладан истеъмолчиларни товарнинг истеъмолга оид хусусиятлари ёки сифати хусусида чалғитиш, товарни унга ўхшаш маҳсулотлар билан алмаштириб қўйиш, маҳсулотнинг хусусиятлари ва сифатини қасддан ўзгартириш, худди шунингдек қалбакилаштирилган озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, олиб кириш ва реализация қилиш —

хуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Яроқлилик муддати ўтган товарларни, шунингдек ишлаб чиқарилган

санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шартлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган товарларни ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳолда реализация қилиш ҳамда сотиш учун қабул қилганлик —

ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи — саккизинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этиш —

ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

16) **188-модданинг диспозицияси** «ғиёҳвандлик» деган сўздан кейин «воситалари, уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

17) **198¹-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Энг кам иш ҳақининг ўн бараварига тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги суммани ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатининг мазкур ҳужжатни ихтиёрий равишда ижро этиш учун давлат ижрочиси белгиллаган муддатда қарздор томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаслиги —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан кўп миқдордаги суммани ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатининг ушбу ҳужжатнинг ихтиёрий равишда ижро этилиши учун белгиланган муддатда қарздор томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаслиги ёки қарздорнинг зиммасига муайян ҳаракатларни бажариш ёхуд бу ҳаракатларни бажаришдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатининг давлат ижрочиси белгиллаган муддатда қарздор томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаслиги —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

18) **241¹-модданинг санкциясидаги** «йигирма бараваридан олтмиш бараваригача» деган сўзлар «қирқ бараваридан саксон бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **241²-модданинг санкциясидаги** «йигирма бараваридан олтмиш бараваригача» деган сўзлар «қирқ бараваридан саксон бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **241³-модданинг санкциясидаги** «йигирма бараваридан олтмиш бараваригача» деган сўзлар «қирқ бараваридан саксон бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **241⁴-модданинг санкциясидаги** «ўн бараваридан йигирма бара-

варигача» деган сўзлар «йигирма бараваридан қирқ бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **241⁵-модданинг санкциясидаги** «ўн бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар «йигирма бараваридан қирқ бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **241⁶-модданинг санкциясидаги** «ўн бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар «йигирма бараваридан қирқ бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **241⁷-модданинг санкциясидаги** «ўн бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар «йигирма бараваридан қирқ бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) **241⁸-модданинг санкциясидаги** «йигирма бараваридан олтмиш бараваригача» деган сўзлар «қирқ бараваридан саксон бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) **241¹⁰-модда:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «ўн бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар «йигирма бараваридан қирқ бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «йигирма бараваридан ўттиз бараваригача» деган сўзлар «қирқ бараваридан олтмиш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) **241¹¹-модда:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «йигирма беш бараваридан эллик бараваригача» деган сўзлар «эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар «юз бараваридан икки юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) **245-модданинг биринчи қисми:**

«59» рақамидан кейин «59¹» рақами билан тўлдирилсин;

«155¹» рақамидан кейин «155²» рақами билан тўлдирилсин;

29) **287-модда биринчи қисмининг 1-банди** «ушбу Кодекснинг» деган сўзлардан кейин «47⁴, 47⁵» рақамлари билан тўлдирилсин;

30) **343-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши ва намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда, унга нисбатан жазо қўллаган маъмурий суд бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ни белгиланган муддатнинг камида ярми ўтгач ва суд томонидан тайинланган жарима тўлангач, корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг илтимоси билан қисқартириши мумкин».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида**»ги 813–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-

нинг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 210-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда) **3-моддасининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**прекурсорлар** — прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ва психотроп моддаларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар».

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 3-моддасининг 15-банди мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонун 3-моддасининг 3-банди, 28-бандининг иккинчи хатбошиси мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 октябрь,
ЎРҚ-503-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

842 Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва институционал ислохотлар инвестиция муҳитини яхшилашга, хорижий ва маҳаллий инвесторлар сонининг ортиб боришига кўмаклашмоқда.

Шу билан бирга, аъъанавий равишда давлат тасарруфида ва бошқарувида бўлган иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммо ва камчиликлар давлат-хусусий шериклик тизимини жорий этишни жадаллаштириш юзасидан муҳим чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Ижтимоий ва коммунал соҳалар, шаҳарсозлик ва ободонлаштириш, йўл хўжалиги, энергетика соҳасидаги давлат монополияси товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифатини, давлат маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини пасайтирмоқда.

Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг тамойиллари, шартлари ва йўналишларини белгиловчи ҳуқуқий ва институционал база, шунингдек, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда бюджет тизимига молиявий, техник ва тижорат таваккалчиликларининг таъсирини баҳолаш механизми ишлаб чиқилмаган.

Давлат-хусусий шериклиги механизмларидан фойдаланиш орқали инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда, шунингдек, уларни тизимли мониторинг қилишда давлат ва бизнес ўртасидаги ҳамкорликни таъминловчи махсус орган мавжуд эмас.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ўзаро манфаатли шароитларда тезкорлик билан ҳал этиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тизимини самарали бошқариш ва мувофиқлаштириш учун институционал имкониятлар комплексини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Савдо-саноат палатасининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигини (кейинги ўринларда — Агентлик деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 октябрда эълон қилинган.

2. Агентликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин: иктисодиёт ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг самарадорлиги ва афзалликларини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

давлат-хусусий шериклик соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишда идоралараро мувофиқлаштиришни таъминлаш, шунингдек, лойиҳалар тўғрисидаги ахборотни очиқ ҳолда жойлаштириш ва уларнинг реестрини юриштиш;

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, шу жумладан, муайян лойиҳалар концепцияларини ишлаб чиқишда вазирлик ва идораларга қўмаклашиш;

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш масалаларида инвесторлар, халқаро молия ва донор ташкилотлари, илмий ва эксперт ҳамжамиятлари, шунингдек, бозорнинг бошқа иштирокчилари билан ҳамкорликни ташкил этиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳалари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама қўмаклашиш, лойиҳаларни молиялаштириш механизмлари, шу жумладан, юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликларни аниқлаш ва тақсимлаш юзасидан уларнинг тақлифларини кўриб чиқиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, шу жумладан, лойиҳаларга жалб қилинган бюджет тизими маблағларидан фойдаланилишини, шунингдек, тегишли тармоқлардаги халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш амалиётини мониторинг қилиш.

3. Белгилансинки:

Агентлик давлат муассасаси шаклида ташкил этилади ва Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шериклик соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича махсус ваколатли орган ҳисобланади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, танлов ҳужжатлари, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар лойиҳалари ва уларга киритиладиган ўзгартиришлар мажбурий тартибда Агентлик билан келишилиши лозим;

Агентлик давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилиши, техник-иктисодий ҳамда молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотни уларнинг ташаббускорлари ва иштирокчиларидан сўраб олиш ҳуқуқига эга;

Агентликни таъминлаб туриш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан молиялаштирилади;

Агентликка директор — Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари раҳбарлик қилади;

Агентлик директорининг биринчи ўринбосари ва ўринбосари Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Агентлик ходимларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

Агентликнинг Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган ходимлари, экспертлари ва маслаҳатчилари хизматларига ҳақ тўлаш белгиланган тартибда хорижий валютада амалга оширилиши мумкин.

4. Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, халқаро ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотлари, молия институтлари ҳамда бошқа донорларнинг грантлари ва кредитлари (қарзлари);

юридик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони 30 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлига:

Агентликнинг чекланган сони ва тузилмасига, зарур ҳолларда, ўзгартиришлар киритиш;

Агентликнинг ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, эгаллаб турган асосий лавозими бўйича лавозим маошларига (тариф ставкаларига) устамалар ва рағбатлантирувчи бошқа тўловларни белгилаш;

халқаро амалиёт ва бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда, Агентликка юкланган вазифаларни амалга ошириш учун шартнома асосида жалб этиладиган мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

6. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, зарур ҳолларда, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларни ташкил этсин, уларни бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сони доирасида камида икки нафар малакали мутахассис билан таъминласин.

7. Агентлик ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

а) 2018 йил 1 декабргача давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилиши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиб, ёндашувлар, тартиблар ва уларни амалга ошириш механизмлари бирхиллаштирилишини таъминлаш бўйича таклифлар киритсин;

б) 2018 йил 1 декабргача Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) 2019 йил 1 январгача қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш Дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин:

иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа кесимида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича комплекс ёндашув ва стратегик вазифалар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва таъминлаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш;

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида халқаро молия институтлари, донор-давлатлар, компаниялар ва банклар билан ҳамкорликни ўрнатиш.

8. Агентлик Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 26-уй манзилида беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликни белгиланган тартибда зарур алоқа билан, шунингдек, юқори тезликда ишлайдиган Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бир ҳафта муддатда Агентлик тузилмаси ва низомини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда Агентликни юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш учун зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришни таъминласин;

бир ой муддатда Агентликни зарур мебель, жихозлар, компьютер ускуналари, шунингдек, зарурат бўлганда, транспорт воситалари билан таъминласин;

икки ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидова ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 октябрь,
ПҚ-3980-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**843 Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида***

Сўнги йилларда мамлакатимизда, энг аввало, иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, инвестициявий жозибадорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, электр энергетикаси тармоғида мавжуд имконият ва салоҳиятдан етарлича фойдаланилмаётганлиги кўзланган ислохотларни самарали амалга ошириш ва мамлакатни жадал ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Соғлом рақобат муҳитининг йўқлиги, сезиларли даражада квазидавлат секторнинг мавжудлиги, тариф сиёсатининг бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келмаслиги давлат томонидан ҳаддан ташқари тартибга солинишига ҳамда давлат ва тижорат манфаатларининг тўқнашувига олиб келмоқда.

Ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш даражасининг пастлиги, тегишли инфратузилмани янгилаш суръатларининг сустлиги технологик йўқотишларнинг ошишига ва электр энергиясини етказиб беришда, айниқса жойларда мунтазам узилишларга олиб келмоқда.

Тармоқ корхоналарини бошқаришнинг бюрократлашган тизими ва меҳнат ресурсларидан самарасиз фойдаланиш уларнинг иш фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини пасайтирмоқда ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларнинг ўсишига олиб келмоқда.

Илғор хорижий тажриба, замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида электр энергетикаси тармоғида давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. 2018 — 2020 йилларда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, электр тармоқларини модернизация қилиш, электр энергияси ҳисоби ва истеъмолчини назорат қилишни такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» қуйидагиларни назарда тутган ҳолда 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва янгилашини ишга тушириш бўйича лойиҳа қиймати 2,6 млрд. АҚШ доллари бўлган умумий қуввати 1 984 МВт 7 та инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 24 октябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жалб қилинадиган кредитлар ва «Ўзбекэнерго» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан йилига умумий узунлиги 7,1 минг км бўлган янги электр тармоқларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, 2 500 та трансформатор пунктларини ўрнатиш ва модернизация қилиш;

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига (кейинги ўринларда — ЭЭҲО ва НКҚАТ) 7 млн. истеъмолчиларни улаш, 2021 йил якунига қадар ЭЭҲО ва НКҚАТ қамровини абонентлар умумий сонининг 100 фоизигача етказиш;

Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институтлари билан келишилган, умумий қиймати 1,8 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги узоқ муддатли кредитларни ўзлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Йўл харитаси»да белгиланган ҳар бир лойиҳани амалга ошириш бўйича тармоқ графикларини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Ариповга — «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини қатъий назоратга олиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродовга — халқаро молия институтлари ва ташкилотлардан жалб қилинаётган маблағларнинг ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, салоҳиятли инвесторларни излаш ва инвесторларга, шу жумладан, ишончли бошқарувга бериладиган объектларни аниқлаган ҳолда электр энергетикаси тармоғига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Д.А. Қўчқоровга — электр энергетикаси тармоғида лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш механизмларининг сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш;

«Ўзбекэнерго» АЖ бошқаруви раиси У.М. Мустафоевга — лойиҳа ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш, мазкур қарорда белгиланган объектларни қуриш ва фойдаланишга топширишни таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда «Обод қишлоқ» Давлат дастурини амалга ошириш учун жалб қилинган халқаро молия институтлари қарз маблағларининг 100 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган қисмини 2019-2020 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини қуриш ва модернизация қилишга йўналтирилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 14 февралдаги ПҚ-1705-сон ва 2012 йил 2 августдаги ПҚ-1795-сон қарорларига мувофиқ «Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш. Ўзбекистон Республикасининг Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари 0,4 кВли истеъмолчиларининг электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш тизими» лойиҳаси (кейинги ўринлар-

да — АСКУЭ 1-фаза) Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва «Ўзбекэнерго» АЖнинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) «Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида электр энергияси истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини (АСКУЭ 4-фаза) жорий этиш» лойиҳасини амалга ошириш учун кўзда тутилган Осиё тараққиёт банкининг 300 млн. АҚШ доллари миқдорига қарз маблағлари ҳисобига республиканинг бошқа ҳудудларида ЭЭҲО ва НҚАТни жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш;

б) Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобига АСКУЭ 1-фаза лойиҳасини амалга ошириш доирасида иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан ЭЭҲО ва НҚАТ маълумотларини қайта ишлаш республика ягона марказини ташкил этиш бўйича ўтказилган халқаро тендер натижаларига кўра аниқланган пудратчи — компания билан;

Республиканинг барча ҳудудларида ЭЭҲО ва НҚАТни жорий этиш учун зарур бўлган замонавий ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун халқаро танлов савдоларини ўтказиш юзасидан тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича «CESI S.P.A / AF Mercados Energy Markets International S.A / Sharifa.com» (Италия/Испания/Ўзбекистон) консалтинг компанияларининг консорциуми билан қўшимча битимлар тузиш.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (Ш.А. Вафаев)га қуйидагиларни мувофиқлаштириш учун жавобгарлик юклансин:

харид қилиш жараёнларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иштирок этишини, мамлакат ҳудудида ЭЭҲО ва НҚАТ ва ҳисоблаш қурилмаларига хизмат кўрсатиш сервис марказларини яратишни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ЭЭҲО ва НҚАТни жорий қилиш учун замонавий ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

Осиё тараққиёт банкининг қарз маблағлари ҳисобига 2021 йил 1 декабрга қадар республиканинг барча ҳудудларида ЭЭҲО ва НҚАТни жорий этишни яқунлаш бўйича замонавий ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш юзасидан халқаро тендер савдоларининг ўтказилишини жадаллаштириш.

«Ўзбекэнерго» АЖ маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш жараёнида, уларнинг техник параметрларининг халқаро тендер савдоларини ўтказиш учун тайёрланган тендер ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминласин.

4. Мажбурий ижро бюроси маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг энг яхши таклифларини танлаб олган ҳолда, электр энергиясини ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олишни параллел молиялаштириш мақсадида 2019 — 2021 йиллар давомида Мажбурий ижро бюросини

ривожлантириш жамғармасидан ҳар йили 400 млрд. сўм миқдориди солиққа тортилмайдиган маблағларни «Ўзбекэнерго» АЖга бегараз равишда ажратилишини таъминлансин.

5. Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича амалий чоратадбирлар режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 3-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин, унга Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банки гуруҳи билан биргаликда:

а) ишлаб чиқариш қувватларини 2030 йилгача 20 минг МВтга етказган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш модернизация ва диверсификация қилиш бўйича узоқ муддатли инвестициявий дастурни 2019 йил 1 майга қадар ишлаб чиқиш;

б) 2019 йил 1 мартга қадар электр энергиясини узатишда давлатнинг тўлиқ назоратини сақлаб қолган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш (сотиш) корхоналарига хусусий ҳамда хорижий тўғридан-тўғри инвестицияларни, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кенг жалб қилишни, шунингдек, ишлаб чиқарувчи корхоналардан тўғридан-тўғри танлов асосида электр энергиясини сотиб олишнинг улгуржи бозорини босқичма-босқич ташкил этишни назарда тутган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва сотишни ташкил этишнинг замонавий схемасини ишлаб чиқиш;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида идоралараро тариф комиссиясини ташкил этишни назарда тутган ҳолда, 2019 йил 1 апрелга қадар электр энергетикаси тармоғига хусусий секторни жалб қилишни рағбатлантирувчи, электр энергиясининг жорий ва капитал харажатларини қоплашга асосланган электр энергияси тарифларини ҳисоблаш методологиясини тайёрлаш ва тасдиқлаш;

г) 2019 йилда электр энергетикаси тармоғи корхоналарида корпоратив бошқарувнинг замонавий шакллари ва усулларини, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этишни таъминлаш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг корпоратив облигацияларини чиқариш ва халқаро бозорларга жойлаштириш;

д) 2018 йил 1 декабрга қадар электр энергетикаси тармоғида давлат-хусусий шерикликнинг норматив-ҳуқуқий базаси, тартиб-таомиллари ва регламентини ишлаб чиқиш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқлаш;

е) мавжуд ресурс базаси, замонавий технологик тенденциялар ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни инобатга олган ҳолда, электр энергетикаси тармоғида салоҳиятли инвесторлар билан биргаликда давлат-хусусий шериклик асосида янги инвестициявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш вазифаси юклансин.

7. Комиссия (А.Н. Арипов) 2018 йил 15 декабрга қадар, республиканинг ёқилғи-энергетика комплекси фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш билан боғлиқ барча комплекс масалаларни юклаган ҳолда, Ўзбекис-

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тон Республикаси Энергетика вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси «Ўзбекэнерго» АЖ ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2019 йилдан бошлаб:

Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда Навоий вилоятида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш бўйича тажриба лойиҳасини танлов асосида амалга оширишни;

халқаро молия институтлари билан биргаликда мамлакатнинг иссиқлик электр станцияларидан бирида буғ-газ қурилмасини қуриш, шунингдек, Андижон, Наманган, Фарғона шаҳарларидаги электр энергияси тарқатиш тармоқларини модернизация қилиш тажриба лойиҳасини давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширишни;

халқаро молия институтлари билан биргаликда «Тошкент шаҳридаги тарқатиш тармоқларини узоқ муддатли ижарага бериш» лойиҳасини техник-иқтисодий асосларининг асосий параметрларини ишлаб чиқишни бошлашни таъминласин.

9. Белгилансинки, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ гидроэлектрстанциялари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси учун тўлов истеъмолчилар — жисмоний шахслар учун якуний тарифнинг 85 фоизи миқдориди шаклландиган тариф бўйича амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилиш-банк» АТБ, «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг:

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг «Ўзбекэнерго» АЖ лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун ажратилган кредитларини, тегишлича якуний тўловлар муддатини узайтириш ва қайта молиялаштирувчи банкларнинг мажбуриятларини реструктуризация қилиш билан бирга 4-иловага* мувофиқ 3 йилга узайтириш;

«Чорвоқ ГЭС гидрогенераторларини уларнинг ишчи ғилдирақларини алмаштириш билан бирга модернизация қилиш» инвестициявий лойиҳасини молиялаштириш учун «Ўзбекэнерго» АЖга берилган кредитни «Ўзбекгидроэнерго» АЖга қайта расмийлаштириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарордан келиб чиқиб, «Ўзбекэнерго» АЖ мажбуриятлари бўйича илгари берилган давлат кафолатларига ўзгартириш киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасида «МЭИ» Миллий тадқиқот университети» (Россия Федерацияси) Федерал давлат бюджет олий таълим муассасаси филиалини ташкил қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

энергетика тармоғига юқори малакали менежерларни ёллаш учун кадрларни танлаш билан профессионал асосда шуғулланадиган ташкилотларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда муқобил электр энергияси ишлаб чиқарувчиларини ягона энергетика тизимига улаш тартибини такомиллаштириш ва лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

13. «Ўзбекэнерго» АЖ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

2019 йил 1 апрелга қадар электр энергияси, шу жумладан, муқобил электр энергиясини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини ягона энергетика тизимига улаш регламентини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомидинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 октябрь,
ПҚ-3981-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**844 Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнги йилларда хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар (кейинги ўринларда ватандошлар деб юритилади) билан доимий мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ва ҳар томонлама ҳимоя қилишга кўмак бериш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда кўплаб ватандошларимиз иқтисодий, ижтимоий соҳа, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа йўналишларни ривожлантиришга, ўзларининг тарихий Ватани — Ўзбекистоннинг обрўсини ошириш ҳамда унинг ташқи дунё билан муносабатларини мустаҳкамлашда муносиб ва сезиларли хиссаларини қўшиб келмоқда.

Шу билан бирга, ватандошлар билан алоқаларни ривожлантиришнинг аҳамияти ва долзарблиги ошаётган бир пайтда, улар билан самарали ҳамкорликни олиб бориш ва ислохотларни сифат жиҳатдан яхшилашда уларнинг салоҳиятини жалб қилиш борасида қуйидаги қатор муаммолар сақланиб қолмоқда:

давлат органлари ва ташкилотларнинг ватандошлар билан алоқаларни ўрнатишнинг самарадорлиги паст даражада ва қисман эканлиги;

иқтисодий, ижтимоий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий ва бошқа устувор лойиҳалар ҳамда дастурларни амалга оширишда ватандошларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланмаслик;

ватандошларнинг ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини оммалаштириш билан шуғулланадиган ташкилотларини қўллаб-қувватлаш борасида комплекс ва узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги;

хорижда таълим олаётган Ўзбекистон ёшлари билан ишлашга етарли даражада эътибор берилмаётганлиги, мамлакатга қайтганларидан кейин уларни иш билан таъминлаш тизимининг йўлга қўйилмаганлиги.

Ватандошлар билан ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатли ва мустаҳкам тизимини яратиш ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий мақсадлари сифатида қуйидагилар белгилансин:

халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари, истиқомат қилинаётган давлатнинг қонунчилиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқ-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 октябрда эълон қилинган.

аро шартномалари асосида хориждаги ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга кўмаклашиш;

ватандошларнинг Ўзбекистон маданий, илмий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилишга, уни жаҳон миқёсида ўрганиш ва оммалаштиришга, истиқомат қилаётган давлатларида ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасидаги фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг Ўзбекистонда таълим олиш имкониятларини кенгайтириш;

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ва унинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли, дўстона муносабатларини қуришга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган ватандошлар ҳамда улар тузган ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

ватандошларнинг Ўзбекистон ҳудудида профессионал, шу жумладан, тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишлари учун қулай ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий шароитларни яратиш;

ватандошларнинг салоҳиятини Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни қўллаб-қувватлашга, Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлашга жалб қилиш.

2. Қўйидагилар:

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати Концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастури) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади;

Концепция ва Чора-тадбирлар дастурининг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади;

Концепция ва Чора-тадбирлар дастурининг бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади;

Концепция ва Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия эҳсонлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар орқали молиялаштирилади.

Вазирлик ва идоралар раҳбарларига Концепция ва Чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларни сифатли ҳамда ўз вақтида бажариш ва ҳар

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чоракда уларни амалга ошириш ҳолати борасидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этиш бўйича шахсан жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

3. Концепция ва Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Комиссия ташкил қилинсин ва унинг таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов):

Концепция ва Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳолатини самарали мувофиқлаштиришни, тизимли мониторингини ҳамда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига уларнинг бажарилиши бўйича маълумот тақдим этишни таъминласин;

оммавий ахборот воситаларида Концепция ва Чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши тўғрисида аниқ кўрсаткичлар ва натижаларни ифодалаган ҳолда ахборот-таҳлилий шарҳларни тизимли равишда тайёрлаш ва чоп этиш бўйича чоралар кўрсин;

зарур ҳолларда ватандошлар ва уларнинг ташкилотларини Концепция ва Чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган долзарб масалаларни муҳокама этишга жалб қилсин;

ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро шартномалар ва бошқа ҳужжатларни имзолаш бўйича чоралар кўрсин, Ўзбекистон Республикасининг жамоат ташкилотлари ҳамда ватандошларнинг хориждаги ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни, улар ўртасидаги алмашинувни рағбатлантирсин ва қўллаб-қувватласин.

5. Белгилансинки, ватандошлар билан ҳамкорликнинг даражаси ва шаклидан келиб чиқиб, уларга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат томонидан қуйидаги қўллаб-қувватлаш ва рағбат чоралари кўрсатилиши мумкин:

кириш визаларини, шу жумладан, кўп маротабалик ва узоқ муддатли визаларни соддалаштирилган ҳолда расмийлаштириш, вақтинчалик яшашга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғуллашиш учун рухсатнома бериш;

юқори малакали кадрларни Ўзбекистонда зарур бўлган мутахассисликлар бўйича ишга олиш;

ижтимоий ва маиший масалаларни ҳал қилишга ёрдам бериш;

давлат тасарруфидаги бўш турган объектларни ва ер майдонларини ватандошларга тадбиркорлик, илмий-тадқиқот, маърифий, инновацион ва бошқа дастур ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиб бериш;

ватандошларнинг ўқиши, иши ва бошқа ижтимоий масалаларини тўлиқ (қисман) молиялаштириш;

ватандошлар орасида юқори малакали мутахассисларни давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат ташкилотларига раҳбарлик лавозимларига,

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шунингдек, ушбу ташкилотлар раҳбарларининг консультанти (маслаҳатчиси) сифатида жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган соддалаштирилган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини бериш;

ватандошлар — хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти, тарих, кино, маданият, театр санъати, телевидение ва радио йўналишлари бўйича таълим олишлари учун грантлар ажратиш;

ватандошларнинг оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтишини соддалаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган ватандошларни давлат мукофотлари ва фахрий унвонлар билан тақдирлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида давлат томонидан кўрсатиладиган бошқа қўллаб-қувватлаш ва рағбат чоралари.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ватандошлар орасида юқори малакали мутахассисларни давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат ташкилотларига раҳбарлик ва масъулиятли лавозимларига жалб қилиш борасида зарур чора-тадбирларни мунтазам амалга оширсин ҳамда уларга манфаатдор вазирлик ва идораларга ишга кириш, яқин алоқалар ўрнатиш бўйича тўлиқ ёрдам кўрсатсин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини ҳамда Концепция ва Чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши ҳолатини ёритиш юзасидан мақолалар ва мавзули дастурларни ташкил этсин.

8. Ташқи ишлар вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Маҳмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 октябрь,
ПҚ-3982-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги
ПҚ-3982-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик
соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати Концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция деб юритилади), давлатнинг мазкур йўналишдаги сиёсатининг принциплари, мақсадлари, асосий жабҳалари ва механизмларини намоён этадиган қарашларнинг ягона тизимидир.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон худудидан ташқарида доимо истиқомат қиладиган ёки таълим олиш, меҳнат фаолияти билан шугулланиш, оилавий сабаблар ва бошқа шароитлардан келиб чиқиб вақтинчалик чет элда юрган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

хорижга чиққан ва чет эл фуқаролигини олган, Ватанига маънавий ва маданий нуқтаи назардан мансубликни ҳис қилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан маданий-гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилаётган Ўзбекистондан чиқиб кетган шахслар ва уларнинг авлодлари;

этник, тил ва маданий-тарихий нуқтаи назардан ўзини ўзбеклар ёки қорақалпоқлар сифатида идентификация қилган ҳамда Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқада бўлиш хоҳишида бўлган хорижда истиқомат қилаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар (кейинги ўринларда — ватандошлар) ҳисобланади.

3. Ўз ташаббуслари орқали ташкил этилган ҳамда ватандошларнинг манфаатларини ифода этадиган ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари, нормаларига, истиқомат қилаётган мамлакатнинг ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, ўзининг низомига асосланиб фаолият олиб борадиган жамоавий маданий ва миллий марказлар, ассоциациялар, талабалар жамиятлари, мактаблар, фондлар ва тадбиркорлик тузилмалари ватандошлар ташкилотлари деб тушунилади.

4. Мазкур Концепция Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига асосланади.

5. Концепция ватандошлар билан доимий мулоқотни таъминлаб туриш-

нинг самарали механизмларини шакллантириш ва амалга ошириш, уларни маданий-гуманитар, илмий, маърифий ва ахборот соҳаларда ҳамкорликка жалб қилиш, Ўзбекистонда иқтисодий, ижтимоий лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни ватандошлар билан фаол ҳамкорлик қилиш орқали самарали амалга оширишга қаратилган.

2-боб. Ўзбекистон Республикасининг ватандошлар билан ҳамкорлигининг асосий принциплари

6. Ўзбекистон билан маънавий, маданий ва ҳуқуқий алоқаларни сақлашга ҳамда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида иштирок этишга интилаётган ватандошлар билан ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикасининг ватандошлар билан ҳамкорлигининг барча шакллари ва йўналишлари очиқлик, шериклик, ихтиёрийлик, қонунийлик, истиқомат қилаётган мамлакатининг қонунларига ҳурмат билан қараш, давлат суверенитети ва мустақиллиги, тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари амал қилиш принципларига асосланади.

Ватандошлар билан мулоқот ўрнатиш ва алоқаларни ривожлантириш масалаларида Ўзбекистон Республикаси ватандошлар истиқомат қиладиган давлатларнинг тегишли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

8. Мазкур соҳадаги давлат сиёсати барча ватандошлар билан ҳар томонлама дўстона ҳамкорликни мустаҳкамлашга, уларнинг этник, миллий, диний ва ижтимоий мансублигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси билан маданият, тил, таълим, ахборот соҳалардаги ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга қўмаклашишга, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришга қаратилган.

Мамлакатлар ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, ватандошларимизнинг ижтимоий ва маданий эҳтиёжларини қаноатлантиришга қўмаклашиш ва истиқомат қилаётган мамлакатдаги маданий тенглигини ҳимоя қилиш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни сақлаб қолиш мақсадида юртдошларимиз билан ўзаро ҳамкорлик қилишга доимий эътибор қаратилади.

3-боб. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги ватандошлар билан ҳамкорлигининг асосий мақсадлари

9. Ўзбекистон Республикасининг ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат:

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари, истиқомат қилаётган мамлакатнинг қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида чет эллардаги ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон маданий, илмий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш, уни дунёда ўрганиш ва оммалаштириш, истиқомат қилаётган мамлакатларида ўзбек тилини, маданиятини ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган ватандошларимизнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг Ўзбекистонда таълим олиш имкониятларини кенгайтириш;

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ва унинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва дўстона муносабатларини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишни истаган ватандошлар ва улар томонидан тузилган ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

Ўзбекистон ҳудудида ватандошларнинг касбий, шу жумладан, тадбиркорлик, сармоядорлик, илмий, маърифий ва маданий фаолиятини амалга ошириши учун қулай ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга ватандошлар салоҳиятини жалб қилиш.

4-боб. Ўзбекистон Республикасининг ватандошлар билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари

1-§. Маданий, илмий, маърифий ва ахборот соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш

10. Ўзбекистон Республикаси маданият, илм-фан, таълим ва ахборот соҳаларида юртдошлар ва уларнинг ташкилотлари билан фаол ҳамкорликни амалга ошириш, улар билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг бошқа хорижий мамлакатлар билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирларни ташкил қилишни назарда тутмоқда.

11. Ушбу Концепциянинг 10-бандида кўрсатилган ватандошлар билан ҳамкорликнинг асосий соҳалари қуйидагилардир:

илмий, таълим, тиббиёт, маданий-маърифий, спорт ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси учун ёш кадрлар ва мутахассисларни тайёрлашга ватандошларнинг салоҳиятини жалб этиш;

ватандошларнинг таълим олиш ва касбий маҳоратларини ошириш, шунингдек, уларнинг ўз тарихий Ватанининг илмий, маданий ва ижтимоий ҳаётида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш;

доимий истиқомат қилаётган мамлакатларда ўзбек тили, маданияти ва

урф-одатларини ўрганиш, асраш ва ёш авлодларга етказишда ватандошлар ва уларнинг ташкилотларига кенг кўламли ёрдам кўрсатиш;

хорижий давлатлардаги юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини янада тўлиқроқ ёритиш ва уларни Ўзбекистон ҳақидаги тегишли ахборот билан таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамда ахборот алмашинуви борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш;

чет элда таҳсил олаётган Ўзбекистон фуқаролари билан доимий алоқани ўрнатиш ва ушлаб туриш, уларнинг Ўзбекистон ҳудудида иш билан таъминлашига зарурий ёрдам кўрсатиш.

2-§. Иқтисодий соҳада ҳамкорликни ривожлантириш

12. Ўзбекистон Республикаси молиявий-иқтисодий ва интеллектуал-технологик салоҳиятга эга ишбилармон доира вакилларини, хорижий компания ишчиларини, сармоядорларни, халқаро молия институтлари ходимларини ва бошқа мутахассис ватандошларимизни жалб қилишда куйидагилардан манфаатдор:

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига илғор технологияларни фаол жалб қилиш, Ўзбекистонда қўшма корхоналарни ташкил этиш ва экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;

махаллий маҳсулотлар экспорти ҳажмини оширишга ёрдам бериш ва унинг географиясини кенгайтириш;

хорижий туристларни жалб қилиш, мамлакатнинг туристик салоҳиятини, инфратузилмасини ва Ўзбекистонда туризмнинг янги турларини ривожлантириш;

банк-молия фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принципларини ва механизмларини жорий этиш;

Инвестициявий жозибadorликни ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонда фаолият юритишида илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва амалга ошириш;

хорижий мутахассис ходимларни, маслаҳатчиларни илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш учун жалб қилиш, жаҳон илм-фанининг замонавий ютуқларини жорий қилиш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, талабга жавоб берадиган иқтисодий, илмий, техникавий ва бошқа соҳадаги мутахассисларни Ўзбекистонда тайёрлашга кўмаклашиш.

5-боб. Ватандошларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари

13. Ўзбекистоннинг ривожланишига ҳисса қўшмоқчи бўлган ватандош-

ларимизга ҳар томонлама кўмак кўрсатади, уларнинг истиқомат қилаётган давлатларида юртимизнинг маданий, илмий, маърифий меросларини ва замонавий ютуқларини сақлашга ва оммалаштиришга ёрдам беради.

Иқтисодиёт, илм-фан ва технологиялар, тиббиёт, таълим, маданият, спорт соҳаларида юқори малака ва ютуқларга эга бўлган ва бошқа йўналишларда қобилиятли ватандошлар билан ҳамкорликни ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ватандошлар билан ҳамкорликнинг даражаси ва шаклидан келиб чиққан ҳолда, уларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида давлат томонидан қуйидаги қўллаб-қувватлаш ва рағбат чоралари кўрилиши белгилансин:

кириш визаларини, шу жумладан, кўп маротабали ва узоқ муддатли визаларни соддалаштирилган ҳолда расмийлаштириш, вақтинчалик яшашга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулла-нишга рухсатнома бериш;

юқори малакали кадрларни Ўзбекистонда зарур бўлган мутахассисликлар бўйича ишга олиш;

ижтимоий ва маиший масалаларни ҳал қилишга ёрдам бериш;

давлат тасарруфидаги бўш турган объектларни ва ер майдонларини ватандошларга тадбиркорлик, илмий-тадқиқот, маърифий, инновацион ва бошқа дастур ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиб бериш;

ватандошларнинг ўқиши, иши ва бошқа ижтимоий масалаларини тўлиқ (қисман) молиялаштириш;

ватандошлар орасида юқори малакали мутахассисларни давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат ташкилотларига раҳбарлик лавозимларига, шунингдек, ушбу ташкилотлар раҳбарларининг консультанти (маслаҳатчиси) сифатида жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган соддалаштирилган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини бериш;

ватандошлар — хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти, тарих, кино, маданият, театр санъати, телевидение ва радио йўналишлари бўйича таълим олишлари учун грантлар ажратиш;

ватандошларнинг оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитациядан ўтишини соддалаштириш;

Ўзбекистон Республикасини ривожланишига муносиб ҳисса қўшган ватандошларни давлат мукофотлари ва фахрий унвонлар билан тақдирлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида давлат томонидан кўрсатиладиган бошқа қўллаб-қувватлаш ва рағбат чоралари.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

14. Ўзбекистон Республикасининг ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасидаги давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

15. Ватандошлар билан ҳамкорлик қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро шартномалар ва бошқа халқаро ҳужжатларни тузади, Ўзбекистон Республикасининг жамоат ташкилотлари ҳамда ватандошларнинг хориждаги ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни, алмашинувини рағбатлантиради ва қўллаб-қувватлайди.

16. Концепциянинг самарали амалга оширилиши ватандошлар билан очик мулоқот ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳамда:

ватандошлар билан тизимли ҳамкорликнинг самарали механизмларини шакллантириш ва уларнинг ўзбек тилини, маданиятини ва урф-одатларини сақлаш ва оммалаштиришга қаратилган фаолиятини қўллаб-қувватлашга;

Ўзбекистон Республикасининг устувор йўналишлардаги лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда фаол иштирок этиши учун ватандошларнинг интеллектуал, касбий ва ресурс салоҳиятини жалб қилиш инструментларини яратиш ҳамда уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмалли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этишга;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлашга, мамлакатнинг миллий манфаатларини минтақада ва жаҳонда илгари суришга, ватандошлар билан мулоқот ва ҳамкорлик ўрнатиш орқали хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва дўстона муносабатларни йўлга қўйишга имкон беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**845 Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Минерал ўғитларни сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш, кимё саноати корхоналарининг қарздорликларини реструктуризация қилиш юзасидан кўрилган чоралар уларни молиявий соғломлаштиришга ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини оширишга имкон берди.

Шу билан бирга, кимё тармоғини янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мавжуд қувватларини модернизация қилиш ва янгиларини қуриш учун инвестицияларни жалб қилиш ҳамда экспорт ҳажмини кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, инвестициявий жозибадорликнинг пастлиги ва тармоқни ривожлантириш учун ўз маблағларининг етарли эмаслиги хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича илғор технологияларни жорий қилиш имконини бермапти, бунинг оқибатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотда минерал ўғитларлар улушининг юқорилиги сақланиб қолмоқда.

Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида жаҳон кимё саноати ривожланишининг тенденцияларини ва республиканинг муҳим хом ашё салоҳиятини ҳисобга олувчи фундаментал илмий база ва замонавий лойиҳа-инжиниринг ишланмалари мавжуд эмас.

Кимё тармоғини янада диверсификация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ҳамда ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, етакчи хорижий институтларни жалб қилган ҳолда замонавий илмий ва лойиҳа базасини яратиш, шунингдек, «Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида:

1. Республика кимё тармоғини янада ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

углеводород хом ашёсини ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида иқтисодиёт тармоқларида ва жаҳон бозорида талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли кимё маҳсулотлари номенклатурасини кенгайтириш;

республиканинг минерал ўғитларга бўлган талабини қондириш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва фаолият юритаётганларини модернизация қилиш;

кимё саноати корхоналарининг устав капиталида давлат иштирокини қисқартириш, тармоққа тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, тармоқ корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида кооперация алоқа-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 октябрда эълон қилинган.

ларини ривожлантириш орқали базавий маҳсулотларни қайта ишлашни чуқурлаштириш;

фанни ва соҳавий илмий тадқиқотларни фаол ривожлантириш, шунингдек, биринчи навбатда, углеводород хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга қаратилган илғор илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга интеграция қилиш;

лойиҳа-инжиниринг ишлари ва диагностика тадқиқотлари сифатини ошириш, кимё ва кимё технологияларнинг барча йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали тизимини ташкил этиш.

2. 2018 — 2030 йилларда кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 4,5 баробарга, шу жумладан, минерал ўғитларни — 2 баробарга (1,2 млн. тоннадан 2,4 млн. тоннагача), маҳсулотлар экспортини — 4 баробарга ошириш, шунингдек, органик кимё маҳсулотлари улушини 7 фоиздан 54 фоизгача етказиш орқали тармоқни диверсификация қилишни назарда тутувчи «Ўзкимё-саноат» АЖ фаолиятида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, базавий маҳсулотларни қайта ишлашни янада чуқурлаштириш, мавжуд активлардан оқилона фойдаланиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини жорий қилишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин, унга кўра:

а) қисқа муддатда (2018 — 2020 йилларда):

«Аммофос-Максам» АЖда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ҳисобига фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини 20,0 минг тоннага ошириш (100 фоиз соф ҳолда);

«Навоийазот» АЖда йилига 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол;

«Навоийазот» АЖда йилига 500 минг тонна азот кислотаси;

«Навоийазот» АЖда йилига 660 минг тонна аммиак, 577,5 минг тонна карбамид;

«Фарғонаазот» АЖда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда йилига 7,8 млн. дона замонавий полимер обойлар;

«Дехқонобод калийли ўғитлар заводининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш (II босқич)» инвестициявий лойиҳаси доирасида тоғ-кон мажмуаси лойиҳа ҳажмларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;

б) кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини ишлаб чиқаришни ошириш, органик кимё, шу жумладан, полимер маҳсулотлар, синтетик толалар, резинотехника ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган ўрта ва узоқ муддатларда истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш (2030 йилгача).

Бунда мавжуд ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳамда янги қайта ишлаш қувватларини яратишга қаратилган, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 4,8 млрд. АҚШ долларига тенг 29 та инвестициявий лойиҳалар асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида «Ўзкимёсаноат» АЖ қуйидагиларни таъминласин:

«Фарғонаазот» АЖ ва «Қўқон суперфосфат заводи» АЖни хорижий инвесторларга сотиш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кенгайтириш ва диверсификация қилиш бўйича 2018 йил 30 декабрга қадар ушбу жамиятларнинг активларини мустақил баҳолашни яқунлаш;

Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводини қуриш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун, кейинчалик «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУҚда комплекс экспертиза қилиш шарти билан, кимё соҳасида тажрибага эга хорижий компания билан истисно тариқасида тўғридан-тўғри музокаралар асосида шартнома тузиш;

Навоий вилоятида фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш комплексини қуриш бўйича 2019 йил август ойига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда хорижий ташкилот томонидан фосфорли хом ашё майдонини баҳолаш (экспертизадан ўтказиш) асосида инвестициявий лойиҳани амалга ошириш концепциясини ишлаб чиқиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ва «Ўзкимёсаноат» АЖ билан биргаликда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш натижаларига кўра, «Йўл харитаси»да кўрсатилган истиқболли инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгиласин.

Бунда кимё соҳасида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва кенгайтириш, янги қайта ишлаш қувватларни яратишга қаратилган янги инвестициявий лойиҳалар асосан тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига амалга оширилиши белгилансин.

5. Халқаро консалтинг компанияларни жалб қилган ҳолда тармоқ қорхоналарининг инвестициявий жозибadorлигини ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда энергия тежамкорликни ошириш бўйича ишлар амалга оширилаётгани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 15 апрелига қадар халқаро консалтинг компанияларнинг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, кимё саноати тизимини ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш бўйича таклиф киритсин.

6. Шахсий жавобгарлик:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Ариповга — «Йўл харитаси»да белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини катъий назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.С. Султановга — кимё тармоғи объектларини ўз вақтида ишга тушириш ҳамда «Йўл харитаси»да белгиланган тадбирларни амалга ошириш бўйича вазирликлар ва идораларнинг ишларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадовга — халқаро молия институтлари ва ташкилотлари маблағларини жалб этиш, ҳамда салоҳиятли инвесторларни топиш ва кимё тармоғига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

«Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси А.А. Абдуллаевга — жалб этиладиган маблағларни ўз вақтида ўзлаштириш ҳамда инвестициявий лойиҳалар доирасида объектлар қурилишининг яқунланишини таъминлаш ва уларнинг қатъий белгиланган муддатларда лойиҳа қувватларига чиқиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, «Ўзкимёсаноат» АЖнинг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

«Самарқандкимё» АЖ, «Электркимёзавод» ҚК АЖ ва «Жиззах пластмасса» АЖнинг устав капиталидаги давлат улуши ва «Ўзкимёсаноат» АЖ улушини, шунингдек, «Фарғонаазот» АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини, шу жумладан, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан, хусусий инвесторларга бозор қийматида сотиш;

«Ўзкимёсаноатлоийиҳа» АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини номинал қийматда ва «Навоий КМК» ДКнинг Қизилкум фосфорит комбинати мулк комплексини қолдиқ баланс қийматида «Ўзкимёсаноат» АЖ устав капиталига давлат улуши сифатида киритиш;

«Фарғонаазот» АЖнинг 3-сон саноат майдончасидаги умумий майдони 6,5 га бўлган фойдаланилмаётган объектларни (цеҳлар, объектлар ва уларга туташ ҳудудлари билан) инвестиция мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан «ноль» қийматида сотиш;

инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан, капролакташ ишлаб чиқариш чиқиндиларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун беғараз топшириш юзасидан патентланган технологияга эга бўлган «ЕСО ТЕСН GROUP» ҚК МЧЖ билан инвестиция келишувини тузиш;

2020 йилдан бошлаб «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлар томонидан йиллик молиявий ҳисоботларни эълон қилиш ва уларни Халқаро аудит стандартлари ва Халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига мувофиқлиги юзасидан ташқи аудитдан ўтказиш тартибини жорий этиш;

2021 йилга қадар халқаро тажрибага асосланиб инвестиция ва ишлаб чиқариш жараёнларини, моддий ва молиявий ресурсларни бошқариш бўйича ахборот тизимларини, самарадорликни ошириш кўрсаткичларини қўлланган ҳолда ходимлар меҳнатини рағбатлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ва қайта молияловчи тижорат банкларига кимё саноатида янги инвестициявий лойиҳаларни тайёрлаш мақсадида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва

тадқиқот ишларини амалга ошириш учун «Ўзкимёсаноат» АЖ ва унинг таркибига кирувчи хўжалик жамиятларига кредитлар ажратишга рухсат берилсин.

Белгилансинки:

янги инвестициявий лойиҳаларни тайёрлаш учун кредитлар Жамғарма томонидан шартномада белгиланган, бироқ 5 млн. АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда ажратилади;

хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда молиялаштирилдиган янги инвестициявий лойиҳаларни тайёрлаш учун Жамғарма томонидан ажратилдиган кредит миқдори 10 млн. АҚШ доллари эквивалентигача кўпайтирилиши мумкин;

Жамғарма маблағларини ажратишга тармоқ илмий-техника кенгаши билан келишилган техник вазифа, «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда экспертизадан ўтказилган лойиҳа олди ҳужжатларни тайёрлаш ва тадқиқот ишларини бажариш бўйича тузилган шартнома асос бўлади;

ушбу бандга асосан Жамғарма кредитларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Жамғарма кредитлари хизмат кўрсатувчи банклар орқали қайта молиялаштирилади ва қайта молияловчи банкнинг йиллик 0,25 фоиз миқдоридаги маржаси қўшилган ҳолда, лойиҳани ишга тушириш даврига қадар, жумладан, 3 йиллик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда умумий йиллик фоиз ставкаси 2,25 фоиз миқдорида 5 йил муддатга ажратилади;

кредитлар ва улар бўйича барча харажатлар техник-иқтисодий асос тасдиқланиши жараёнида лойиҳалар қийматига киритилади ва уларнинг қайтарилиши лойиҳалар амалга оширилганидан кейин, объектлар ишга туширилганидан сўнг олинган даромадлар ва лойиҳа ҳужжатларини инвесторларга сотишдан тушган Жамғарма маблағлари ҳамда қарз олувчининг умумхўжалик фаолиятдан олинган даромадлар ёки «Ўзкимёсаноат» АЖ маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. «Ўзкимёсаноат» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг Корея кимё технология илмий-тадқиқот институти (KRICT) билан ҳамкорликда «Тошкент кимё технологиялари илмий-тадқиқот институти» МЧЖ ва «Ўзкимёсаноатлоийиҳа» АЖ негизида — Илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институти — Кимё технологиялари маркази (кейинги ўринларда — Марказ)ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, «Ўзкимёсаноат» АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Марказ фаолиятини ташкил қилиш учун EDCF (Корея Республикаси) лияси бўйича Эксимбанкнинг 50 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ва грант маблағларини жалб этишни таъминласин.

«Ўзкимёсаноат» АЖ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича

давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Марказ фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзкимёсаноат» АЖ ва унинг таркибига кирувчи хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги давлат улуши бўйича 2019 — 2021 йиллар якунларига кўра ҳисобланадиган дивидендлар инвестициявий лойиҳаларини молиялаштириш, шу жумладан, инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб этилган кредит ва қарзларни тўлашга йўналтириш шарти билан капитализация қилинсин (Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтириладиган 30 фоиз миқдордаги дивидендлар бундан мустасно).

11. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Жамғарма, тижорат банклари ва «Ўзкимёсаноат» АЖнинг «Ўзкимёсаноат» АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарнинг Жамғарма ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кредитлари бўйича мажбуриятларини 2-иловага* мувофиқ реструктуризация қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарининг мажбуриятлари бўйича олдин берилган давлат кафолатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. «Ўзкимёсаноат» АЖ бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 октябрь,
ПҚ-3983-сон

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги
ПҚ-3983-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг
айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2884-сон қарориди:

а) 3-бандидаги «бошқарув ходимлари чекланган сони 62 нафардан иборат бўлган» сўзлари «Ўзкимёсаноат» АЖ Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда чекланган сони тасдиқланадиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 5-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 1-иловадаги «Фарғонанефткимёмонтаж» МЧЖ блоки чиқариб ташлансин;

г) 2-иловадаги «Бошқарув ходимлари чекланган сони — 62 та» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш Дастури тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон қарорининг 4-илоvasи чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сон қарорининг 3-илоvasидаги «Фарғонанефткимёмонтаж» МЧЖ блоки чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3900-сон қарорининг иловасидаги 30-позиция чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 февралдаги 110-сон қарориди:

а) «Ўзкимёсаноат» АЖ бўлими қуйидаги мазмундаги 16¹ ва 16² позициялар билан тўлдирилсин:

« 16 ¹ .	Турли лак-бўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.	2021 йил 4-чорак	10 минг тонна	4,0	3,0	1,0		ЎзСҚБ	30	«Навоий» ЭИЗ
16 ² .	БОПП пленкаси ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.	2022 йил 4-чорак	20 минг тонна	40,0	24,0	6,0	10,0	ЎзСҚБ	50	«Жиззах» ЭИЗ

»;

б) 1-илованинг 17, 18, 19 ва 20-позициялари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Дехқонобод калийли ўғитлар заводининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш (II босқич)» инвестициявий лойиҳаси доирасида тоғ-кон мажмуаси қурилишини яқунлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 2 августдаги 576-сон қарорнинг 4-банди учинчи хатбошидаги ва 6-бандидаги «2018 йил 1 сентябрь» сўзлари «2020 йил 1 январь» сўзлари билан алмаштирилсин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

846 Ўзбекистон Республикасида мобил қурилмаларни ҳисобга олиш тизимини тартибга солиш чора-тадбир- лари тўғрисида*

Республикамизнинг барча ҳудудларида мобил алоқани ривожлантириш, замонавий сервис хизматларини жорий этиш орқали интерактив давлат хизматлари ва электрон тижоратдан фойдаланиш имкониятларини яратиш, шунингдек, мамлакатимизда халқаро стандартларга мос келадиган мобил телефонлар ва мобил алоқа модулига эга қурилмаларни (кейинги ўринларда мобил қурилмалар деб аталади) кенг ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Истеъмолчиларга сифатли мобил қурилмалардан фойдаланиш имкониятини яратиш, ички бозорни контрафакт маҳсулотларнинг олиб кирилиши ва сотилишидан ҳимоя қилиш ҳамда телекоммуникация бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг республикада мобил қурилмаларни халқаро ўзига хос идентификация кодлари асосида рўйхатга олиш бўйича қўйидагиларнинг имконини берадиган тизимни (кейинги ўринларда Тизим деб аталади) жорий қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

мобил қурилмалардаги ўзига хос идентификация кодлари тўғрилигини текшириш орқали уларнинг мулкдорлари (эгалари) ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

мобил қурилмалардан уларнинг мулкдорларини (эгаларини) огоҳлантирмасдан ноқонуний ва рухсатсиз фойдаланишга йўл қўймаслик;

халқаро стандартларга мос келмайдиган сифатсиз мобил қурилмалар сотилишининг олдини олиш.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги — мобил қурилмаларнинг идентификация кодларини рўйхатга олиш ва қўллаш, ушбу йўналишда норматив-ҳуқуқий базани яратиш ва такомиллаштириш бўйича ваколатли орган;

«UZINFOCOM давлат ахборот хизматларини яратиш ва қўллаб-қувват-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 24 октябрда эълон қилинган.

лаш бўйича ягона интегратор» МЧЖ — Тизим оператори (кейинги ўринларда Тизим оператори деб аталади) этиб;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари — Тизимни яратиш ва жорий этиш ишларини молиялаштириш манбаи этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги:

а) 2019 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, мобиль телефонлар ва мобиль алоқа модулига эга қурилмаларни халқаро ўзига хос идентификация кодлари бўйича рўйхатга олиш тизимини тўлиқ ишга тушириш имконини берадиган ҳамда келишилган ташкилий-техник ва иқтисодий механизмларни назарда тутувчи Тизимни ташкил этиш режа-жадвалини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама натижалари асосида қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарорининг тегишли лойиҳасини уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Тизим операторининг асосий функция ва вазифаларини, вазирлик ва идоралар, телекоммуникация операторлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб келинадиган ва ишлаб чиқариладиган мобиль қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби ҳамда шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

в) 2019 йил 1 апрелгача бўлган муддатда:

мобиль қурилманинг идентификация кодини Интернет тармоғи орқали онлайн режимида рўйхатга олиш ва унинг мақомини текшириш хизмати жорий этилишини;

мобиль қурилмаларни рўйхатга олиш ҳамда маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўйича ҳудудий пунктларини ташкил этишни ва уларнинг фаолият юритишини таъминласин.

4. Тизим операторига махсулотлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ёки уларнинг расмий дилерлари (дистрибьюторлари) билан Тизимни жорий этиш учун зарур бўлган ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, дастурий таъминот махсулотлари, восита ва мосламалар, компьютер ҳамда сервер техникасини энг яхши таклифларни танлаш асосида етказиб бериш бўйича шартномалар тузишга ва кейинчалик шартномаларни «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда экспертизадан ўтказишга рухсат берилсин.

5. Тизим операторига уни ташкил этиш ва жорий этиш доирасида олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, дастурий таъминот махсулотлари, восита ва мосламалар, компьютер ҳамда сервер техникаси учун божхона тўловларини божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб 36 ойгача бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Тизимни ишга туширгунча Тизим операторининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, Давлат хавфсизлик хизматининг тегишли таркибий бўлинмалари ҳамда мобиль алоқа тармоқларининг телекоммуникация операторлари билан ўзаро ҳамкорлиги бўйича битимлар тузилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Электрон ҳукумат, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 октябрь,
847-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

847 Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»ни тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078*

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва бюджет ҳисобини давлат секториди молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш мақсадида **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси» иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ 2019 йил 1 январдан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 сентябрь,
125-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги
125-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти
(2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»**

Мазкур Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси» (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ бюджет ҳисобини норматив тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 октябрда эълон қилинган.

I бўлим. Бюджет ҳисобида ягона счётлар режасини қўллаш соҳаси

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Стандарт ғазначилик бўлинмалари, молия органлари, давлат ва бошқа мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлари, барча бюджет ташкилотларига татбиқ этилади.

2. Ушбу Стандарда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

актив счёт (А) — бу активларни акс эттиришга мўлжалланган счёт бўлиб, унда иқтисодий ресурсларнинг қолдиғи ва кўпайиши счётнинг дебитида, камайиши эса кредитида акс эттирилади;

аналитик счёт — бюджет ҳисоби объектлари ҳақидаги батафсил ҳисоб ахборотини шакллантирувчи счёт. Бюджет ташкилотлари ягона счётлар режасига қўшимча аналитик счётлардан фойдаланиши мумкин;

балансдан ташқари счётлар (БТС) — бу бюджет ташкилотига қарашли бўлмаган, лекин унинг вақтинчалик тасарруфида бўлган, активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, шартли ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақидаги ахборотларни умумлаштиришга мўлжалланган счётлар. Бу счётлар бошқа счётлар билан ўзаро боғланмайди ва бюджет ташкилотининг ҳисоботларида акс эттирилмайди;

даромадлар бўйича дебиторлик — бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларига даромадлар ҳисобланиши асосида юзага келадиган дебиторлик;

даромадлар тушуми — бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар сифатида ўтказилган пул маблағлари;

ички ҳисоб-китоб марказлари — ўзида ғазначилик бўлинмаларининг тегишли филиаллари маблағлари ҳисобини юритувчи, ғазначилик бўлинмаларининг бир филиали ичида ҳамда филиаллари ўртасида тўловларнинг амалга оширилишини таъминловчи ахборот тизими;

касса методи — бухгалтерия ҳисобида барча операциялар, даромадлар, харажатлар ва бошқа ҳодисалар, улар учун пул ва унинг эквивалентлари қабул қилинганида ёки тўланганида қайд этиладиган бухгалтерия ҳисоби методи;

контр-актив счёт (КА) — актив счётнинг сальдосидан чегириладиган молиявий ҳисоботда активнинг соф қийматини акс эттирувчи счёт;

контр-пассив счёт (КП) — пассив счётнинг сальдосидан чегириладиган молиявий ҳисоботда мажбурият ёки сармоянинг соф қийматини акс эттирувчи счёт;

пассив счёт (П) — бу мажбурият ва сармояни акс эттиришга мўлжалланган счёт бўлиб, унда мажбурият ва сармоянинг қолдиғи ва кўпайиши счётнинг кредити бўйича, камайиши эса дебитида акс эттирилади;

синтетик счёт — бюджет ҳисоби объектлари ҳақидаги маълумотлар-

ни муайян иқтисодий белгилари бўйича умумлаштирилган ахборотни шакллантирувчи сёт;

транзит сётлар (Т) — бу ҳисобот йили даврида фойдаланиладиган, лекин ҳисобот даври охирида қолдиққа эга бўлмайдиган вақтинчалик ҳисобга олувчи ҳамда молиявий натижаларни акс эттирувчи сётлар;

транзит ҳисобварақ — пул маблағларини вақтинчалик ҳисобга олувчи ҳисобварақ;

харажатлар — бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар;

харажатлар бўйича мажбуриятлар — бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан харажатларнинг ҳисобланиши асосида юзага келадиган мажбуриятлар;

ҳисоб-китоблар маркази — ўзида ягона ғазна ҳисобварағини ҳамда ички ҳисоб-китоб марказларини қамраб олган, ягона ғазна ҳисобварағига маблағларнинг кирим қилинишини, харажатларининг амалга оширилишини ва қайтарилишини ҳамда ички ҳисоб-китоб марказлари орқали ғазначилик бўлинмаларининг бир филиалининг ичида ҳамда филиаллари ўртасида тўловларни амалга оширилишини таъминловчи ахборот тизими;

ҳисобланган даромадлар — бюджет тизими бюджетларига ёки бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларга ўтказиб берилиши ҳисобга олинган даромадлар;

ҳисобланган харажатлар — бюджет тизими бюджетлари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан ғазначилик бўлинмаларида ҳисобга олинган молиявий мажбуриятлар;

ҳисобланган ҳақиқий харажатлар — бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ёки бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобланган харажатлар;

ҳисоблаш методи — бухгалтерия ҳисобида содир бўлган барча операциялар ва бошқа ҳодисалар, улар содир бўлган пайтда қайд этиладиган (пул маблағлари ва унинг эквиваленти келиб тушган ёки тўланишидан олдин) бухгалтерия ҳисоби методи.

3. Ягона сётлар режаси молиявий ҳисобот элементларига мувофиқ гуруҳлаштирилган активлар, мажбуриятлар, даромадлар, харажатлар, капитал ва молиявий натижани ўзида ичига олади.

4. Ягона сётлар режаси унинг таркибий қисми бўлган сётларга ва субсётларга ажратилади.

5. Таркибий сётлар тегишли субсётларга бўлинмаса, ушбу таркибий сёт субсёт сифатида фойдаланилади.

2-§. Қўллаш йўналишлари

6. Ғазначилик бўлинмалари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетла-

рининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг ҳамда бюджет ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятининг бюджет ҳисобини мазкур Стандартнинг 1-иловасида* келтирилган ягона счётлар режасига мувофиқ юритади.

7. Фазначилик бўлинмалари, молия органлари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар мазкур Стандартда келтирилган Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетлари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг бюджет ҳисобида ягона счётлар режасини қўллаш тартибига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг бюджет ҳисобини юритади.

8. Бюджет ташкилотлари мазкур Стандартда келтирилган Бюджет ташкилотларининг бюджет ҳисобида ягона счётлар режасини қўллаш тартибига мувофиқ бюджет ҳисобини ташкил этади.

9. Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг бюджет ҳисобида ягона счётлар режасини қўллаш мазкур боб ҳамда ушбу Стандартнинг 2-иловасидаги* намунавий ўтказмалар асосида амалга оширилади.

10. Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ягона фазна ҳисобварағидаги маблағларини ички ҳисобкитоб марказларида тўлиқ акс эттириш мақсадида мазкур Стандартнинг 3-иловасида* назарда тутилган фазначилик бўлинмалари кодлари ва бюджет тизими бюджетлари маблағларининг манбалари таснифи (қўшимча аналитик счётлар) билан қуйидаги кўринишда юритилади:

Счётлар режаси		Фазначилик бўлинмалари кодлари	Бюджет тизими бюджетлари маблағларининг манбалари таснифи
синтетик счёт	аналитик счёт		
XXX	XXX	XXX	X XXX

11. Тегишлича фазначилик бўлинмаларининг:

0-даражаси Ўзбекистон Республикасининг республика даражасидаги;

1-даражаси Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги;

2-даражаси шаҳарлар даражасидаги;

3-даражаси туманлар даражасидаги бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг бюджет ҳисоби бўйича ҳисоб ва ҳисоботлари юритилади.

12. Ягона счётлар режаси даромадларни турлари бўйича ҳисоблаш, тушумини юритиш, харажатларни эса моддалари бўйича ҳисоблаш, амалга ошириш ҳамда даромадлар ва харажатлар бўйича бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларини амалга оширишда маълумотларни тўлиқ акс эттириш мақсадида даромадларнинг турлари ва харажатларнинг иқтисодий таснифи (қўшимча аналитик счётлар) билан қуйидаги кўринишда юритилади:

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Счётлар режаси		Даромадларнинг турлари ёки харажатларнинг моддалари
Синтетик счёт	Аналитик счёт	
XXX	XXX	XX XX XXX

**II бўлим. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими
бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари
жамғармаларнинг бюджет ҳисобида ягона
счётлар режасини қўллаш тартиби**

**1-боб. Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа
бюджетдан ташқари жамғармаларнинг бюджет ҳисобида
ягона счётлар режасини қўллаш тартиби**

1-§. Жорий активлар

13. 101 000 «Ҳисоб-китоблар марказидаги пул маблағлари» счётининг: 101 100 «Ягона ғазна ҳисобварағининг миллий валютадаги пул маблағлари» счётининг тегишли субсчётлари ягона ғазна ҳисобварағига миллий валютада келиб тушган бюджет тизими бюджетларининг даромадлари, тушумлари ва бюджет тизими бюджетларининг ягона ғазна ҳисобварағи орқали миллий валютадаги харажатлари ҳамда миллий валютадаги аниқланмаган тушумларнинг тушиши ва қайтарилиши;

101 200 «Ягона ғазна ҳисобварағининг хорижий валютадаги пул маблағлари» счётининг тегишли субсчётлари ягона ғазна ҳисобварағига хорижий валютада келиб тушган бюджет тизими бюджетларининг даромадлари, тушумлари ва бюджет тизими бюджетларининг ягона ғазна ҳисобварағи орқали хорижий валютадаги харажатлари ҳамда хорижий валютадаги аниқланмаган тушумларнинг тушиши ва қайтарилиши ҳисоби юритилади.

101 110 «Ягона ғазна ҳисобварағидаги бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг миллий валютадаги маблағлари» ёки 101 210 «Ягона ғазна ҳисобварағидаги бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг хорижий валютадаги маблағлари» субсчётларига даромад ва тушумларни қабул қилинганда ўз навбатида тегишли ички ҳисоб-китоб марказларининг 301 100 «Ҳисоб-китоблар марказининг ички ҳисоб-китоб марказлари маблағлари бўйича мажбуриятлари» субсчёти орқали маблағлар 102 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари» ёки 105 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг хорижий валютадаги маблағлари» счётларининг тегишли субсчётларида акс этирилади. Аксинча 102 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари» ёки 105 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг хорижий валютадаги маблағлари» счётларининг тегишли субсчётлари орқали харажатлар амалга оширилганда (Ягона ғазна ҳисобва-

рағининг ичида, яъни ички ҳисоб-китоб марказларининг ўзида амалга ошириладиган харажатлар бундан мустасно) маблағлар 101 110 «Ягона ғазна ҳисобварағидаги бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг миллий валютадаги маблағлари» ёки 101 210 «Ягона ғазна ҳисобварағидаги бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг хорижий валютадаги маблағлари» субсчётлари орқали йўналтирилади.

101 190 «Ягона ғазна ҳисобварағидаги миллий валютадаги аниқланмаган тушумлар» ва 101 290 «Ягона ғазна ҳисобварағидаги хорижий валютадаги аниқланмаган тушумлар» субсчётларида ягона ғазна ҳисобрақамга кирим қилинган аммо тегишли бюджетларга ўтказиш учун етарли асос (маълумотлар) мавжуд бўлмаган тўловлар вақтинчалик ҳисобга олинади. Ушбу маблағлар 301 900 «Ягона ғазна ҳисобварағидаги аниқланмаган тушумлар бўйича мажбуриятлар» субсчётининг кредитида акс этирилиб, юқоридаги актив субсчётлардаги қолдиқлардан харажатлар (аниқланмаган тушумларни қайтаришдан ташқари) амалга оширилмайди.

14. 102 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари» ва 105 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг хорижий валютадаги маблағлари» счётларининг тегишли субсчётларида ягона ғазна ҳисобварағи орқали қамраб олинган ҳамда ички ҳисоб-китоб марказлари орқали йўналтирилган бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг миллий ва хорижий валютадаги пул маблағлари ҳисоби юритилади.

15. 103 000 «Давлат бюджети, давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг бошқа ҳисобрақамлардаги маблағлари» ва 106 000 «Давлат бюджети, давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг бошқа ҳисобрақамлардаги хорижий валютадаги маблағлари» счётларининг тегишли субсчётларида ягона ғазна ҳисобварағи орқали қамраб олинмаган пул маблағларининг ҳисоби юритилади.

Бошқа ҳисобрақамлардаги давлат бюджети маблағлари тегишли ғазначилик бўлинмалари, давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари эса ушбу жамғармаларнинг тақсимловчилари томонидан ҳисоби юритилади.

16. 111 000 «Йўлдаги пул маблағлари» счётининг тегишли субсчётларида ҳисоб рақамдан чиқиб кетган, аммо мўлжалланган жойига етиб бермаган пул маблағлари (нақд пул маблағлари, конвертация учун ўтказиб берилган маблағлар, пул ўтказмалари ва бошқалар) ҳисобга олинади.

111 100 «Бюджет ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар», 111 200 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлари», 111 300 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар» счётларида нақд пул олиш учун ўтказиб берилган маблағлар акс этирилади.

Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг газна ижроси билан қамраб олинмаган хорижий валютадаги маблағлари бўйича 111 400 «Конвертация учун транзит ҳисоб рақамга ўтказиб берилган маблағлар» счётига йўналтирилган маблағлар тегишли банкнинг банк кўчирма ҳужжатига асосан 330 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг харажатлари бўйича мажбуриятлар» счётининг тегишли субсчётларига конвертация харажатлари бўйича мажбуриятларни ёпиш учун йўналтирилади.

17. 120 000 «Молиявий маблағлар бўйича жорий дебитор қарзлар» счётининг тегишли субсчётларида бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан жойлаштирилган қисқа муддатли депозит мажбуриятларини, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятларни ҳамда олинган қисқа муддатли қимматли қоғозлар (акциялар бундан мустасно) бўйича мажбуриятларни акс эттирувчи субсчётларни қамраб олади.

18. 131 000 «Берилган қисқа муддатли ссудалар» счёти тегишли субсчётларида қайтариш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга, бюджет маблағларидан резидент-юридик шахсга, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳамда давлат мақсадли жамғармаларидан бошқа давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратиладиган пул маблағлари ҳисоби юритилади.

19. 132 000 «Бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлар» счётининг тегишли субсчётларида бюджет жараёнида юзага келадиган юқори ва қуйи бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар маблағларининг дебити акс этирилса, ўз навбатида дебиторликни юзага келтирувчи даромад ва харажатларга берилган ўзгаришлар 610 000 «Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджетлараро олинган ва берилган маблағлар» счётининг тегишли субсчётларида акс этирилади.

20. 133 000 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлар» счётининг тегишли субсчётларида давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг республика даражасидаги, Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги ҳамда туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича дебиторликлар ҳисоби юритилади.

21. Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари:

республика даражасидан ҳудудий даражаларга йўналтирилганда 133 300 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағларидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлар» субсчёти;

ҳудудий даражадан республика даражасига маблағлар йўналтирилганда

133 100 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг республика маблағларидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлар» субсчёти бўйича ҳисоб юритилмайди.

Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича дебиторликни юзага келтирувчи олинган ва берилган даромадлар турлари 620 000 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблар» счётининг тегишли субсчётларида акс эттирилади.

22. 132 000 «Бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлар» ва 133 000 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлар» счётларининг тегишли субсчётлари мазкур Стандартнинг 12-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.

23. 140 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромадлари бўйича дебитор қарзлари» счёти ўз ичига бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг, бюджет ташкилотларининг пенсия ва нафақаларни тўлаш учун, тақсимланадиган даромадлар бўйича ҳамда ўтган йилги дебиторлик қарздорликлар, камомадлар, текширув натижасига кўра тўловлар бўйича ҳисобланган даромадларнинг дебитор қарздорликларини ҳамда аниқланмаган тушумларнинг миқдори ҳисобини юритади.

140 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромадлари бўйича дебитор қарзлари» счётининг тегишли субсчётларининг дебитида ваколатли органларнинг маълумотлари асосида ҳисобланган даромадлардан бўлган ҳақдорликлар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ва бошқа турдаги тушумларнинг ҳисобланган миқдорлари бўйича дебиторликлар акс эттирилса, 500 000 «Ҳисобланган даромадлар» счётининг тегишли субсчётларида ушбу маблағларнинг кредити юритилади.

140 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромадлари бўйича дебитор қарзлари» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида маблағлар ҳисоби келиб тушган даромадларнинг, дебитида эса қайтарилган маблағларнинг ҳисоби акс эттирилади.

140 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромадлари бўйича дебитор қарзлари» счётининг субсчётлари мазкур Стандартнинг 10-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.

24. 154 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлари» субсчётида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг тақсимланиши бўйича дебиторликлар ҳисоби юритилади.

2-§. Узоқ муддатли активлар счётлари

25. 210 000 «Молиявий маблағлар бўйича узоқ муддатли дебитор қарзлар» счётининг тегишли субсчётларида бюджет тизими бюджетлари ва бошқа

бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан жойлаштирилган узоқ муддатли депозит мажбуриятларини, берилган ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бўйича мажбуриятларни, акция ва капиталда иштирок этиш бўйича мажбуриятларни, олинган ўрта ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар (акциялар бундан мустасно) бўйича мажбуриятларни ҳамда берилган узоқ муддатли ссудалар бўйича дебитор қарздорликларни қамраб олади.

3-§. Жорий мажбуриятлар счётлари

26. 301 000 «Ҳисоб-китоблар марказининг мажбуриятлари» счётининг: 301 100 «Ҳисоб-китоблар марказининг ички ҳисоб-китоб марказлари маблағлари бўйича мажбуриятлари» субсчёти тегишли ички ҳисоб-китоб марказларининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги миллий ёки хорижий валютадаги пул маблағларининг улуши, даромад ёки тушумларнинг тушуми ҳамда амалга оширилган харажатлар;

301 900 «Ягона ғазна ҳисобварағидаги аниқланмаган тушумлар бўйича мажбуриятлар» субсчёти Ягона ғазна ҳисобварағига келиб тушган ёки тегишли ички ҳисоб-китоб марказлари томонидан ўтказилган аниқланмаган тушумлар ва уларнинг қайтарилиши ҳисобини юритади.

27. 301 100 «Ҳисоб-китоблар марказининг ички ҳисоб-китоб марказлари маблағлари бўйича мажбуриятлари» субсчёти Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларини ички ҳисоб-китоб марказларида тўлиқ акс эттириш, тегишли ғазначилик филиалларда очилган ғазна ҳисобварақларига маблағларни манбалари таснифи бўйича йўналтириш мақсадида мазкур Стандартнинг 10-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.

28. 310 000 «Молиявий маблағлар бўйича жорий мажбуриятлар» счётининг тегишли субсчётлари ўзида олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятларни ҳамда чиқарилган қисқа муддатли қимматли қоғозлар (акциялар бундан мустасно) бўйича мажбуриятларни акс эттирувчи субсчётларни қамраб олади.

29. 320 000 «Бюджетлараро муносабатлар бўйича кредитор қарзлар» счёти ўз таркибига олинган ссудалар ва бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича мажбуриятларни ҳамда давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларидан ўзаро ҳисоб-китобларини акс эттирувчи субсчётларни қамраб олади.

30. 320 000 «Бюджетлараро муносабатлар бўйича кредитор қарзлар» счёти таркибига кирувчи 322 000 «Бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлар» ва 323 000 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлар» счётларининг субсчётлари мазкур Стандартнинг 12-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.

31. 321 000 «Олинган қисқа муддатли ссудалар» счётининг тегишли субсчётларида қайтариш шарти билан юқори турувчи бюджетдан олинган, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларга олинган ҳамда давлат мақсадли жамғармалари-

дан давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларга олинган пул маблағлари ҳисоби юритилади.

32. 322 000 «Бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлар» счётининг тегишли субсчётларида бюджет жараёнида юзага келадиган юкори ва қуйи бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар маблағларининг кредити акс эттирилса, ўз навбатида кредиторликни юзага келтирувчи даромад ва харажатларга берилган ўзгаришлар 610 000 «Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджетлараро олинган ва берилган маблағлар» счётининг тегишли субсчётларида акс эттирилади.

33. 323 000 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлар» счётининг тегишли субсчётларида давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг республика даражасидаги, Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги ҳамда туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича кредиторликлар ҳисоби юритилади.

34. Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари:

республика даражасидан ҳудудий даражаларга йўналтирилганда 323 300 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағларидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлар» субсчёти;

ҳудудий даражадан республика даражасига маблағлар йўналтирилганда 323 100 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг республика маблағларидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлар» субсчёти бўйича ҳисоб юритилмайди.

Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича кредиторликни юзага келтирувчи олинган ва берилган даромадлар турлари 620 000 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблар» счётининг тегишли субсчётларида акс эттирилади.

35. 330 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг харажатлари бўйича мажбуриятлар» счётининг тегишли субсчётлари Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ғазначиликда миллий валютадаги депозит шахсий ҳисобварағи маблағлари бўйича, бюджет ташкилотларининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари ҳисобидан ҳамда бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчиларнинг бюджетга ўтказилиши лозим бўлган (ўтган йилнинг дебитор қарздорлигини, камомадларни, текширув натижасига кўра аниқланган ўзлаштиришларни) маблағлари ҳамда ҳисобланган харажатлар бўйича мажбуриятларни ўз ичига олади.

330 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқа-

ри жамғармаларнинг харажатлари бўйича мажбуриятлар» счётининг тегишли субсчётлари кредитидаги мажбуриятлар 800 000 «Ҳисобланган харажатлар (молиявий мажбурият)» счётларининг тегишли субсчётлари дебитида ҳисобланган молиявий мажбуриятлар асосида юзага келади.

330 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг харажатлари бўйича мажбуриятлар» счётининг субсчётлари дебитида амалга оширилган харажатлар, кредитида эса тикланган харажатларнинг ҳисоби акс эттирилади ва мазкур Стандартнинг 12-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.

36. 337 000 «Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларига йўналтирилган харажатлар» ва 338 000 «Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджетдан маблағ олувчиларга ва бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамларига молиялаштириш» субсчётлари бўйича молиявий мажбуриятлар ҳисобга олинмайди. 337 000 «Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларига йўналтирилган харажатлар» субсчёти дебитида давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағлар, кредитида эса бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларига йўналтирилган пул маблағлари ҳисоби юритилади. 338 000 «Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджетдан маблағ олувчиларга ва бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамларига молиялаштириш» субсчёти дебитида ҳам дебитида давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағлар, кредитида эса бюджетдан маблағ олувчиларга ва бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамларига йўналтирилган пул маблағлари ҳисоби юритилади.

37. 338 000 «Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджетдан маблағ олувчиларга ва бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамларига молиялаштириш» субсчёти бўйича бюджетдан маблағ олувчиларга молиялаштирилган маблағлар уларнинг ҳисоботлари асосида молиявий натижаларга йўналтирилади.

38. 344 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кредитор қарзлари» счётининг тегишли субсчётларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг тақсимланиши бўйича кредиторликлар ҳисоби юритилади.

4-§. Узоқ муддатли мажбуриятлар

39. 410 000 «Молиявий маблағлар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари» счёти ўзида олинган ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бўйича мажбуриятларни, чиқарилган ўрта ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар (акциялар бундан мустасно) ҳамда олинган узоқ муддатли ссудалар бўйича мажбуриятларни акс эттирувчи субсчётларни қамраб олади.

5-§. Ҳисобланган даромадлар

40. 500 000 «Ҳисобланган даромадлар» счётининг тегишли субсчётла-

рида давлат бюджети, давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар бюджетлари ҳамда бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларига ва бошқа турдаги даромадлар бўйича ваколатли органлар томонидан ҳисобланган даромадлар акс эттирилади.

500 000 «Ҳисобланган даромадлар» счётининг субсчётлари мазкур Стандартнинг 12-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.

Ҳисобланган даромадлар бўйича маълумотлар — давлат бюджети, давлат мақсадли ва бошқа жамғармалар бюджетлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлар қисми ижроси бўйича маълумотларни ўзида ифодалайди ҳамда масъул ваколатли органлар томонидан ҳисобланган даромадлар бўйича маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органларига электрон шаклда дастурий таъминот орқали тақдим қилинади. Ушбу ҳужжатларда ҳар бир даромад тури бўйича ҳисобланган даромадлар маълумотлари келтирилади.

Ҳисобланган даромадлар бўйича маълумотларни шакллантириш ва тақдим этиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан ҳисобланган даромад ва бошқа турдаги тушумлар бўйича маълумотлари UzASBO ДМ орқали бюджет ижроси жараёнида ҳисобланган даромадларга акс эттириш учун электрон шаклда тақдим этилади. Ҳисобланган даромад ва бошқа турдаги тушумлар бўйича маълумотлар бюджет ташкилотлари томонидан бир кун давомида электрон шаклда жўнатилиши лозим. Бир кун давомида электрон шаклда жўнатилмаган ҳисобланган даромад ва бошқа турдаги тушумлар бўйича маълумотлар UzASBO ДМдан автомат тарзда ўчириб юборилади.

Ушбу ҳисобланган даромад ва бошқа турдаги тушумларни 140 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромадлари бўйича дебитор қарзлари» счётининг тегишли субсчётларининг дебетлаш ҳамда 500 000 «Ҳисобланган даромадлар» счётининг тегишли субсчётларини кредитлаш орқали қабул қилинади.

41. Солиқ органининг хулосалари давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига ортиқча тўланган маблағларни қайтариш ёки келиб тушган даромадларни бир туридан бошқа турга ўтказиш учун тўлов ҳужжатларининг расмийлаштирилишига асос бўлади. Ушбу қайтарилган маблағлар навбатдаги ой учун солиқ органлари томонидан тақдим этиладиган даромадларни ҳисоблаш маълумотларида назарда тутилади.

Солиқ органи хулосаларини расмийлаштириш шартлари ва тартиби ҳамда уни ижро этиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-§. Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олинган ва берилган маблағлар

42. 610 000 «Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджетлараро олинган ва берилган маблағлар» счётининг тегишли субсчётларида молия

йили мобайнида бюджетлар параметрлари ўзгарганда юқори ва қуйи турувчи бюджетлар ўртасида юзага келадиган ўзаро пул муносабатларини акс эттиради.

610 000 «Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджетлараро олинган ва берилган маблағлар» счёти таркибига кирувчи счётларнинг субсчётлари ҳисоби мазкур Стандартнинг 12-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.

610 000 «Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджетлараро олинган ва берилган маблағлар» счётининг тегишли субсчётлари бюджет даражасига мувофиқ тарзда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ўртасидаги, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети билан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни ҳисобга олади.

43. 611 000 «Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан олинган ва берилган маблағлар» счётининг тегишли субсчётларида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан берилган ёки улардан олинган маблағлар ҳисобга олинади.

44. 612 000 «Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан олинган ва берилган маблағлар» счётининг тегишли субсчётларида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ҳамда тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетларига берилиши ёки улардан олиниши лозим бўлган маблағлар ҳисоби юритилади.

45. 620 000 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблар» счётининг тегишли субсчётларида давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг республика даражасидаги, Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги ҳамда туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олинган ва берилган маблағларининг ҳисоби юритилади.

620 000 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблар» счётининг субсчётлари мазкур Стандартнинг 12-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.

Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари:

республика даражасидан ҳудудий даражаларга йўналтирилганда 623 000 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблар» субсчёти;

ҳудудий даражадан республика даражасига маблағлар йўналтирилганда

621 000 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг республика маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблар» субсчёти бўйича ҳисоб юритилмайди.

46. 630 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари» субсчётида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалари, шунингдек турли хил жарималари ва пенялар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг бюджет ташкилотлари ўртасида тақсимланиши ҳисоби юритилади.

7-§. Ҳисобланган харажатлар (молиявий мажбурият)

47. 800 000 «Ҳисобланган харажатлар (молиявий мажбурият)» счётининг тегишли субсчётлари бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг газначиликда миллий валютадаги депозит шахсий ҳисобварағи маблағлари бўйича, бюджет ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари ҳисобидан ҳамда бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчиларнинг бюджетга ўтказилиши лозим бўлган (ўтган йилнинг дебитор қарздорлигини, камомадларни, текширув натижасига кўра аниқланган ўзлаштиришларни) маблағлари бўйича ҳисобланган харажатлари ўз ичига олади.

800 000 «Ҳисобланган харажатлар (молиявий мажбурият)» счётининг субсчётлари мазкур Стандартнинг 12-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.

8-§. Молиявий натижалар

48. 920 000 «Курс фарқи бўйича фойда ёки зарарлар» счётининг тегишли субсчётларида газначилик томонидан қамраб олинган валюта счётларининг, давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг бошқа (банк) ҳисобрақамлардаги хорижий валютадаги пул маблағларининг курс фарқи бўйича ҳисобланган зарар ва фойдаларини акс эттиради.

49. 990 000 «Бюджет ижросининг молиявий натижалари» счётининг тегишли субсчётларида бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг, Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасининг газначиликдаги депозит маблағлари, бюджет ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан ижтимоий нафақаларни тўлаш учун ўтказиб берган пул маблағлари ҳамда ўтган йилги дебиторлик қарздорликлар, камомадлар, текширув натижасига кўра тўловлар бўйича молиявий натижаларининг ҳисоби юритилади.

50. Бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича

харажатларининг молиявий натижалари таркибидан ушбу бюджетдан ташқари маблағларга давлат бюджети маблағларидан йўналтирилган қисмининг тегишли молиявий натижаларини давлат бюджети маблағлари бўйича харажатларнинг молиявий натижаларига ўтказиш бюджет ташкилотлари томонидан молия йилининг қўшимча даври якунига қадар UzASBO ДМда тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида амалга оширилади.

III бўлим. Бюджет ташкилотларининг бюджет ҳисобида ягона счётлар режасини қўллаш тартиби

1-боб. Жорий активлар

1-§. Пул маблағлари

51. Мазкур параграфнинг счётлари ва тегишли субсчётларида бюджет ташкилотларининг:

Миллий ва хорижий валютадаги бюджетдан ташқари пул маблағлари;
бошқа ҳисобрақамларидаги миллий ва хорижий валютадаги бюджет ҳамда бюджетдан ташқари пул маблағлари;

миллий ва хорижий валютадаги нақд пул маблағлари;

бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан нақд пул маблағлари олиш учун транзит ҳисобварақларидаги пул маблағлари;

конвертация учун махсус ҳисоб рақамга (блок-счётга) ўтказиб берилган пул маблағлари;

йўлдаги бошқа пул маблағлари;

аккредитивлар;

пул эквивалентлари;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан қисқа муддатли ички ва ташқи депозит маблағлари бўйича дебитор қарзлари;

бюджет ташкилотларининг турли дебитор қарзлари, шу жумладан бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлар;

товар-моддий захиралар ва уларга харажатлар;

товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар ҳисоби юритилади.

52. Мазкур параграфда келтирилган тегишли счёт ва субсчётларда чет эл валютасидаги пул маблағлари ва уларга тегишли операциялар миллий валютада — сўмда, чет эл валютасини операция амалга оширилган санадаги (тегишли банк кўчирмаси ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган санадаги) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаш орқали ҳисобга олинади.

53. Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағларини 102 400 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари» счётининг тегишли субсчётларида ҳисобини юритади.

54. 102 401 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси»

субсчётида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича даромадлар, тушумлари ва ушбу субсчётлардан амалга ошириладиган харажатлар ҳисоби юритилади.

Юқоридаги маблағларнинг келиб тушиши 102 401 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси» субсчётининг дебетида ва 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар», 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари», 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчётлари, шунингдек 102 414 «Таксимланадиган маблағлар» субсчёти ҳамда бошқа счётларнинг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади.

Маблағларнинг сарфланиши 102 401 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси» субсчётининг кредитида ва ҳисоб-китоблар ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетида акс эттирилади.

55. 102 402 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси» субсчётида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича даромадлар, тушумлари ва ушбу субсчётлардан амалга ошириладиган харажатлар ҳисоби юритилади.

Юқоридаги маблағларнинг келиб тушиши 102 402 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси» субсчётининг дебетида ва 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар», 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари», 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчётлари, шунингдек 102 414 «Таксимланадиган маблағлар» субсчёти ҳамда бошқа счётларнинг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади.

Маблағларнинг сарфланиши 102 402 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси» субсчётининг кредитида ҳамда ҳисоб-китоблар ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетида акс эттирилади.

56. 102 403 «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар» субсчётида бюджет ташкилотларининг тегишли шахсий газна ҳисобварақларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар бўйича харажатларни амалга ошириш учун ажратилган маблағлар ҳамда уларнинг сарфланиши ҳисобга олинади.

Ушбу маблағларнинг келиб тушиши 102 403 «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар» субсчётининг дебетида ва 152 400 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади, харажати эса 102 403 «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар» субсчётининг кредитида ва 111 300 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар» ёки 343 200 «Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан ижти-

мой нафақалар бўйича кредитор қарзлари» субсчётлар дебетида акс эттирилади.

57. 102 404 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга ўтказилиши лозим бўлган (ўтган йилнинг дебитор қарздорлигини, камомадларни, текширув натижасига кўра аниқланган ўзлаштиришларни) маблағлари» субсчётида ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик тушган ва бюджетга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар ҳисобга олинади.

Ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик тушган ва бюджетга ўтказилиши лозим бўлган суммалар 102 404 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга ўтказилиши лозим бўлган (ўтган йилнинг дебитор қарздорлигини, камомадларни, текширув натижасига кўра аниқланган ўзлаштиришларни) маблағлари» субсчётининг дебетида ва 146 000 «Ўтган йилги дебиторлик қарздорликлар, камомадлар, текширув натижасига кўра тўловлар бўйича даромадларнинг дебитор қарздорликлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади. Ушбу маблағлар бюджетга ўтказилганда 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебетида, 102 404 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга ўтказилиши лозим бўлган (ўтган йилнинг дебитор қарздорлигини, камомадларни, текширув натижасига кўра аниқланган ўзлаштиришларни) маблағлари» субсчётининг эса кредитида акс эттирилади.

58. 102 405 «Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан олинadиган тўловлар» субсчётида бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларига кирим қилинган мактабгача таълим муассасаларидаги болаларнинг ота-оналари томонидан тўланадиган бадаллари ҳисобга олинади.

Маблағларнинг ота-оналардан кирим қилиниши 102 405 «Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан олинadиган тўловлар» субсчётининг дебетида ва 341 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчётининг кредитида, белгиланган мақсадларга харажати эса ҳисоб-китоблар ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетида ва 102 405 «Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан олинadиган тўловлар» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

59. 102 406 «Мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан олинadиган тўловлар» субсчётида бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларига кирим қилинган мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги болаларнинг ота-оналари томонидан тўланадиган бадаллари ҳисобга олинади.

Маблағларнинг ота-оналардан кирим қилиниши 102 406 «Мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан олинadиган тўловлар» субсчётининг дебетида ва 341 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчётининг кредитида, белгиланган мақсадларга харажати ҳисоб-китоблар ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетида ва 102 406 «Мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан олинadиган тўловлар» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

60. 102 407 «Иш жойида овқат билан таъминланганлиги учун ходимлар билан ҳисоб-китоблардан тушумлар» субсчётида бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларига ишлаётган жойида овқатланганлиги учун ходимлардан тушган маблағлари ҳисобга олинади.

Маблағлар овқатланганлиги учун ходимлардан кирим қилиниши 102 407 «Иш жойида овқат билан таъминланганлиги учун ходимлар билан ҳисоб-китоблардан тушумлар» субсчётининг дебетида ва 151 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида, белгиланган мақсадларга харажати эса ҳисоб-китоблар ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетида ва 102 407 «Иш жойида овқат билан таъминланганлиги учун ходимлар билан ҳисоб-китоблардан тушумлар» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

61. 102 408 «Мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан олинандиган тўловлар» субсчётида бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларига кирим қилинган мактаб-интернатлар ва лицейлардаги болаларнинг ота-оналари томонидан тўланадиган бадаллари ҳисобга олинади.

Маблағларнинг ота-оналардан кирим қилиниши 102 408 «Мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан олинандиган тўловлар» субсчётининг дебетида ва 341 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчётининг кредитида, белгиланган мақсадларга харажати эса ҳисоб-китоблар ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетида ва 102 408 «Мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан олинандиган тўловлар» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

62. 102 409 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётида бюджет ташкилотлари томонидан ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар ҳисобга олинади.

Ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушумлар ҳисобда 102 409 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётининг дебетида ва 153 600 «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади. Мазкур маблағларнинг ишлатилиши ҳисоб-китоблар ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетига ва 102 409 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётининг кредитига ёзилади.

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган пул маблағларининг аналитик ҳисоби талабаларнинг курслари (босқичлари), факультетлар (деканатлар, ўқиш йўналишлари), гуруҳлар, шунингдек талабалар (фамилияси, исми, отасининг исми) бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

63. 102 410 «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар ҳисобига шаклландиган бюджетдан ташқари жамғармалари» субсчётида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобига шаклландиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобга олинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунинг-

дек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг кирими 102 410 «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари» субсчётининг дебетига ҳамда:

маблағлар тўлиқ миқдорда бюджет ташкилотининг ихтиёрида қолдирилганда ва бошқа бюджет ташкилотларига тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг кредитига;

маблағлар бошқа бюджет ташкилотлари ўртасида тақсимланиши назарда тутилган бўлиб, бюджет ташкилоти томонидан ўз ихтиёрида қолдирилган миқдори 102 414 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчётининг кредитига;

маблағлар бошқа бюджет ташкилотлари ўртасида тақсимланиб, бюджет ташкилотига белгиланган нормативлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб орқали ўтказиб берилган миқдори 154 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлари» субсчётининг кредитига ёзилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари бўйича даромадлар ҳисобланганда 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчёти дебетланади ва 520 430 «Ажратмалар ҳисобига шаклланадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича ҳисобланган даромадлар» субсчёти кредитланади.

64. 102 411 «Умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўлови» субсчётида умумтаълим муассасаларидаги дарсликлар ижараси тўловидан тушган маблағлар ва уларнинг ҳаракати ҳисоби юритилади.

Умумтаълим муассасаларидаги дарсликлар ижараси тўлови ҳисобланганда 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчёти дебетланади ва 345 000 «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича кредитор қарзлари» субсчёти кредитланади. Мазкур ижара тўлови бюджет ташкилоти томонидан тушганда 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчёти кредитланади ва 102 411 «Умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўлови» субсчёти дебетланади.

Умумтаълим муассасалари томонидан ундирилган ижара тўловлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасига ўтказиб берилганда 345 000 «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича кредитор қарзлари» субсчёти дебетланади ва 102 411 «Умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўлови» субсчёти кредитланади.

65. 102 413 «Турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар» субсчётида тиббиёт муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жам-

фармалари маблағлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тушумлар бўйича маблағлари ҳисобга олинади. Тиббиёт муассасаларида овқатланиш учун ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур субсчётга келиб тушган суммалар 102 413 «Турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар» субсчётининг дебетига ва 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар», 341 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчётларининг кредитига ёзилади.

Овқатланиш учун тўланган ҳақнинг фойдаланилмаган маблағлари тўловчига қайтарилганда 341 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчёти дебетланади ва 102 413 «Турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар» субсчёти кредитланади.

Турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар бўйича пул маблағлари ҳисобланганда 341 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчёти дебетланади ва 520 450 «Бюджет ташкилотлари томонидан стационар даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётганлар овқатланиши учун ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар» субсчёти кредитланади.

66. 102 414 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчётида бюджет ташкилотлари томонидан маҳсулот (иш, хизмат) реализация қилишдан ҳамда бюджет ташкилотларининг эскирган ва кераксиз моддий қимматликларини сотишдан тушумлар, шунингдек бюджет ташкилотларининг вақтинча ихтиёрида бўладиган ҳамда белгиланган тартибда тақсимланадиган маблағлар ҳисоби юритилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан ҳамда бюджет ташкилотларининг эскирган ва кераксиз моддий қимматликларини сотишдан тушумларнинг кирим қилиниши 102 414 «Тақсимланадиган маблағлар» ёки 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар» субсчёти (тўловлар нақд пул ёки бюджет ташкилотига бириктирилган тўлов терминали орқали амалга оширилса) дебетига ҳамда 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» кредитига акс эттирилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан маҳсулотлар (ишларни, хизматларни)нинг реализацияси амалга оширилганда 750 000 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчёти дебетланади ва 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчёти (тайёр маҳсулот реализация қилинганда 163 000 «Тайёр маҳсулот» субсчёти) кредитланади, шунингдек бир вақтнинг ўзида 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчёти дебетланган ҳамда 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчёти кредитланган ҳолда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг реализацияси бўйича дебиторлик ҳосил қилинади.

Реализация натижасида кўрилган фойда ҳамда бюджет ташкилотларининг эскирган ва кераксиз моддий қимматликларини сотишдан тушумлар ҳисобидан бюджет ташкилоти ихтиёрида қолдириладиган маблағларни 102 401 «Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари» ёки 102 402 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси» субсчётига йўналтиришдан аввал қуйидаги ўтказмалар берилди:

реализация натижасида олинган фойда бўйича 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчёти дебетланади ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» субсчёти кредитланади;

бюджет ташкилотларининг эскирган ва кераксиз моддий қимматликларини ҳамда номоддий активларни сотишдан тушумлар ҳисобидан бюджет ташкилоти ихтиёрида қолдириладиган маблағлар бўйича 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчёти дебетланади ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» субсчёти кредитланади.

Бюджет ташкилотлари томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) реализацияси жараёнида қўшилган қиймат солиғи тўловини амалга оширсан қуйидаги ўтказмаларни амалга оширади:

бошқа маҳсулот етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчилардан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) қўшилган қиймат солиғи билан сотиб олинганда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) қўшилган қиймат солиғисиз кирим қилинади ҳамда қўшилган қиймат солиғи суммасига 152 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан дебитор қарзлари» субсчёти дебетланади ва 151 000 «Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблари бўйича дебитор қарзлари» счётининг тегишли субсчёти кредитланади;

реализацияси жараёнида қўшилган қиймат солиғи ҳисобланганда 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчёти дебетланади ва 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчёти кредитланади. Бунда қўшилган қиймат солиғи бўйича 151 000 «Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблари бўйича дебитор қарзлари» субсчётидаги дебиторлик 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётига ҳисобдан чиқарилади.

Аналитик ҳисоб реализация қилинган маҳсулотлар турлари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобига шаклландиган бюджетдан

ташқари жамғармалари маблағлари белгиланган нормативлар асосида бюджет ташкилотлари ўртасида тақсимланса, маблағлар кирими 102 414 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчётининг дебетиди ҳамда 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг кредитиди акс эттирилади.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари бўйича даромадлар ҳисоби бирламчи маблағлар тушумини ҳисобга олувчи бюджет ташкилотиди юритилади.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари белгиланган нормативлар асосида бюджет ташкилотлари ўртасида тақсимланиши 630 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари» субсчётида акс эттирилади.

67. 102 415 «Бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан олинадиган тўловлар» субсчётида ташкилотларнинг ҳисобварақларига кирим қилинган таълим муассасаларидаги болаларнинг ота-оналари томонидан тўланадиган бадаллари ҳисобга олинади.

Маблағларнинг ота-оналардан кирим қилиниши 102 415 «Бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан олинадиган тўловлар» субсчётининг дебетиди ва 341 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчётининг кредитиди, белгиланган мақсадларга харажати ҳисоб-китоблар ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетиди ва 102 415 «Бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан олинадиган тўловлар» субсчётининг кредитиди акс эттирилади.

68. 102 416 «Бошқа депозитлар» субсчётида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосан жорий молия йилида ижроси яқунланмаган ҳамда кейинги молия йилида ижро этилиши назарда тутилган бюджет маблағлари бўйича депозитлар ҳисоби юритилади.

Маблағлар кирим қилинганда 102 416 «Бошқа депозитлар» субсчёти дебетланади ва 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчётлари кредитланади.

Маблағлардан харажатлар амалга оширилганда тегишли ҳисоб-китобларни акс эттирувчи субсчётлар дебетланади.

69. 102 418 «Грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари бўйича ажратилган маблағлар» субсчётида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосан бюджет ташкилотларига ажратилган грант, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари бўйича берилган маблағлар ҳисоби юритилади.

Маблағлар кирим қилинганда 102 418 «Грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари бўйича ажратилган маблағлар» субсчёти дебетланади ва 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжат-

ларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчётлари кредитланади.

Маблағлардан харажатлар амалга оширилганда тегишли ҳисоб-китобларни акс эттирувчи субсчётлар дебетланади.

70. 102 419 «Кредитлар» субсчётида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосан бюджет ташкилотларига ажратилган кредит маблағлари ҳисоби юритилади.

Маблағлар кириш қилинганда 102 419 «Кредитлар» субсчёти дебетланади ва 341 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» ёки 421 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари» субсчёти кредитланади.

Маблағлардан харажатлар амалга оширилганда тегишли ҳисоб-китобларни акс эттирувчи субсчётлар дебетланади.

Кредит маблағларининг аналитик ҳисоби ҳар бир олинган кредит линиялари бўйича алоҳида юритилади.

71. 104 000 «Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамлардаги маблағлари» счётининг тегишли субсчётларида ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамлардаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби юритилади.

72. 104 100 «Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамлардаги бюджет бўйича маблағлари» счётининг тегишли субсчётларида бюджет ташкилотлари томонидан бюджетдан молиялаштириш мақсадига мувофиқ ҳолда хизмат кўрсатувчи банкларда очилган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги тасдиқланган харажатлар сметасига асосан молиялаштириб берилган пул маблағларининг ҳаракати ва ҳолати ҳисобга олинади.

104 100 «Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамлардаги бюджет бўйича маблағлари» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига молиялаштирилган маблағлар суммалари ва касса харажатларини қайта тиклаш учун келиб тушган суммалар, кредитига эса тегишли мақсадлар учун сарфланган бюджет маблағлари ва қайтариб олинган маблағлар суммаси ёзилади.

Тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ молиялаштириб берилган маблағлар бюджет маблағларини олувчилар томонидан 104 110 «Ташкилотни сақлаш учун молиялаштирилган бюджет маблағлари» ва 104 120 «Бошқа мақсадлар учун молиялаштирилган бюджет маблағлари» субсчётларнинг дебетига ҳамда 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчётининг кредитига ёзилади. Хизмат кўрсатувчи банкда очилган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларга касса харажатларини тиклаш учун тушган маблағлар 104 110 «Ташкилотни сақлаш учун молиялаштирилган бюджет маблағлари» ва 104 120 «Бошқа мақсадлар учун молиялаштирилган бюджет маблағлари» субсчётларнинг дебетига ва касса, ҳисоб-китоб, ҳисобдор шахслар ҳамда бошқаларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётларнинг кредитига ёзилади. Банкдан олинган ёки ҳисобварақлардан тўлов ҳужжатларига асосан тўланган маблағлар суммаси 104 110 «Ташкилотни сақлаш учун молиялаштирилган бюджет маблағлари» ва 104 120 «Бошқа мақсадлар учун молия-

лаштирилган бюджет маблағлари» субсчётларнинг кредитига ва касса, ҳисоб-китоблар ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетига ёзилади.

73. 104 110 «Ташкилотни сақлаш учун молиялаштирилган бюджет маблағлари» субсчётида ғазна ижросига ўтилмаган айрим ташкилотларнинг марказий аппаратини сақлаш учун тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ сарфланадиган маблағларнинг ҳаракати ҳисобга олинади.

74. 104 120 «Бошқа мақсадлар учун молиялаштирилган бюджет маблағлари» субсчётида бош маблағ тақсимловчилар томонидан қармоғидаги муассасаларга ўтказиш учун ва марказлаштирилган тадбирларга сарфлаш учун мўлжалланган маблағлар, шунингдек капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирларни маблағ билан таъминлаш учун (капитал қўйилмаларнинг ҳисоби харажатлар сметасининг ижроси билан ягона балансда юритилган ҳолларда) ажратилган маблағлар ҳаракати ҳисобга олинади. Қўйи маблағ тақсимловчилар томонидан бу субсчётда улар ихтиёрига очилган ва муассасаларни сақлаш учун, шунингдек қармоғидаги муассасаларга ўтказиш учун молиялаштирилган маблағлар ҳисобга олинади.

75. 104 400 «Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамлардаги бюджетдан ташқари маблағлари» счётида ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджет ташкилотларининг:

тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлари;

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлари;

бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

бошқа бюджетдан ташқари маблағлари;

вақтинча ихтиёрида бўладиган, шу жумладан бюджетга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун молиялаштирилган маблағлар;

тақсимланадиган маблағлар ҳамда бошқа қирим қилинган бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳисоби олиб борилади.

76. 104 410 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар» субсчётида ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларига қирим қилинган таълим муассасаларидаги болаларнинг ота-оналари томонидан тўланадиган бадаллари, шунингдек овқатланганлиги учун ходимлардан тушган маблағлари ҳисобга олинади.

Маблағларнинг ота-оналардан қирим қилиниши 104 410 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар» субсчётининг дебетига ва 341 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчётининг кредитига, белгиланган мақсадларга харажати эса ҳисоб-китоблар ва бошқа тегишли субсчётлар-

нинг дебетида ва 104 410 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар» субсчётнинг кредитида акс эттирилади.

77. 104 420 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётида ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджет ташкилотлари томонидан ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобга олинади.

Ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобда 104 420 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётнинг дебетида ва 153 600 «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади. Мазкур маблағларнинг ишлатилиши ҳисоб-китоблар ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетида ва 104 420 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётининг кредитига ёзилади.

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган пул маблағларининг аналитик ҳисоби талабаларнинг курслари (босқичлари), факультетлар (деканатлар, ўқиш йўналишлари), гуруҳлар, шунингдек талабалар (фамилияси, исми, отасининг исми) бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

78. 104 430 «Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари» субсчётида ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ривожлантириш жамғармаси, шунингдек тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича даромадлар, тушумлари ҳамда улар бўйича харажатлар ҳисоби юритилади.

Юқоридаги маблағларнинг ҳисобрақамларга келиб тушиши 104 430 «Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари» субсчётининг дебетида ва 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар», 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари», 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчётлари, шунингдек 104 470 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчёти ҳамда бошқа счётларнинг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади.

Маблағларнинг сарфланиши 104 430 «Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари» субсчётининг кредитида ва ҳисоб-китоблар ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетида акс эттирилади.

79. 104 440 «Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчётида ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджет ташкилотларининг турли хил жарималар ва пенялар ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тушумлар бўйича маблағлари ҳисобга олинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобига шаклландиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг кирими 104 440 «Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчётининг дебетида ҳамда:

маблағлар тўлиқ миқдорда бюджет ташкилотининг ихтиёрида қолдирилганда ва бошқа бюджет ташкилотларига тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг кредитига;

маблағлар бошқа бюджет ташкилотлари ўртасида тақсимланиши назарда тутилган бўлиб, бюджет ташкилоти томонидан ўз ихтиёрида қолдирилган миқдори 104 470 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчётининг кредитига;

маблағлар бошқа бюджет ташкилотлари ўртасида тақсимланиб, бюджет ташкилотига белгиланган нормативлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб орқали ўтказиб берилган миқдори 154 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлар» субсчётининг кредитига ёзилади.

Бошқа қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тушумлар бўйича суммалар 104 440 «Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчётининг дебети ва 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчёти ёки бошқа счётларнинг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади.

Мазкур маблағларнинг ишлатилиши ҳисоб-китоблар ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебети ва 104 440 «Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар» субсчётининг кредитига ёзилади.

80. 104 450 «Бюджет ташкилотларининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар» субсчётида ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджет ташкилотларининг ихтиёрига вақтинчалик тушган ва маълум шартлар бажарилгандан кейин қайтарилиши ёки тегишли ҳисобварақларга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар ҳисобга олинади.

Ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик тушган суммалар 104 450 «Бюджет ташкилотларининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар» субсчётининг дебети ва 345 000 «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича кредитор қарзлар» субсчётининг кредитида акс эттирилади. Белгиланган шарт учун берилган ёки ўтказиб берилган суммалар 104 450 «Бюджет ташкилотларининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар» субсчётининг кредитида ва 345 000 «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича кредитор қарзлар» субсчётининг дебетида акс эттирилади.

81. 104 460 «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар» субсчёти ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджет ташкилотларининг ҳисобрақамларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар бўйича харажатларни амалга ошириш учун ажратилган маблағлар ҳамда уларнинг сарфланиши ҳисобга олинади.

Ушбу маблағларнинг келиб тушиши 104 460 «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар» субсчётининг дебети ва 152 400 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади, харажати 104 460 «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар» субсчётининг кредитида ва 111 300 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маб-

лағлар» ёки 343 200 «Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича кредитор қарзлари» субсчётлар дебетида акс эттирилади.

82. 104 470 «Таксимланадиган маблағлар» субсчётида ғазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ташкилотлари томонидан маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан ҳамда бюджет ташкилотларининг эскирган ва кераксиз моддий қимматликларини сотишдан тушумлар, шунингдек бюджет ташкилотларининг вақтинча ихтиёрида бўладиган ҳамда белгиланган тартибда таксимланадиган маблағлар ҳисоби юритилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан ҳамда бюджет ташкилотларининг эскирган ва кераксиз моддий қимматликларини сотишдан тушумларнинг кирим қилиниши 104 470 «Таксимланадиган маблағлар» ёки 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар» субсчёти (тўловлар нақд пул ёки бюджет ташкилотига бириктирилган тўлов терминали орқали амалга оширилса) дебетида ҳамда 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» кредитида акс эттирилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг реализацияси амалга оширилганда 750 000 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчёти дебетланади ва 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчёти (тайёр маҳсулот реализация қилинганда 163 000 «Тайёр маҳсулот» субсчёти) кредитланади, шунингдек бир вақтнинг ўзида 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчёти дебетланган ҳамда 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчёти кредитланган ҳолда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг реализацияси бўйича дебиторлик ҳосил қилинади.

Реализация натижасида кўрилган фойда ҳамда бюджет ташкилотларининг эскирган ва кераксиз моддий қимматликларини сотишдан тушумлар ҳисобидан бюджет ташкилоти ихтиёрида қолдириладиган маблағларни 104 430 «Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари» субсчётига йўналтиришдан аввал қўйидаги ўтказмалар берилади:

реализация натижасида олинган фойда бўйича 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчёти дебетланади ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» субсчётлари кредитланади;

бюджет ташкилотларининг эскирган ва кераксиз моддий қимматликларини ҳамда номоддий активларни сотишдан тушумлар ҳисобидан бюджет ташкилоти ихтиёрида қолдириладиган маблағлар бўйича 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчёти дебетланади ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даро-

мадлари» ёки 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» субсчётлари кредитланади.

Бюджет ташкилотлари томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) реализацияси жараёнида қўшилган қиймат солиғи тўловини амалга оширса қуйидаги ўтказмаларни амалга оширади:

бошқа маҳсулот етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчилардан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) қўшилган қиймат солиғи билан сотиб олинганда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) қўшилган қиймат солиғисиз кириш қилинади ҳамда қўшилган қиймат солиғи суммасига 152 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан дебитор қарзлари» субсчёти дебетланади ва 151 000 «Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» счётининг тегишли субсчётлари кредитланади;

реализация жараёнида қўшилган қиймат солиғи ҳисобланганда 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчёти дебетланади ва 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчёти кредитланади. Бунда қўшилган қиймат солиғи бўйича 151 000 «Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётидаги дебиторлик 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётига ҳисобдан чиқарилади.

Аналитик ҳисоб реализация қилинган маҳсулотлар турлари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобига шаклландиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари белгиланган нормативлар асосида бюджет ташкилотлари ўртасида тақсимланса, маблағлар кирими 104 470 «Тақсимландиган маблағлар» субсчётининг дебитида ҳамда 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобига шаклландиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари бўйича даромадлар ҳисоби бирламчи маблағлар тушумини ҳисобга олувчи бюджет ташкилотида юритилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобига шаклландиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари белгиланган нормативлар асосида бюджет ташкилотлари ўртасида тақсимланиши 630 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблар» счётининг тегишли субсчётларида акс эттирилади.

83. 105 300 «Бюджет ташкилотларининг хорижий валютадаги бюджетдан ташқари маблағлари» субсчётида ғазна ижроси билан қамраб олинган бюджет ташкилотларининг чет эл валютаси бўйича бюджетдан ташқари маблағлари бўйича операцияларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу субсчётининг дебет томонида бюджет ташкилотларнинг чет эл валютасидаги бюд-

жетдан ташқари маблағларининг кирими, кредит томонида эса чиқими акс эттирилади.

105 300 «Бюджет ташкилотларининг хорижий валютадаги бюджетдан ташқари маблағлари» субсчёти орқали амалга ошириладиган бухгалтерия ўтказмалари мос равишда 102 400 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари» счётининг тегишли субсчётлари бўйича бир хилда амалга оширилади.

84. 107 000 «Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамлардаги хорижий валютадаги маблағлари» субсчётида газна ижроси билан қамраб олинмаган чет эл валютаси бўйича операцияларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу субсчётнинг дебет томонида чет эл валюталарининг кирими, кредит томонида чет эл валюталарининг чиқими акс эттирилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ёки бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан чет эл валютасини сотиб олишда 107 000 «Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамлардаги хорижий валютадаги маблағлари» субсчётининг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар кредити бўйича бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади. Чет эл валютасини миллий валютага сотишда пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар дебети ва 107 000 «Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамлардаги хорижий валютадаги маблағлари» субсчётининг кредити бўйича бухгалтерия ўтказмаси берилади.

85. 109 100 «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» ва 109 200 «Хорижий валютадаги нақд пул маблағлари» субсчётларида ташкилот кассасидаги нақд пул маблағларининг (миллий ва хорижий валютада) мавжудлиги ва уларнинг ҳаракати ҳисобга олинади. Касса операцияларининг ҳисобини юритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

109 100 «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» ва 109 200 «Хорижий валютадаги нақд пул маблағлари» субсчётлар кассага келиб тушган суммаларга дебетланади ва кассадан берилган суммаларга кредитланади.

Хизмат кўрсатиладиган ташкилотнинг узоқда жойлашганлиги сабабли тўлов ёки ҳисоб-китоб тўлов ведомостини уч кун муддат ичида ташкилот кассасига қайтариш имкони бўлмаса, унда иш ҳақи тўлаш ҳисобдор шахс орқали амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолларда иш ҳақи тўлаш учун зарур бўлган сумма ҳисобдор шахсга кассадан касса чиқим ордери бўйича берилади ва 153 300 «Бюджет ташкилотларининг ҳисобдор шахслар билан дебитор қарзлари» субсчётига ўтказилади.

86. 110 000 «Бошқа пул маблағлари» счётида бюджет ташкилотларининг йўлдаги пул маблағлари, аккредитивлари ва пул эквивалентлари ҳисоби юритилади.

87. 111 000 «Йўлдаги пул маблағлари» счётининг тегишли субсчётларида бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан нақд пул маблағлари олиш учун транзит ҳисобварақларидаги маблағлари, конвертация учун махсус ҳисоб рақам (блок-счёт)га ўтказиб берилган пул маблағлари ҳамда йўлдаги бошқа пул маблағлари ҳисоби акс эттирилади.

111 000 «Йўлдаги пул маблағлари» счётининг субсчётлари транзит субсчётлар ҳисобланади ва пул маблағларининг ҳаракати устидан узлуксиз назоратни ўрнатиш учун боғловчи вазифасини бажаради.

88. 111 100 «Бюджет ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар» ва 111 300 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар» субсчётларида бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан нақд пул маблағлари олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлари ҳисоби юритилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан нақд пул маблағлари олиш учун транзит ҳисобварақларига маблағлар ўтказилганда 111 100 «Бюджет ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар» ва 111 300 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар» субсчётларида дебетланади ва тегишли пул маблағларини акс эттирувчи счётларнинг субсчётлари дебетланади.

Хизмат кўрсатувчи банк томонидан нақд пул тўланганда, ушбу маблағлар бюджет ташкилотининг кассасига кирим қилингунга қадар 111 100 «Бюджет ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар» ва 111 300 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар» субсчётларида кредитланади ва 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар» субсчёти дебетланади.

Нақд пул маблағлари бюджет ташкилотининг кассага кирим қилинганда 109 100 «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» ва 109 200 «Хорижий валютадаги нақд пул маблағлари» субсчётлари дебетланади ва 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар» субсчёти кредитланади.

89. 111 400 «Конвертация учун транзит ҳисоб рақамга ўтказиб берилган маблағлар» субсчётида конвертацияни амалга ошириш учун хизмат кўрсатувчи банкнинг ҳисоб рақамларига ўтказиб берилган пул маблағлари ҳисоби юритилади.

Конвертацияни амалга ошириш учун маблағлар хизмат кўрсатувчи банкнинг транзит ҳисоб рақамига ўтказиб берилганда 111 400 «Конвертация учун транзит ҳисоб рақамга ўтказиб берилган маблағлар» субсчёти дебетланади ва пул маблағларини акс эттирувчи тегишли субсчётлар кредитланади.

Конвертация амалга оширилгандан сўнг маблағлар бюджет ташкилотининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилганда тегишли пул маблағларини акс эттирувчи субсчётлар дебетланади ва 111 400 «Конвертация учун транзит ҳисоб рақамга ўтказиб берилган маблағлар» субсчёти кредитланади.

Хизмат кўрсатувчи банк томонидан хорижий валютага конвертация қилинган маблағлар нақд валюта берилганда 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар» субсчёти дебетланади ва 111 400 «Конвертация учун транзит ҳисоб рақамга ўтказиб берилган маблағлар» субсчёти кредитланади.

90. 111 500 «Ҳисоб-китоб клиринг палатасига ўтказилган маблағлар»

субчётида бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан давлат харидлари бўйича Ҳисоб-китоб клиринг палатасининг транзит счётларига тўловлари ҳисоби юритилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан давлат харидлари бўйича тўловлар амалга оширилганда 111 500 «Ҳисоб-китоб клиринг палатасига ўтказилган маблағлар» субчёти дебетланади ва тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар кредитланади, маблағлар қайтарилганда эса аксинча ўтказма берилади.

Давлат харидлари бўйича товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар томонидан шартнома шартлари тўлиқ бажарилганда ва товар (ишлар, хизматлар) бюджет ташкилотига тўлиқ етказилганда 111 500 «Ҳисоб-китоб клиринг палатасига ўтказилган маблағлар» субсчёти кредитланади ва 341 000 «Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблари бўйича кредитор қарзлари» счётининг тегишли субсчёти дебетланади.

Давлат харидлари бўйича аъзолик бадаллари ва маҳсулот етказиб берувчилар фойдасига ўтказилган маблағлар бюджет ташкилотлари томонидан ҳақиқий харажатларга олиб борилади.

91. 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар» счётида тегишли субсчётида сақлаш жойидан чиқиб кетган, аммо мўлжалланган жойига етиб бормаган пул маблағлари (инкассаторга берилган ташкилотларнинг нақд пул маблағлари, юқорида назарда тутилмаган пул ўтказмалари ва бошқалар) ҳисобга олинади.

Пулни инкассаторларга топшириш, бошқа турдаги пул ўтказмалари ва бошқа ҳоллар 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар» субсчётининг дебетиди пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Пул маблағлари кирим қилингандан кейин 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар» субсчёти кредитланиб пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар дебетланади.

92. 112 000 «Аккредитивлар» субсчёти моддий қимматликлар етказиб берганликлари, шунингдек ишлар, хизматлар бажарилганлиги учун бошқа шаҳарлардаги маҳсулот етказиб берувчилар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро тузилган шартномалар асосида қўйилган аккредитивлар суммаси ҳисобга олинади.

Аккредитивлар бюджет маблағлари ҳисобидан ҳам, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳам қўйилиши мумкин. Аккредитивларни расмийлаштириш ва уларнинг амал қилиш муддатлари конун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

Аккредитив қўйилганда 112 000 «Аккредитивлар» субсчёти дебетланади ҳамда пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг тегишли субсчётлари кредитланади. Фойдаланилган аккредитивлар суммаси 151 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» ва бошқа субсчётларнинг тегишлисини дебетига ҳамда 112 000 «Аккредитивлар» субсчётининг кредитига ёзилади. Аккредитивларнинг фойдаланилмаган суммалари пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг тегишли субсчётларининг дебетига ҳамда 112 000 «Аккредитивлар» субсчётининг кредитига ёзилади.

93. 113 000 «Пул эквивалентлари» субсчётида маълум пул маблағига тез ва осон алмаштириладиган ҳамда юқори ликвидликка эга бўлган активлар ҳисобга олинади.

Бундай ҳужжатларни кассага қабул қилиш ва кассадан бериш касса ордерлари билан расмийлаштирилади. Бу операцияларнинг ҳисоби пул маблағлари бўйича операциялардан алоҳида ҳолда юритилади.

Пул эквивалентлари сотиб олинганда 113 000 «Пул эквивалентлари» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ва пул маблағлари ёки ҳисоб-китоблар субсчётларининг кредитига ёзилади.

Пул эквивалентлари ҳисобдор шахсларга берилганда 153 300 «Бюджет ташкилотларининг ҳисобдор шахслар билан дебитор қарзлари» субсчётларининг дебетига ва 113 000 «Пул эквивалентлари» субсчётининг кредитига ёзилади.

Пул эквивалентларининг сотилиши тегишли ҳисоб-китоблар субсчётларининг дебетига ҳамда 113 000 «Пул эквивалентлари» субсчётининг кредитига акс эттирилади.

Пул эквивалентларининг ҳисобдан чиқарилиши 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ва 113 000 «Пул эквивалентлари» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига акс эттирилади.

2-§. Дебитор қарзлар

94. Мазкур параграфнинг счётлари ва тегишли субсчётларида бюджет ташкилотларининг:

бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли ички ва ташқи депозит маблағлари бўйича дебитор қарзлар;

турли ҳисоб-китоблари бўйича дебитор қарзлари;

бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан дебитор қарзлари; ходимлар ва стипендия олувчилар билан дебитор қарзлари;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлар ҳисоби юритилади.

95. 121 000 «Қисқа муддатли депозитлар» счётининг тегишли 121 100 «Қисқа муддатли ички депозитлар» ва 121 200 «Қисқа муддатли ташқи депозитлар» субсчётларида ташкилотларнинг вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларини банкларга депозитга қўйилиши акс эттирилади.

Вақтинча бўш турган маблағларнинг банкларга депозитга қўйилиши 102 400 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига ва 121 100 «Қисқа муддатли ички депозитлар» ёки 121 200 «Қисқа муддатли ташқи депозитлар» субсчётининг дебетига акс эттирилади. Ушбу маблағларнинг ташкилот ҳисобварақларига қайтарилиши 102 400 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ва 121 100 «Қисқа муддатли ички депозитлар» ёки 121 200 «Қисқа муддатли ташқи депозитлар» субсчётининг кредитига акс эттирилади.

Депозитга қўйилган маблағлар бўйича фоиз кўринишидаги даромадларнинг ҳисобланиши 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади. Ушбу фоиз кўринишидаги даромадларнинг келиб тушиши пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли субсчётларнинг дебетида ва 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

Ташкилотлар томонидан вақтинча бўш турган маблағларини банкларга депозитга қўйилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

96. 150 000 «Бюджет ташкилотларининг дебитор қарзлари» счёти ҳисоби юритилади.

97. 151 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчёти маҳсулот етказиб берувчилар билан етказиб берилган моддий ва номоддий қимматликлар, шунингдек капитал қўйилмалар ҳисобига харид қилинадиган қурилиш материаллари, конструкциялар ва деталлар, ўрнатиш учун жиҳозлар, етказиб берилган бошқа товар-моддий қимматликлар қиймати ва шу кабилар, пудратчилар билан уларга қурилиш ва монтаж учун берилган конструкциялар ва деталлар, бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун бюджет ташкилотларининг дебитор қарзлари ҳисоби олиб борилади.

Маҳсулот етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларда 151 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида қурилиш материаллари, конструкциялар ва деталлар, бошқа товар-моддий қимматликлар учун олдиндан тўланган маблағлар суммаси ёзилади. Бунда, 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчёти кредитланади. Маҳсулот етказиб берувчилардан оморга келиб тушган моддий қимматликлар суммасига моддий қимматликларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар дебетланади, бунда 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчёти кредитланади.

151 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётидаги дебиторликларни ҳисобдан чиқаришда ушбу субсчётдаги маблағлар кредитланади, 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчёти эса дебетланади. Бунда 151 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчёти дебетланган ҳамда 161 600 «Қурилиш материаллари» субсчёти ва бошқа тегишли субсчётлар кредитланган ҳолда пудратчига қурилиш-монтаж ишлари учун берилган конструкция ва деталлар, қурилиш материалларининг суммалари ҳисобга олиниши лозим.

Агарда маҳсулот етказиб берувчилардан олинган моддий қимматликлар

омборга кирим қилинмасдан тўғридан-тўғри пудратчи ташкилотларга берилса, у ҳолда 151 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётлари дебетланади, бунда 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчётлари кредитланади.

Пудратчилар билан якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебетига бажарилган қурилиш-монтаж ва бошқа ишлар учун ўтказиладиган суммалар ёзилади. Бунда, 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчёти кредитланади.

Пудратчиларнинг бажарган қурилиш-монтаж ишлари суммасига ёзувлар 241 100 «Бино ва иншоотларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни акс эттирувчи субсчётларнинг дебети ва 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредити бўйича ёзилади.

98. 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётида бюджет ташкилотлари томонидан бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва ишлаб чиқарган маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сотиш жараёнида харидорлар ва буюртмачи ташкилотлар билан олиб борадиган ҳисоб-китоблари акс эттирилади.

Харидор ва буюртмачилардан ўзаро тузилган шартномада белгиланган тўловлар келиб тушганда пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар дебетланади ва 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчёти кредитланади.

99. 151 300 «Бюджет ташкилотларининг суғурта тўловлари бўйича ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчёти бюджет ташкилотларининг суғурта бўйича тўловларга доир ҳисоб-китоблардаги дебитор қарзларни, жумладан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қўлланилади.

Ушбу субсчётнинг дебет томонида ҳисобланган мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича олдиндан тўлаб бериладиган суғурта мукофоти суммалари, шунингдек бошқа суғурта мажбуриятларининг тўланиши (бажарилиши) акс эттирилади. Бунда, 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчёти кредитланади. Шунингдек, суғурта мукофоти суммаси ҳақиқий харажатларга олиб борилганда, ушбу олдиндан ўтказиб берилган маблағлар 341 300 «Бюджет ташкилотларининг суғурта тўловлари бўйича ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчётидаги дебиторликлар сўндирилади.

100. 151 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётида иш жойида овқат билан таъминланганлиги учун ходимлар билан олиб бориладиган ҳисоб-

китоблар, шунингдек болаларни мактабгача таълим муассасаларида (болалар боғчаларида) сақланганлиги, болаларни мусиқа ва санъат мактабларида ўқитилганлиги, тарбияланувчиларни мактаб-интернатларда ва бошқа таълим муассасаларида сақланганлиги учун ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблардан юзага келган дебитор қарзлар ҳисоби ва бошқа шу каби ҳисоб-китоблар ҳисоби юритилади.

Ходимлар билан уларнинг иш жойларидан овқатланиш учун олиб бориладиган ҳисоб-китобларда қонун ҳужжатларига кўра касалхоналар, мактабгача таълим муассасалари, ногиронлар, шунингдек қариялар уйлари ва бошқа ташкилотлар жойлашган ерда умумий овқатланиш корхоналари бўлмаган ҳолларда уларнинг ходимларига тўлов ҳисобига овқатланиш рухсат этилган бўлиб ушбу ташкилотларнинг ходимлари билан овқатланганлик учун ҳисоб-китоб олиб борилади.

Ходимлар билан улар олган овқатлар учун ҳисоб-китоб юритганда 151 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётнинг дебетига сарф қилинган озиқ-овқат маҳсулотларининг қиймати ёзилади, бунда, 161 110 «Жорий озиқ-овқат маҳсулотлари» субсчёти кредитланади.

Кредитга ходимлардан овқат учун олинган суммалар ёзиб борилади, бунда тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар дебетланади.

Болалар мактабгача таълим муассасаларида (болалар боғчаларида) сақланганлиги, болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқитилганлиги, тарбияланувчиларнинг мактаб-интернатларда ва бошқа таълим муассасаларида сақланганлиги учун ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблардан юзага келган дебитор қарзлар келгуси ҳисоб-китобларда инобатга олинади.

101. 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётида бюджет ташкилотларининг юқорида келтирилмаган ва моддий қийматликлардан ташқари барча ҳоллардаги дебитор қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби олиб борилади.

102. 152 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан дебитор қарзлари» субсчётида бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китобларидан сўнг юзага келадиган дебитор қарзлар, бюджетга олдиндан ўтказиб берилган тўловлар, шунингдек бюджет ташкилотлари томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) реализацияси жараёнида қўшилган қиймат солиғи тўловини амалга оширишда юзага келадиган дебитор қарзлар ҳисобга олинади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлари бўйича дебитор қарзлар келгуси ҳисоб-китобларда инобатга олинади.

103. 152 200 «Бюджет ташкилотларининг ягона ижтимоий тўлов бўйича дебитор қарзлари» субсчётида бюджет ташкилотларининг ягона ижтимоий тўловлари бўйича ҳисоб-китоблардан сўнг юзага келадиган дебитор қарзлар ҳисобга олинади.

Бюджет ташкилотларининг ягона ижтимоий тўловлари бўйича дебитор қарзлар келгуси ҳисоб-китобларда инобатга олинади.

104. 152 300 «Бюджет ташкилотларининг шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадаллари бўйича дебитор қарзлари» субсчётида бюджет ташкилотларининг шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадаллари бўйича ҳисоб-китоблардан сўнг юзага келадиган дебитор қарзлар ҳисобга олинади.

Бюджет ташкилотларининг шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадаллари бўйича дебитор қарзлар келгуси ҳисоб-китобларда инобатга олинади.

105. 152 400 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан дебитор қарзлари» субсчётида бюджет ташкилотларнинг ходимларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланадиган пенсия, давлат ижтимоий суғуртаси нафақалари ва бошқа тўловлари бўйича дебитор қарзлар ҳисоби юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган пенсия, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ва бошқа тўловлар ҳисобланганда 152 400 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва 343 200 «Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларидан ташкилот ҳисобварағига келиб тушган суммаларга 102 403 «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар» субсчёти дебетланади ва 152 400 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан дебитор қарзлари» субсчёти кредитланади.

Аналитик ҳисоб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган тўловларни олувчилар бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

106. 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётида камомадлар, талон-торож қилинган пул маблағлари ва моддий қимматликлар қиймати, шунингдек айбдор шахслар ҳисобига ёзилган ва ўрнатилган тартибда ундириб олиниши лозим бўлган моддий қимматликлар қиймати ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳоллар ҳисоби олиб борилади.

Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

Аниқланган камомадлар, талон-торожлар, нобудгарчиликлар ва шу қабилар, агарда айбдор шахснинг ҳисобига олиб борилса 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг дебетига ва моддий қимматликлар ҳамда бошқа тегишли субсчётларнинг кредитига ёзилади. 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг кредитига етказилган зарарни қоплаш учун

ташкilotга кирим қилинган суммалар ёзилади, бунда тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар дебетланади.

107. 153 200 «Бюджет ташкilotларининг ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича дебитор қарзлари» субсчёти бюджет ташкilotлари томонидан ходимларга ижтимоий нафақалар бўйича тўловлардан кейинги ҳисоб-китоблардан юзага келадиган дебитор қарзлар ҳисобга олинади. Ушбу дебитор қарзлар келгуси ҳисоб-китобларда инобатга олинади.

108. 153 300 «Бюджет ташкilotларининг ҳисобдор шахслар билан дебитор қарзлари» субсчётида ҳисобдор шахслар билан уларга нақд пул тўламасдан ҳисоб-китоб қилиш имкони бўлмайдиган харажатларга тўлаш учун бериладиган аванслар бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ хизмат сафари бўйича берилган аванс тўловлари ҳисоби юритилади.

Ҳисобдор шахсларга берилган аванс суммаларга 153 300 «Бюджет ташкilotларининг ҳисобдор шахслар билан дебитор қарзлари» субсчёти дебитига ва 109 100 «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» (агарда аванс суммалари хорижий валютада берилса 109 200 «Хорижий валютадаги нақд пул маблағлари») ёки тегишли пул маблағларини акс эттирувчи субсчётлар кредитланади. Берилган аванс тўловлар маблағлар сарфи орқали 343 300 «Бюджет ташкilotларининг ҳисобдор шахслар билан кредитор қарзлари» субсчётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Шунингдек, ушбу субсчётида ташкilotнинг штатлар жадвалида кассирлик лавозимлари белгиланмаган ҳолларда иш ҳақи ва бошқа тўловларни нақд пулда тўлаши учун жавобгар шахсларга берилган нақд пул маблағларининг ҳам ҳисоби олиб борилади.

109. 153 400 «Бюджет ташкilotларининг ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича дебитор қарзлари» субсчётида бюджет ташкilotнинг ходимлари билан иш ҳақи тўловлари бўйича берилган аванс ҳисоби юритилади.

Ходимларга иш ҳақи ҳисоблаб ёзиш вақтида берилган аванс тўловлари 343 400 «Бюджет ташкilotларининг ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Аналитик ҳисоб ташкilotнинг ҳар бир ходими бўйича алоҳида юритилади.

110. 153 500 «Бюджет ташкilotларининг стипендия олувчилар билан дебитор қарзлари» субсчётида олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг талабалари, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ҳамда курс тингловчилари ва бошқалар билан стипендиялар бўйича тўловлардан кейинги ҳисоб-китоблардан юзага келадиган дебитор қарзлар ҳисобга олинади. Ушбу дебитор қарзлар келгуси ҳисоб-китобларда инобатга олинади.

111. 153 600 «Бюджет ташкilotларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари» субсчётида таълим муассасаларида талабалар билан тўлов-контракт маблағлари бўйича ва ўқув жараёнида юзага келадиган дебитор қарзлар ҳисоби олиб борилади.

Таълим муассасалари томонидан тўлов-контракт маблағларининг ҳисобланиши 153 600 «Бюджет ташкilotларининг талабалар билан бошқа деби-

тор қарзлари» субсчётининг дебетиди ва 520 200 «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар» субсчётининг кредитиди акс этирилади. Тўлов-контракт маблағларининг келиб тушиши 153 600 «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлар» субсчётининг кредитиди ва 102 409 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётиди акс этирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир талаба бўйича алоҳида ҳолда ташкил қилинади.

112. 154 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлари» субсчётларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг тақсимланиши бўйича дебитор қарзлар ҳисоби юритилади.

3-§. Товар-моддий захиралар

113. 160 000 «Товар-моддий захиралар» счётининг тегишли счёт ва субсчётларида жорий ёки олдинги даврда харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган бюджет ташкилоти фаолиятида ёки ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган, сотиш ёки қайта сотиш учун мўлжалланган товар-моддий захиралар, шунингдек давлат стратегик аҳамиятига эга бўлган давлат захиралари, озик-овқат ва бошқа стратегик захиралар ҳисоби юритилади.

114. 161 000 «Хом ашё ва материаллар» счётининг тегишли субсчётларида бюджет ташкилотларига тегишли бўлган, фаолияти давомида фойдаланиладиган, тегишли юридик шахсларга бериладиган ҳамда ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлиб хизмат қиладиган барча турдаги захиралар, шунингдек давлат стратегик аҳамиятига эга бўлган давлат захиралари ҳисоби юритилади.

115. Бюджет ташкилотларига тегишли бўлмаган вақтинчалик фойдаланишда бўлган шартнома асосида масъул сақлашга олинган товар-моддий захиралар бухгалтерия ҳисобида балансдан ташқари 02 «Масъул сақлашга олинган товар-моддий қимматликлар» счётида шартномада кўрсатилган қиймат бўйича ҳисобга олинади.

116. 161 100 «Озик-овқат маҳсулотлари» счётининг тегишли субсчётларида жорий ва қиш-баҳор мавсумига ғамланадиган озик-овқат ҳамда бюджет ташкилотининг эҳтиёжи учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисобга олинади.

117. 161 200 «Дори-дармонлар, тиббиётда фойдаланиладиган воситалар, вакциналар ва бактериологик препаратлар» счётининг тегишли субсчётларида касалхоналардаги, даволаш-профилактика, даволаш-ветеринария ва ҳаражатлар сметаларида ушбу мақсадлар учун маблағ ажратиш кўзда тутилган ташкилотлардаги дори-дармонлар, тиббиётда фойдаланиладиган воситалар, компонентлар, вакциналар, бактериологик препаратлар, зардоблар, вакциналар, қон ва ярани боғлаш воситалари, амбулатория шароитида даволанувчи имтиёзли беморлар контингентига рецепт асосида бепул берилувчи

дори-дармонлар, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва бошқа дори-дармонлар ҳисобга олинади.

Бу субсчётда ўз дорихоналарига эга бўлган медицина ташкилотларидаги ёрдамчи ва дорихона материаллари ҳам ҳисобга олинади.

118. 161 300 «Ёнилғи, ёкилғи-мойлаш материаллари» счётининг тегишли субсчётларида омборларда, шунингдек бевосита моддий жавобгар шахслар ихтиёрида турадиган барча турдаги ёнилғи, ёкилғи-мойлаш материаллари (ўтин, кўмир, торф, бензин, керосин, мазут, автол ва бошқалар) ҳисобга олинади.

119. 161 400 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счётининг тегишли субсчётларида ташкилотнинг кундалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган хўжалик материаллари, канцелярия буюмлари (электр лампалари, совун, чўтка ва бошқалар), шунингдек бошқа инвентар ва хўжалик жиҳозлари ҳамда қоғоз ва бошқа матбаа маҳсулотлари ҳисобга олинади.

120. 161 500 «Кийим-кечак, пойабзал ва чойшаб-филофлар» субсчётида бюджет ташкилотлари омборларидаги ҳамда бевосита моддий жавобгар шахслар ихтиёрида турадиган мавжуд кийимлар, кўрпа-тўшаклар, кийим-кечак ва пойабзаллар қўйидаги гуруҳларга ажратилиб аналитик ҳисобга олинади:

кийимлар (кўйлаклар, халатлар ва шунга ўхшашлар);

кўрпа-тўшаклар ва кўрпа-тўшак буюмлари (матраслар, ёстиқлар, кўрпалар, чойшаблар, кўрпа ва ёстиқ жилдлари, ёпинғичлар, қоп-кўрпа) ва х. к.;

кийим-бош ва шакли уст-бош ҳамда махсус кийимлар (костюмлар, кофталар, юбкалар, курткалар, шимлар) ва бошқалар;

пойабзаллар, махсус пойабзаллар (ботинкалар, этиклар, сандаллар, пиймалар ва бошқалар) билан бирга;

спорт кийимлари ва пойабзаллари (костюмлар, ботинкалар) ва бошқалар.

121. 161 600 «Қурилиш материаллари» субсчётида қурилиш ва монтаж ишлари жараёнида фойдаланиладиган қурилиш материаллари ҳисобга олинади.

Қурилиш материаллари сифатида силикат материаллар (цемент, кум, шағал, оҳак, тош, гишт ва бошқалар) ёғоч материаллар (ходалар, арраланган ёғоч-тахталар, фанерлар ва бошқалар), қурилиш метали (темир, тунука, пўлат, листли рух ва бошқалар), металл буюмлар (михлар, гайкалар, болтлар, ҳалқали буюмлар ва шу кабилар), санитария-техника материаллари (жўмраклар, муфталар ва бошқалар), электротехника материаллари (лампа-лар, патронлар, сим ва сақлагичлар ва бошқалар), кимё-бўёқ моддалари (бўёклар, алифлар ва бошқалар) ва бошқа шу каби материаллар ҳисобга олинади.

122. 161 700 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи буюмлар ва сотиб олинadиган ярим тайёр маҳсулотлар» субсчётида машиналарнинг (тиббиёт, электрон-ҳисоблаш ва шу каби) ускуналари, тракторлар, комбайнлар, транспорт воситаларининг (моторлар, автомобиль шиналари, камера ва айлана шаклдаги ленталар ва шу кабилар) эскирган қисмларини алмаштириш ва таъмирлаш учун мўлжалланган эҳтиёт қисмлар ҳисобга олинади.

Эскирган эҳтиёт қисмларини алмаштириш учун омбордан берилган автомобиль шиналари ва покришкалари баланسدан ташқари 10 «Эскирганларининг ўрнига берилган транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари» счётида ҳисобга олинади ҳамда олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, мансаби, олинган куни ва завод рақами кўрсатилади.

123. 161 800 «Биологик захиралар» счётининг тегишли субсчётларида бўрдоқига боқилаётган ҳайвонлар ҳисоби юритилади.

124. 161 900 «Бошқа хом ашё ва материаллар» субсчётида юқоридаги гуруҳларга кирмаган бир операцион цикл мобайнида фойдаланиладиган мол-мулклар, илмий-тадқиқот ишлари ва лаборатория синовлари учун узоқ муддат ишлатиладиган материаллар, чорва ҳайвонларининг озуқалари, шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари учун махсус асбоб-ускуналар, ўқув, илмий ва бошқа мақсадларга мўлжалланган реактивлар ва химикатлар, ойна ва кимёвий идишлар, металллар, электр ва радио материаллари, радиолампалар, фотобуюмлари, ўқув дастурлари ҳамда қўлланмалар, тажриба қилинадиган ҳайвонлар ҳамда ўқув мақсадлари ва илмий-тадқиқот ишлари учун мўлжалланган бошқа материаллар, шунингдек протез учун ишлатиладиган қимматбаҳо ва бошқа товар-моддий захиралар ҳисобга олинади.

125. Сотиб олинган хом ашё ва материалларнинг қиймати (сотиб олиш нархи, шунингдек етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлар) ҳисобда 170 000 «Товар-моддий захираларга харажатлар» субсчётининг дебетига ва 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитига ёзилади.

126. Юридик ва жисмоний шахслардан беғараз олинган хом ашё ва материаллар бухгалтерия ҳисобига кирим қилиш вақтида белгиланган тартибда аниқланган жорий бозор қиймати бўйича 170 000 «Товар-моддий захираларга харажатлар» субсчётининг дебетига ва 902 200 «Беғараз (бе-пул) олинган ёки берилган товар-моддий захиралар» субсчётининг кредитига ёзилади.

127. Марказлашган тартибда юқори турувчи бюджет ташкилотидан хом ашё ва материаллар қабул қилинишида 170 000 «Товар-моддий захираларга харажатлар» субсчёти дебетланади ва 901 200 «Марказлашган ҳолда олинган ёки берилган товар-моддий захиралар» субсчёти кредитланади.

128. Товар-моддий захираларнинг қиймати (сотиб олиш нархи, шунингдек етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлар) бўйича кирим қилиниши 161 000 «Хом ашё ва материаллар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ва 170 000 «Товар-моддий захираларга харажатлар» субсчётининг кредитига ёзилади. Бунда ушбу хом ашё ва материаллар бўйича етказиб бериш ва шу билан боғлиқ бошқа харажатлар амалга оширилса, у ҳолда ушбу харажатлар мазкур хом ашё ва материалларнинг қийматини оширади ва ҳисобда 170 000 «Товар-моддий захираларга харажатлар» субсчётининг дебетига ҳамда 341 000 «Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблари бўйича креди-

тор қарзлари» счётининг тегишли субсчётлари ёки бошқа тегишли счётларнинг субсчётларининг кредитига ёзилади.

129. Хом ашё ва материаллар иш жараёнида фойдаланиш, асосий воситаларни ишга тушириш жараёнида қўшимча фойдаланиш беғараз берилганда, марказлашган тартибда қўйи бюджет ташкилотларига ўтказилганда, ишлаб чиқаришга олинганда ёки бошқа ҳолларда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Хом ашё ва материаллардан фойдаланиш жараёнида улар қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 161 000 «Хом ашё ва материаллар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига ва ушбу хом ашё ва материалларнинг сотиб олиниш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ёзилади.

Асосий воситаларни ишга тушириш жараёнида хом ашё ва материаллардан фойдаланилганда уларнинг қиймати ҳисобдан чиқарилиши 161 000 «Хом ашё ва материаллар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига ва 241 000 «Асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига акс эттирилади.

Хом ашё ва материаллар беғараз берилганда 161 000 «Хом ашё ва материаллар» счётнинг тегишли субсчётларининг кредитига ва 902 200 «Беғараз (бепул) олинган ёки берилган товар-моддий захиралар» субсчётининг дебетига ҳисобга олинади.

Хом ашё ва материаллар марказлашган тартибда қўйи бюджет ташкилотларига ўтказилганда 161 000 «Хом ашё ва материаллар» счётининг тегишли субсчётлари кредитланади ва 901 200 «Марказлашган ҳолда олинган ёки берилган товар-моддий захиралар» субсчётининг дебетига ҳисобга олинади.

Хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришга олинганда 161 000 «Хом ашё ва материаллар» счётининг тегишли субсчётлари кредитланади ва 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар субсчёти дебетланади.

130. 162 000 «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» субсчётида тайёр маҳсулот ҳолатига келиши учун етарли ишлов берилмаган, бюджет ташкилотига тайёр маҳсулот ҳолатига келтирилладиган ёки тайёр маҳсулот маҳсулот ҳолатига келтириш учун бошқа ишлаб чиқарувчига тақдим этиладиган маҳсулотлар ҳисоби юритилади.

Ҳисобот ойининг охири куни тугалланмаган ишлаб чиқариш, уларнинг таннархи тўғрисида маълумотларни акс эттириш мақсадида ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқаришни товар ҳолатига етказиш ёки қайта ишлаш учун бошқа субъектга ўтказилганда 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчёти бўйича қолдиқ 162 000 «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» субсчётининг дебетига акс эттирилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш товар ҳолатига етказиш ёки қайта ишлаш учун бошқа субъектга ўтказилганда, ушбу тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннархи 162 000 «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» субсчётини кредитлаган ҳамда 750 000 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётини дебетлаган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

131. 163 000 «Тайёр маҳсулот» субсчётида тайёр маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннари бўйича ҳисобга олинади.

Сотиш учун тайёрланган (олинган) тайёр маҳсулотлар, шу жумладан қисман ташкилотнинг ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотларнинг кирим қилиниши 163 000 «Тайёр маҳсулот» субсчётининг дебетида 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчёти билан боғланган ҳолда акс этирилади.

Харидорларга (буюртмачиларга) ортиб жўнатилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннари ушбу харидорлар (буюртмачилар) томонидан ҳисобкитоб ҳужжатлари тақдим этилганда 163 000 «Тайёр маҳсулот» субсчётининг кредитидан 750 000 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Шунингдек, ушбу субсчётда ёрдамчи қишлоқ ва ўқув хўжалиklarининг маҳсулотлари ҳам ҳисобга олинади. Ёрдамчи қишлоқ хўжалик ва ўқув-тажриба хўжалиklarининг маҳсулотлари режадаги баҳоси бўйича йил давомида ҳисобга олиб борилади ва бу маҳсулотлар киримга олинганда 163 000 «Тайёр маҳсулот» субсчётнинг дебетига ва 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчётининг кредитига ёзилади.

Маҳсулотларни сотишда сотилган маҳсулотларнинг режадаги таннари 163 000 «Тайёр маҳсулот» субсчётининг кредитидан 750 000 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётининг дебетига ёзилади. Ташкилот ўзининг эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотлари 163 000 «Тайёр маҳсулот» субсчётининг кредитига ва 161 000 «Хом ашё ва материаллар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ёзилади.

Маҳсулотнинг режадаги таннари йил охирида йиллик ҳисобот калькуляциясига асосан, ҳақиқий таннари билан мувофиқлаштирилади. Агар йил давомида олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳақиқий таннари режадагидан юқори бўлса, сотилмаган маҳсулотларга тааллуқли бўлган қисмида ҳақиқий ва режадаги таннари ўртасидаги фарқ суммасига қўшимча ўтказма қилинади, бунда ушбу фарқ сумма 163 000 «Тайёр маҳсулот» субсчётнинг дебетига ва 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчётининг кредитига ёзилади, сотилган маҳсулотларга тааллуқли қисми 750 000 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётининг дебетига ва 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчётининг кредитига ёзилади.

Йил давомида олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳақиқий таннари режадагидан кам бўлганда режадаги ва ҳақиқий таннари ўртасидаги фарқ суммасига (тежалган суммага) сотилмаган маҳсулотларга тааллуқли бўлган қисмида сторно билан (қизил сиёҳ билан) бухгалтерия ёзуви киритилади ва ушбу фарқ сумма 163 000 «Тайёр маҳсулот» субсчётининг дебетига ва 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчётнинг кредитига ёзилади, сотилган маҳсулотларга тааллуқли қисмида 750 000 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётининг дебетига ва 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчётининг кредитига ёзилади.

132. 164 000 «Қайта сотиш учун товарлар» субсчётида қайта ишлов берилмаган ҳолда бошқа субъектга қайта сотиш мақсадида сотиб олинган товарлар ҳисобга олинади.

133. 165 000 «Ҳарбий захиралар» субсчёти ҳисоби белгиланган тартибда амалга оширилади.

134. 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчётида ишлаб чиқариш, ёрдамчи қишлоқ ва ўқув-тажриба хўжалиklarининг буюм ва маҳсулотларни тайёрлаш, босма маҳсулотларни нашр қилиш ва хизмат кўрсатиши учун режалаштириладиган харажатлар, юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар асосида илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини бажаришга доир харажатлар, экспериментал қурилишларни тайёрлаш харажатлари, шунингдек бошқа бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун қилинган харажатлар ҳисобга олинади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда ишлар бажаришга қилинадиган харажатлар ва уларнинг таннархини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Олдиндан (ижара, абонент тўлови ва бошқалар) ёки кейинги даврлардаги (ҳисобдор суммасининг ортиқча харажатлари учун тўловлар ва бошқалар) бюджет ташкилоти харажатлари маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига уларнинг тўланган муддатидан қатъи назар қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида киритилади.

180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчётнинг дебети бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар, шунингдек яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар акс эттирилади.

Мазкур харажатлар 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчётнинг дебетида товар-моддий захиралар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётларнинг кредитидан ҳисобдан чиқарилади. Таксимланадиган харажатлар 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчётининг дебетида 912 100 «Таксимланмаган харажатлар» субсчётининг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Келгусида ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган чиқиндиларнинг кирим қилиниши 161 900 «Бошқа хом ашё ва материаллар» субсчётининг дебетида ва 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчётининг дебетида тугалланган маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ва хизматларни бажаришнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилади. Ушбу суммалар 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчётдан 163 000 «Тайёр маҳсулот» субсчёти ёки 750 000 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётининг дебетида ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчёти бўйича ҳисобот ойининг сўнгги кунда қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннарини кўрсатади.

135. Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан товар-моддий захираларнинг кирим қилиниши товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётларнинг дебитида ва 903 000 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

136. Инвентаризация натижасида аниқланган камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан товар-моддий захираларнинг ҳисобдан чиқарилишидан кўрилган зарар ташкилот ҳисобига олиб борилади ва ҳисобда товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг кредитига ва ушбу товар-моддий захираларнинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда, ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебитида акс эттирилади.

137. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ва агарда товар-моддий захиралар бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинган бўлса ёки харид қилинган манбасини аниқлашнинг имкони бўлмаса, айбдор шахсдан ундириладиган сумма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли бюджет даромадига ўтказиб берилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

кам чиққан товар-моддий захиралар қийматининг ҳисобдан чиқарилиши товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг кредитида ва ушбу товар-моддий захираларнинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебитида;

айбдор шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг дебитида ва 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитида;

айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебитида ва 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида;

маблағларнинг бюджет даромадига ўтказиб берилиши 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебитида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг кредитида акс эттирилади.

138. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолда (агарда товар-моддий захиралар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган бўлса), айбдор шахсдан ундириладиган сумма ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварағига кирим қилинади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

кам чиққан товар-моддий захиралар қийматининг ҳисобдан чиқарилиши товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг кредитида ва

153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида акс эттирилади. Агарда мазкур товар-моддий захираларнинг қиймати ва моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган сумма ўртасида фарқ мавжуд бўлса, ушбу фарқ сумма 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида (ёки кредитида) ва 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» (ёки товар-моддий захираларнинг сотиб олиниш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида) акс эттирилади;

айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебетида ва 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

2-боб. Узоқ муддатли активлар

1-§. Узоқ муддатли дебитор қарзлар

139. Мазкур параграфнинг счётлари ва уларга тегишли субсчётларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан узоқ муддатли ички ва ташқи депозит маблағлари бўйича дебитор қарзлари ҳисоби юритилади.

140. 211 000 «Узоқ муддатли депозитлар» счётининг 211 100 «Узоқ муддатли ички депозитлар» ва 211 200 «Узоқ муддатли ташқи депозитлар» субсчётларида ташкилотларнинг вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларини банкларга узоқ муддатли депозитга қўйилиши акс эттирилади.

Вақтинча бўш турган маблағларнинг банкларга узоқ муддатли депозитга қўйилиши 102 400 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида ва 211 100 «Узоқ муддатли ички депозитлар» ёки 211 200 «Узоқ муддатли ташқи депозитлар» субсчётининг дебетида акс эттирилади. Ушбу маблағларнинг ташкилот ҳисобварақларига қайтарилиши 102 400 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида ва 211 100 «Узоқ муддатли ички депозитлар» ёки 211 200 «Узоқ муддатли ташқи депозитлар» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

Депозитга қўйилган маблағлар бўйича фоиз кўринишидаги даромадларнинг ҳисобланиши 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисобкитоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади. Ушбу фоиз кўринишидаги даромадларнинг келиб тушиши пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли субсчётларнинг дебетида ва 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

2-§. Номолиявий активлар

141. Мазкур параграфнинг счётлари ва тегишли субсчётларида бюджет ташкилотларининг:

номолиявий активлар, шу жумладан консервациялашган ҳамда молиявий ижара шартномаси бўйича олинган номолиявий активлар;

номолиявий активлар амортизацияси;

номолиявий активларга қўйилмалар ҳисоби юритилади.

142. 220 000 «Номолиявий активлар» счётининг тегишли субсчётларида бюджет ташкилотларининг номолиявий активлари, шу жумладан, ижарага берилган ва молиявий ижара шартномаси бўйича номолиявий активларнинг ҳолати, ҳаракати, амортизацияси ва уларга қўйилмалар ҳамда консервация қилинган номолиявий активлар тўғрисидаги ахборотлар умумлаштирилади.

143. 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ташкилотларининг зиммасига юклатилган вазифаларини амалга ошириши мақсадида узоқ вақт давомида (бир йилдан ортиқ) фойдаланадиган, шунингдек ижарага бериши мумкин бўлган асосий воситаларининг ҳисобини юритади.

Ташкилотлар ўзларининг зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолиятларини амалга ошириши, шунингдек ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) жараёнида фойдаланиладиган, қийматидан қатъи назар 1 йилдан ортиқ хизмат қилиш муддатига эга бўлган моддий активларни, шу жумладан молиявий ижара шартномаси бўйича олинган ёки консервация қилинган активларни бухгалтерия ҳисобида 220 000 «Номолиявий активлар» счётининг тегишли субсчётларида ҳисобга олади ва акс эттиради.

144. 221 110 «Тураржой бинолари» субсчётида тўлиқ ёки асосан тураржой учун белгиланган бинолар ҳисобга олинади. Шунингдек, ушбу счётда ташкилотларнинг балансида бўлган ва ўз ходимларининг, жумладан ҳарбий хизматчиларнинг яшаши учун фойдаланиладиган бинолари ҳам ҳисобга олинади.

145. 221 120 «Нотураржой бинолари» субсчётида тураржой бўлмаган барча иморатлар, шу жумладан ишлаб-чиқариш хўжалик бинолари, бошқарув органлари, ижтимоий-маданий (ўқув юртлари, касалхоналар, поликлиникалар ва амбулаториялар, интернатлар, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача таълим муассасалари, кутубхоналар, клублар, музейлар, лабораториялар ва бошқалар) ва ташкилотлар томонидан банд қилинган бошқа бинолар ҳисобга олинади.

146. 221 130 «Бошқа иншоотлар» субсчётида бинолардан ташқари барча иншоотлар ҳисобга олинади.

147. 221 140 «Ерни ободонлаштириш» субсчётида ноинвентар тусдаги харажатларга кирувчи (иншоотлар қурилиши билан боғлиқ бўлмаган) ерни яхшилашга доир капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилган, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун ернинг устки қисмини яхшилашга доир мада-

ний-техникавий тадбирлар (ер участкаларини режалаштириш, майдонларни ҳайдовга тайёрлаш учун кундаков қилиш, далаларни тошлар ва харсанглардан тозалаш, сув ҳавзаларини тозалаш ва бошқалар) акс эттирилади.

148. 221 200 «Машина ва жиҳозлар» счётининг тегишли субсчётларида транспорт воситалар, информацион, компьютер ва телекоммуникацион ускуналар, шунингдек бошқа барча турдаги машина ва жиҳозлар ҳисобга олинади.

149. 221 300 «Бошқа турдаги асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётларида етиштириладиган биологик активлар, интеллектуал мулк объектлари ва кутубхона фонди ҳисобга олинади.

150. 221 400 «Ҳарбий асосий воситалар» субсчётида белгиланган тартибда ҳарбий асосий воситалар ҳисоби юритилади.

151. 221 000 «Асосий воситалар» счёти тегишли счётларининг дебет томонида асосий воситаларнинг кирими (дастлабки қийматининг ошиши), кредит томонида асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши (дастлабки қийматининг камайиши) акс эттирилади.

152. Сотиб олинган асосий воситаларнинг сотиб олиш нархи ҳисобда 241 000 «Асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли асосий воситаларни харид қилишни акс эттирувчи субсчётлари, етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлари 241 000 «Асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли асосий воситаларга бошқа капитал қўйилмаларни акс эттирувчи субсчётларининг дебети (ушбу харажатлар мазкур асосий воситанинг дастлабки қийматини оширади) ва амалга оширилган операциянинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда 341 000 «Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблари бўйича кредитор қарзлари» счётининг тегишли счётларининг ҳамда бошқа счётларнинг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади. Асосий воситанинг дастлабки қиймати бўйича кирим қилиниши 221 000 «Асосий воситалар» счётларининг тегишли субсчётининг дебети ва 241 000 «Асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади.

153. Юридик ва жисмоний шахслардан бегараз олинган асосий воситалар бухгалтерия ҳисобига кирим қилиш вақтида белгиланган тартибда аниқланган жорий бозор қиймати бўйича 241 000 «Асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли қабул қилиш билан боғлиқ субсчётларининг дебети ва 902 100 «Бегараз (бепул) олинган ёки берилган асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активлар» субсчётининг кредитига ёзилади. Агарда ушбу асосий восита бўйича етказиб бериш ва ишчи ҳолатга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлар амалга оширилганда, ушбу харажатлар мазкур асосий воситанинг дастлабки қийматини оширади ва ҳисобда 241 000 «Асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли асосий воситаларга бошқа капитал қўйилмаларни акс эттирувчи субсчётларининг дебети ва амалга оширилган операциянинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда 341 000 «Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблари бўйича кредитор қарзлари» счётининг тегишли счётларининг ҳамда бошқа счётларнинг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади. Асосий воситанинг даст-

лабки қиймати бўйича кирим қилиниши 221 000 «Асосий воситалар» счётларининг тегишли субсчётининг дебетига ва 241 000 «Асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади.

154. Бошқа бюджет ташкилотларидан беғараз олинган ва аввал фойдаланишда бўлган асосий воситалар-инвентар объектлар келиб тушганда, қабул қилиб олувчи томон бухгалтерия ҳисобида уларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан амортизациясини айирмаган ҳолда 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли қабул қилиш билан боғлиқ субсчётларининг дебетига ва уларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан амортизациясини айирган ҳолда 902 100 «Беғараз (бепул) олинган ёки берилган асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активлар» субсчётининг кредити ҳамда берувчи ташкилотларнинг ҳужжатларига мувофиқ мазкур объект амортизация суммасига 231 000 «Асосий воситалар амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг кредити бўйича акс эттирилади. Ушбу асосий восита бўйича етказиб бериш ва ишчи ҳолатга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлар амалга оширилганда, ушбу харажатлар мазкур асосий воситанинг дастлабки қийматини оширади ва ҳисобда 241 000 «Асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли асосий воситаларга бошқа капитал қўйилмаларни акс эттирувчи субсчётларининг дебетига ва амалга оширилган операциянинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда 341 000 «Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблари бўйича кредитор қарзлари» счётининг тегишли субсчётларининг ҳамда бошқа счётларнинг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади. Асосий воситанинг дастлабки қиймати бўйича кирим қилиниши 221 000 «Асосий воситалар» счётларининг тегишли субсчётининг дебетига ва 241 000 «Асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади.

155. Бюджет ташкилотларининг ўзи томонидан ва пудрат шартномасига асосан қурилган асосий восита объектларининг кирим қилиниши 221 100 «Бино ва иншоотлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ва 241 100 «Бино ва иншоотларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли тугалланмаган қурилиш билан боғлиқ субсчётларининг кредитига акс эттирилади.

156. Бюджет ташкилотларининг ўзи томонидан яратилган (ишлаб чиқилган) асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ушбу асосий воситаларни ишлаб чиқаришга сарфланган ҳақиқий харажатлар суммаси сифатида аниқланади. Амалга оширилган харажатлар ҳисобда 241 000 «Асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли асосий воситаларга бошқа капитал қўйилмаларни акс эттирувчи субсчётларининг дебетига ва амалга оширилган операциянинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда субсчётларининг кредитига ёзилади. Асосий воситанинг дастлабки қиймати бўйича кирим қилиниши 221 000 «Асосий воситалар» счётларининг тегишли субсчётининг дебетига ва 241 000 «Асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади.

157. Тугатилиши муносабати билан асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига, қолдиқ қийматининг ҳисоб-

дан чиқарилиши асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида, ҳисобланган амортизация суммасининг ҳисобдан чиқарилиши 231 000 «Асосий воситаларнинг амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг тугатилиши муносабати билан кейинчалик фойдаланишга яроқли бўлган товар-моддий захираларнинг кирим қилиниши товар-моддий захираларнинг ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебетида ва товар-моддий захиралар суммасини мазкур асосий воситанинг қолдиқ қиймати доирасида 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётларининг тегишли субсчётларининг кредитида (уни кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда), қолдиқ қийматидан ошган сумма 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчётнинг кредитида акс эттирилади.

158. Ташкилотларда асосий воситаларнинг сотилиши ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

1) бино ва иншоотлар (чет элда жойлашганларидан ташқари):

асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида, қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида, ҳисобланган амортизация суммасининг ҳисобдан чиқарилиши 231 000 «Асосий воситалар амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида акс эттирилади;

2) қолган асосий воситалар (чет элда жойлашганларидан ташқари):

дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг дебетида, ҳисобланган амортизация суммасининг ҳисобдан чиқарилиши 231 000 «Асосий воситалар амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг кредитида акс эттирилади;

асосий воситаларнинг сотиш қиймати 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг кредитида, бир вақтнинг ўзида тегишли бюджет даромадига ҳисобланган сумма 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг дебетида ва 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади;

пул маблағларининг келиб тушиши 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида ва 102 414 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчётининг дебетида, бюджетга ҳисобланган суммаларнинг ўтказиб берилиши 102 414 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчётининг кредитида ва

342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебетида акс эттирилади;

асосий воситаларнинг сотилишидан тушган тушумлар ҳисобидан бюджет ташкилоти ихтиёрида қолдириладиган маблағлар 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг дебетида ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» субсчётларининг кредитида акс эттирилади.

3) чет элда жойлашган ташкилотларнинг асосий воситалари:

дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг дебетида, ҳисобланган амортизация суммасининг ҳисобдан чиқарилиши 231 000 «Асосий воситалар амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг кредитида акс эттирилади;

асосий воситаларнинг сотиш қиймати 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг кредитида акс эттирилади;

пул маблағларининг келиб тушиши 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида ва 107 000 «Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисоб-рақамлардаги хорижий валютадаги пул маблағлари» субсчётининг дебетида акс эттирилади;

асосий воситаларнинг сотилишидан тушган тушумлар ҳисобидан бюджет ташкилоти ихтиёрида қолдириладиган маблағлар 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг дебетида ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» субсчётларининг кредитида акс эттирилади.

159. Бюджет ташкилотлар томонидан асосий воситалар беғараз берилганда унинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида, қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 902 100 «Беғараз (бепул) олинган ёки берилган асосий воситалар, қийматликлар ва номодий активлар» субсчётларининг дебетида, ҳисобланган амортизация суммасининг ҳисобдан чиқарилиши 231 000 «Асосий воситаларнинг амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида акс эттирилади.

160. Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган асосий воситалар, ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш асосий воситаларнинг бозор қиймати бўйича уларнинг ҳақиқий аҳволини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади (ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аниқланади), белгиланган тартибда ташкилот ҳисобига қабул қили-

нади ҳамда бухгалтерия ҳисобида 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида ва 903 000 «Инвентаризация натижасида ортикча чиққан мол-мулклар» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

161. Инвентаризация натижасида аниқланган камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда кам чиққан асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилишидан кўрилган зарар ташкилот ҳисобига олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида унинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида, қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида, ҳисобланган амортизация суммасининг ҳисобдан чиқарилиши 231 000 «Асосий воситаларнинг амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида акс эттирилади.

162. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ва агарда асосий восита бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинган бўлса ёки харид қилинган манбасини аниқлашнинг имкони бўлмаса, айбдор шахсдан ундириладиган сумма қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда тегишли бюджет даромадига ўтказиб берилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

кам чиққан асосий воситанинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида, қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида, ҳисобланган амортизация суммасининг ҳисобдан чиқарилиши 231 000 «Асосий воситаларнинг амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида акс эттирилади;

айбдор шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитида;

айбдор шахс томонидан бюджет ташкилотга камомад суммасининг тўланиши 102 404 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга ўтказилиши лозим бўлган (ўтган йилнинг дебитор қарздорлигини, камомадларни, текширув натижасига кўра аниқланган ўзлаштиришларни) маблағлари» субсчёти ёки бюджет ташкилотининг кассасига нақд пулда тўланиши 109 100 «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» субсчётининг дебетида ва 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида;

нақд пулда тўланган камомад суммасининг ҳисобвараққа кирим қилиниши 102 404 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга ўтказилиши лозим бўлган (ўтган йилнинг дебитор қарздорлигини, камомадларни, текширув натижасига кўра аниқланган ўзлаштиришларни) маблағлари» субсчётининг дебетида ва 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар» субсчётининг кредитида;

маблағларнинг бюджет даромадига ўтказиб берилиши 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебетиди ва 102 404 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга ўтказилиши лозим бўлган (ўтган йилнинг дебитор қарздорлигини, камомадларни, текширув натижасига кўра аниқланган ўзлаштиришларни) маблағлари» субсчётининг кредитиди акс эттирилади.

163. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолда (агарда асосий восита бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган бўлса), айбдор шахсдан ундириладиган сумма ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварағига кирим қилинади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

кам чиққан асосий воситанинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитиди, қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг дебетиди, ҳисобланган амортизация суммасининг ҳисобдан чиқарилиши 231 000 «Асосий воситаларнинг амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг дебетиди акс эттирилади. Агарда, мазкур асосий воситанинг қолдиқ қиймати ва моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган сумма ўртасида фарқ мавжуд бўлса, ушбу фарқ сумма 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётнинг дебетиди (ёки кредитиди) ва 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчётининг кредитиди (ёки асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларнинг дебетиди акс эттирилади;

айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг ёки бюджет ташкилотининг кассасига нақд пулда тўланиши 109 100 «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» субсчётининг дебетиди ва 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг кредитиди акс эттирилади;

нақд пулда тўланган камомад суммасининг ҳисобвараққа кирим қилиниши тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебетиди ва 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар» субсчётининг кредитиди.

164. Агарда асосий восита бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига сотиб олинган бўлса, айбдор шахсдан ундириладиган сумма асосий восита қийматидаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг улушига мос равишда тақсимланиб маблағнинг тегишли қисми бюджет даромадига ўтказиб берилади, қолган қисми ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварағига кирим қилинади.

Ушбу маблағлар тўлиғича ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

165. Агарда аниқланган камомад ўрнига моддий жавобгар шахснинг ташкилот ихтиёрига берган асосий воситаси камомад чиққан асосий восита

қийматига тенг ёки кам бўлса, ушбу асосий восита белгиланган тартибда бозор қийматида кирим қилинади, етишмайдиган қисми моддий жавобгар шахс томонидан пул маблағларини киритиш билан қопланади ва бухгалтерия ҳисобида мазкур Тартибда белгиланган равишда акс эттирилади.

166. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматининг ошиши 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётларининг дебитида, ҳисобланган амортизация суммасининг ошиши 231 000 «Асосий воситаларнинг амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида ва молиявий натижаларнинг ошиши 909 000 «Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш» субсчётнинг кредитида акс эттирилади.

167. Бюджет ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда консервация қилинган асосий воситалар тури бўйича 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётларида ҳисоби юритилади ва ҳисоботларда акс эттирилади.

Асосий воситалар белгиланган тартибда консервация қилингандан сўнг кейинги ойнинг бошидан амортизация ҳисобланиши тўхтатилади.

Консервация қилинган асосий воситаларга талаб қайта тикланган тақдирда кейинги ойнинг бошидан амортизация ҳисобланиши бошланади.

168. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётларида ҳисоби юритилади ва ҳисоботларда акс эттирилади.

169. Бюджет ташкилоти томонидан оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ҳисоби балансдан ташқари 01 «Оператив ижарага олинган асосий воситалар ва қийматликлар» счётида юритилади.

170. Ижара ҳисоби қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

171. Бюджет ташкилотига молиявий ижара шартлари асосида келиб тушган асосий воситалар жами тўловларни тўловларининг дисконтланган қийматида 241 000 «Асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётининг асосий воситаларни қабул қилишни акс эттирувчи тегишли субсчётларнинг дебити ва 421 100 «Бюджет ташкилотларининг махсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади. Молиявий ижара шартлари асосида олинган асосий воситаларни етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлар мазкур асосий воситанинг дастлабки қийматини оширади ва 241 000 «Асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётининг асосий воситаларга бошқа капитал қўйилмаларни акс эттирувчи тегишли субсчётларининг дебитида ҳамда 341 000 «Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблари бўйича кредитор қарзлари» счётининг тегишли счётларининг кредитига ёзилади. Молиявий ижара шартномаси асосида асосий воситаларнинг дастлабки қиймати бўйича 221 000 «Асосий воситалар» счётларининг тегишли субсчётлари дебетланганига ва 241 000 «Асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли субсчётларини кредитлаган ҳолда кирим қилинади.

172. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалардан фойдаланганлик учун ижарага берувчига тўланадиган жорий тўловларни ҳисоблаш жорий тўловлар миқдорини (тўланадиган фоизлар билан) 421 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари» субсчётининг дебетига, 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитига ёзиш орқали, ўз муддатида тўловлар амалга оширилганмаганлиги учун қўшимча тўланадиган фоиз ва пенсияларни ҳисоблаш эса ушбу миқдорни 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига, 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитига ёзиш орқали амалга оширилади.

173. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалардан фойдаланганлик учун ижарага берувчига тўланадиган жорий тўловлар (пеня ва фоизлар билан бирга) 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларининг кредитида акс этирилади.

174. Молиявий ижарага олинган асосий воситалар молиявий ижара шартномасининг муддати тугашига қадар ижарага берувчига қайтарилса, аввало ҳисобланган амортизация миқдори 231 000 «Асосий воситаларнинг амортизацияси» счётининг тегишли субсчётлари дебетланган ҳамда 980 000 «Бюджет ташкилотларининг жамғариб борилувчи молиявий натижалари» счётининг тегишли субсчётлари кредитланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

Ижарага берувчидан молиявий ижарага олинган асосий воситаларни қайтариш ҳисобига дебиторликни ҳосил қилиш учун 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчёти кредитланганда ижара тўловини қолдиқ миқдорига 421 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари» субсчёти ҳамда фарқ миқдорига 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчёти дебетлади. Бунда жорий ой учун ҳисобланган ҳамда асосий воситалар қайтариб берилгунига қадар тўлови амалга оширилмаган ижара тўловлари 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчётини дебетлаш ҳамда 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчёти кредитлаган ҳолда ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.

Молиявий ижарага олинган асосий воситаларни қайтариб беришдан ҳосил бўладиган қўшимча дебиторлик (томонлар келишувига асосан) 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг дебетига ҳамда 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчёти-

нинг кредитига, аксинча, зарар миқдори 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ва 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётининг кредитига ёзилади.

175. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматининг ошиши 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига, ҳисобланган эскириш суммасининг ошиши 231 000 «Асосий воситаларнинг амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига ва молиявий натижаларнинг ошиши 909 000 «Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш» субсчётнинг кредитига акс эттирилади.

176. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматининг камайиши 221 000 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига, ҳисобланган амортизация суммасининг камайиши 231 000 «Асосий воситаларнинг амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ва молиявий натижаларнинг камайиши эса 909 000 «Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш» субсчётининг дебетига акс эттирилади.

177. Барча турдаги асосий воситалар бўйича аналитик ҳисоб асосий воситаларнинг турлари ва алоҳида инвентар объектлари бўйича юритилади.

178. 216 000 «Бюджет ташкилотлари томонидан ходимларга берилган ссудалар» субсчётида бюджет ташкилоти томонидан белгиланган тартибда ходимларга берилган ссуда маблағлари ҳисоби юритилади.

179. 222 000 «Қийматликлар» субсчёти ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш мақсадларида фойдаланилмайдиган, вақт ўтиши билан қиймати сақланадиган активлар ҳисоби юритилади. Қийматликларга қуйидагилар киритилади:

ишлаб чиқариш жараёнида материал сифатида ишлатилмайдиган олтин ва бошқа қимматбаҳо тошлар;

санъат асарлари сифати тан олинган расмлар, ҳайкалтарошлик асарлари ва бошқалар;

қимматбаҳо тошлар ва металлардан, коллекциялардан ва бошқа қимматбаҳо буюмлардан тайёрланган заргарлик буюмлари.

180. Қийматликлар қуйидагилар натижасида бюджет ташкилоти балансига киритилади:

бюджет ташкилотининг ўзи томонидан яратилган қийматликларни қабул қилиш;

олди-сотди шартномаси бўйича қийматликларни сотиб олиш;

қийматликларнинг беғараз келиб тушиши;

ортиқча (ҳисобга олинмаган) қийматликларни аниқлаш;

конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларга кўра.

181. Сотиб олинган қийматликларнинг сотиб олиш нархи ҳисобда 242 100 «Қийматликларни харид (қабул) қилиш» субсчёти, етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлари эса 242 200 «Қийматликларга бошқа капитал қўйилмалар» субсчётининг дебетига (ушбу харажатлар мазкур қийматликларнинг дастлабки қийматини оширади) ва амалга оширилган операциянинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда 341 000 «Бюджет ташкилотларининг

турли ҳисоб-китоблари бўйича кредитор қарзлари» счётининг тегишли субсчётлари ҳамда бошқа счётларнинг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади. Қийматликларнинг дастлабки қиймати бўйича кирим қилиниши 222 000 «Қийматликлар» субсчётининг дебетига ва 242 000 «Қийматликларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади.

182. Юридик ва жисмоний шахслардан, шу жумладан бошқа бюджет ташкилотларидан беғараз олинган қийматликлар бухгалтерия ҳисобига кирим қилиш вақтида белгиланган тартибда аниқланган жорий бозор қиймати бўйича 242 100 «Қийматликларни харид (қабул) қилиш» субсчётининг дебетига ва 902 100 «Беғараз (бепул) олинган ёки берилган асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активлар» субсчётининг кредитига ёзилади. Ушбу қийматликлар бўйича етказиб бериш ёки бошқа харажатлар амалга оширилганда, ушбу харажатлар мазкур қийматликларнинг дастлабки қийматини оширади ва ҳисобда 242 200 «Қийматликларга бошқа капитал қўйилмалар» субсчётининг дебетига ва амалга оширилган операциянинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда 341 000 «Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблари бўйича кредитор қарзлари» счётининг тегишли счётларининг ҳамда бошқа счётларнинг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади. Асосий воситанинг дастлабки қиймати бўйича кирим қилиниши 222 000 «Қийматликлар» субсчётининг дебетига ва 242 000 «Қийматликларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади.

183. Бюджет ташкилотларининг ўзи томонидан яратилган (ишлаб чиқилган) қийматликларнинг бошланғич қиймати ушбу қийматликларни ишлаб чиқаришга сарфланган ҳақиқий харажатлар суммаси сифатида аниқланади. Амалга оширилган харажатлар ҳисобда 242 200 «Қийматликларга бошқа капитал қўйилмалар» субсчётининг дебетига ва амалга оширилган операциянинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда тегишли субсчётларнинг кредитига ёзилади. Қийматликларнинг дастлабки қиймати бўйича кирим қилиниши 222 000 «Қийматликлар» субсчётининг дебетига ва 242 200 «Қийматликларга бошқа капитал қўйилмалар» субсчётининг кредитига ёзилади.

184. Қийматликларнинг яроқсиз ҳолатга келиши ҳамда бошқа ҳолларда қийматликларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати ҳисобдан чиқарилиши 222 000 «Қийматликлар» субсчётининг кредитига, дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши қийматликларнинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ёзилади.

Ушбу қийматликларнинг кейинчалик фойдаланишга яроқли бўлган тегишли қисми товар-моддий захираларга кирим қилиниши товар-моддий захираларнинг ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебетига ва товар-моддий захиралар суммасини мазкур қийматликларнинг қолдиқ қиймати доирасида 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётларининг тегишли субсчётларининг кредитига (уни кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда), қолдиқ қийматидан ошган сумма 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун

хужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

185. Бюджет ташкилотларида қийматликларнинг сотилиши ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

1) чет элда жойлашган бюджет ташкилотларидан ташқари:

дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 222 000 «Қийматликлар» субсчётининг кредитида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг дебетида акс эттирилади;

қийматликларнинг сотиш қиймати 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг кредитида, бир вақтнинг ўзида тегишли бюджет даромадига ҳисобланган сумма 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг дебетида ва 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади;

пул маблағларининг келиб тушиши 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида ва 102 414 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчётининг дебетида, бюджетга ҳисобланган суммаларнинг ўтказиб берилиши 102 414 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчётининг кредитида ва 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебетида акс эттирилади;

қийматликларнинг сотилишидан тушган тушумлар ҳисобидан бюджет ташкилоти ихтиёрида қолдириладиган маблағлар 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг дебетида ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» субсчётларининг кредитида акс эттирилади.

2) чет элда жойлашган бюджет ташкилотларининг қийматликлари:

дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 222 000 «Қийматликлар» субсчётининг кредитида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг дебетида акс эттирилади;

қийматликларнинг сотиш қиймати 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг кредитида акс эттирилади;

пул маблағларининг келиб тушиши 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида ва 107 000 «Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисоб-рақамлардаги хорижий валютадаги пул маблағлари» субсчётининг дебетида акс эттирилади;

қийматликларнинг сотилишидан тушган тушумлар ҳисобидан бюджет ташкилоти ихтиёрида қолдириладиган маблағлар 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг дебетида ва 520 310 «Бюджет ташки-

лотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» субсчётларининг кредитида акс эттирилади.

186. Бюджет ташкилотлари томонидан қийматликлар беғараз берилганда унинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 222 000 «Қийматликлар» субсчётининг кредитида, қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 902 100 «Беғараз (бепул) олинган ёки берилган қийматликлар ва номоддий активлар» субсчётларнинг дебетида акс эттирилади.

187. Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган қийматликлар, ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш қийматликларнинг бозор қиймати бўйича уларнинг ҳақиқий аҳволини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади (ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аниқланади), белгиланган тартибда бюджет ташкилоти ҳисобига қабул қилинади ҳамда бухгалтерия ҳисобида 222 000 «Қийматликлар» субсчётининг дебетида ва 903 000 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан молмулклар» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

188. Инвентаризация натижасида аниқланган камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан қийматликларни ҳисобдан чиқарилишидан кўрилган зарар бюджет ташкилоти ҳисобига олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида унинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 222 000 «Қийматликлар» субсчётининг кредитида, қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларнинг дебетида акс эттирилади.

189. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ва агарда қийматликлар бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинган бўлса ёки харид қилинган манбасини аниқлашнинг имкони бўлмаса, айбдор шахсдан ундириладиган сумма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли бюджет даромадига ўтказиб берилади ва бухгалтерия ҳисобида кўйидагича акс эттирилади:

кам чиққан қийматликларнинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 222 000 «Қийматликлар» субсчётининг кредитида, қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларнинг дебетида акс эттирилади;

айбдор шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитида;

айбдор шахс томонидан бюджет ташкилотга камомад суммасининг тўланиши 102 404 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга ўтказилиши лозим бўлган (ўтган йилнинг дебитор қарздорлигини, камомадларни, текширув натижасига кўра аниқланган ўзлаштиришларни) маблағлари» субсчёти ёки

бюджет ташкилотининг кассасига нақд пулда тўланиши 109 100 «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» субсчётининг дебетиди ва 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг кредитиди;

нақд пулда тўланган камомад суммасининг ҳисобвараққа кириш килиниши 102 404 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга ўтказилиши лозим бўлган (ўтган йилнинг дебитор қарздорлигини, камомадларни, текширув натижасига кўра аниқланган ўзлаштиришларни) маблағлари» субсчётининг дебетиди ва 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар» субсчётининг кредитиди;

маблағларнинг бюджет даромадига ўтказиб берилиши 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебетиди ва 102 404 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга ўтказилиши лозим бўлган (ўтган йилнинг дебитор қарздорлигини, камомадларни, текширув натижасига кўра аниқланган ўзлаштиришларни) маблағлари» субсчётининг кредитиди акс эттирилади.

190. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолда (агарда қийматликлар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган бўлса), айбдор шахсдан ундириладиган сумма ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварағига кириш қилинади ва бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

кам чиққан қийматликларнинг дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 222 000 «Қийматликлар» субсчётининг кредитиди, қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг дебетиди акс эттирилади. Агарда, мазкур қийматликларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати ва моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган сумма ўртасида фарқ мавжуд бўлса, ушбу фарқ сумма 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг дебетиди (ёки кредитиди) ва 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчётининг кредитиди (ёки асосий воситанинг кириш қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетиди;

айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг ёки бюджет ташкилотининг кассасига нақд пулда тўланиши 109 100 «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» дебетиди ва 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг кредитиди;

нақд пулда тўланган камомад суммасининг ҳисобвараққа кириш қилиниши тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебетиди ва 111 900 «Йўлдаги бошқа маблағлар» субсчётининг кредитиди.

191. Агарда қийматликлар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига сотиб олинган бўлса, айбдор шахсдан ундириладиган сумма қийматликларнинг қийматидаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг улушига мос равишда тақсимланиб, маблағнинг тегишли қисми бюджет

даромадига ўтказиб берилади, қолган қисми бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобварағига кирим қилинади.

Ушбу маблағлар тўлиғича бюджет ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

192. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган қийматликлар 222 000 «Қийматликлар» субсчётида ҳисоби юритилади ва ҳисоботларда акс эттирилади.

193. Бюджет ташкилотига молиявий ижара шартлари асосида келиб тушган қийматликлар жами тўловларни тўловларининг дисконтланган қийматида 242 100 «Қийматликларни харид (қабул) қилиш» субсчётининг дебети ва 421 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича узок муддатли кредитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади. Молиявий ижара шартлари асосида олинган қийматликларни етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлар мазкур асосий воситанинг дастлабки қийматини оширади ва 242 200 «Қийматликларга бошқа капитал қўйилмалар» субсчётининг дебетида ҳамда 341 000 «Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблари бўйича кредитор қарзлари» счётининг тегишли счётларининг кредитига ёзилади. Молиявий ижара шартномаси асосида қийматликларнинг дастлабки қиймати бўйича 222 000 «Қийматликлар» субсчёти дебетланган ва 242 000 «Қийматликларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли субсчётларини кредитлаган ҳолда кирим қилинади.

194. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган қийматликлардан фойдаланганлик учун ижарага берувчига тўланадиган жорий тўловларни ҳисоблаш жорий тўловлар миқдорини (тўланадиган фоизлар билан) 421 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича узок муддатли кредитор қарзлари» субсчётининг дебетида, 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитига ёзиш орқали, ўз муддатида тўловлар амалга оширилганмаганлиги учун қўшимча тўланадиган фоиз ва пеняларни ҳисоблаш эса ушбу миқдорни 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида, 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитига ёзиш орқали амалга оширилади.

195. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган қийматликлардан фойдаланганлик учун ижарага берувчига тўланадиган жорий тўловлар (пеня ва фоизлар билан бирга) 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида акс эттирилади.

196. Молиявий ижарага олинган қийматликлар молиявий ижара шартномасининг муддати тугашига қадар ижарага берувчига қайтарилса, аввало ижарага берувчидан молиявий ижарага олинган қийматликларни қайтариш ҳисобига дебиторликни ҳосил қилиш учун 222 000 «Қийматликлар» субсчё-

ти кредитланади, ижара тўловини қолдиқ миқдорига 421 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича узок муддатли кредитор қарзлари» субсчёти ҳамда фарқ миқдорига 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчёти дебетлади. Бунда жорий ой учун ҳисобланган ҳамда қийматликларнинг қайтариб берилгунига қадар тўлови амалга оширилмаган ижара тўловлари 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчётини дебетлаш ҳамда 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчёти кредитланган ҳолда ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.

Молиявий ижарага олинган қийматликларни қайтариб беришдан ҳосил бўладиган қўшимча дебиторлик (томонлар келишувига асосан) 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг дебетига ҳамда 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчётининг кредитига, зарар миқдори 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ва 222 000 «Қийматликлар» субсчётининг кредитига ёзилади.

197. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматининг ошиши 222 000 «Қийматликлар» субсчётининг дебетига ва молиявий натижаларнинг ошиши эса 909 000 «Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш» субсчётнинг кредитига акс эттирилади.

198. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматининг камайиши 222 000 «Қийматликлар» субсчётининг кредитига ва молиявий натижаларнинг камайиши эса 909 000 «Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш» субсчётининг дебетига акс эттирилади.

199. Барча турдаги қийматликлар бўйича аналитик ҳисоб қийматликларнинг турлари ва алоҳида инвентар объектлари бўйича юритилади.

200. 223 000 «Ноишлаб чиқариш активлари» счётининг тегишли субсчётлари бюджет ташкилотларининг зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолиятларини амалга ошириши, шунингдек ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиш мақсадида узок муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари бўлган номоддий активларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар умумлаштирилади. Ушбу счётнинг тегишли субсчётлари ишлаб чиқарилмайдиган мол-мулклар, моддий, табиий ресурслар ҳисобини юритади ва эгалик ҳуқуқи мавжуд бўлган табиий ресурслар ва номоддий ноишлаб чиқариш активларига бўлинади. Табиий ресурслар ўз навбатида ер, минерал ва энергия ресурслари ҳамда бошқа табиий ресурсларга бўлинади.

201. 223 000 «Ноишлаб чиқариш активлари» счёти ўз навбатида субсчётларга бўлинган ҳолда ҳисоби юритилади.

202. 223 100 «Ер» субсчёти ердан, шу жумладан тупроқ қопламаси ва ер ости сувлари, мулк ҳуқуқи бўйича эгалик қилиш ёки улардан фойдала-

ниш орқали иқтисодий даромад олиш имконияти мавжуд бўлган ер активлари ҳисобини юритади.

203. 223 200 «Минерал ва энергия ресурслари» субсчёти мавжуд бўлган технология ва нархларни ҳисобга олган ҳолда ер юзасидаги ёки ундан пастда жойлашган фойдали қазилмали минерал ёки энергия захираларининг ҳисобини юритади.

204. 223 300 «Бошқа турдаги табиий активлар» счёти юқорида назарда тутилмаган табиий активлар ҳисобини юритади.

205. 223 310 «Номахсулдор биологик активлар» субсчёти ҳайвонлар, қушлар, балиқлар ва ўсимликларнинг ҳисобини юритади.

206. 223 320 «Сув ресурслари» субсчёти табиий ер ости ва ер усти сув ресурслари ҳисобини юритади.

223 330 «Бошқа турдаги табиий ресурслар» счёти товуш, маълумот ва телевизион узатишда ишлатиладиган, узоқ муддатли фойдаланиш ҳуқуқи берилган радиочастоталар ҳамда юқоридаги туркумларга кирмаган бошқа табиий ресурсларнинг ҳисобини юритади.

207. 223 400 «Номоддий ноишлаб чиқариш активлари» счёти муайян фаолият билан шуғулланиш, муайян махсус товарлар ёки хизматлар ишлаб чиқаришга ҳамда бошқа бирликларга фойдаланиш, эгалик ҳуқуқи учун амалга оширилган харажатлар ҳисобини юритади.

208. 223 410 «Шартнома, лизинг ва лицензиялар»нинг счёти тегишли субсчётларга бўлинган ҳолда ҳисоби юритилади.

209. 223 411 «Тижорат оператив лизинги» ва 223 412 «Табиий ресурслардан фойдаланишга рухсатнома» субсчёти лизинг ёки табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича учинчи шахс ҳуқуқи бўйича активлар ҳаракатининг ҳисобини юритади.

210. 223 413 «Маълум турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома» субсчётида маълум турдаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи бўйича активлар ҳаракати ҳисобга олинади.

211. 223 414 «Келгуси товар ва хизматларга имтиёзли эгалик қилишга рухсатномалар» субсчётининг келгусида товар ва хизматларга имтиёзли эгалик қилиш учун амалга оширилган харажатлар ҳисоби юритилади.

212. Ноишлаб чиқариш активларини бухгалтерия ҳисобига номоддий активлар сифатида қабул қилиш ва уларга нисбатан қўйиладиган талаблар конун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

213. Ноишлаб чиқариш активлари қўйидагилар натижасида бюджет ташкилоти балансига киритилади:

ўзида яратилган ноишлаб чиқариш активларини қабул қилиш;
олди-сотди шартномаси бўйича ноишлаб чиқариш активларини сотиб олиш;

ноишлаб чиқариш активларининг беғараз келиб тушиши;
ортиқча (ҳисобга олинмаган) ноишлаб чиқариш активларини аниқлаш;
конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларга кўра.

214. Сотиб олинган, шунингдек бюджет ташкилотининг ўзида яратилган ноишлаб чиқариш активларнинг дастлабки қийматига уларнинг сотиб

олиш нархи (таннархи) ва уларга қилинган барча харажатларининг тўлиқ суммасида, жумладан мазкур ноишлаб чиқариш активларни етказиб бериш ва бошқа шу билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда киритилади.

Сотиб олинган ноишлаб чиқариш активларининг бошланғич қиймати қўйидаги харажатлардан ташкил топади:

ҳуқуқдан воз кечиш (сотиб олиш) шартномасига мувофиқ ҳуқуқ эгаси (сотувчи)га тўланган суммалар;

ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқидан воз кечиши (сотиб олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари, патент божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

божхона божлари ва йиғимлари;

ноишлаб чиқариш активларини сотиб олиш муносабати билан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари (агар улар қопланмаса);

ноишлаб чиқариш активларини сотиб олиш билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

воситачиларга тўланадиган ҳақлар;

ноишлаб чиқариш активларини етказиб бериш таваккалчилигини суғурталаш бўйича харажатлар;

активдан мақсадга кўра фойдаланиш учун уни яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Сотиб олинган ноишлаб чиқариш активларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар, сотиб олиш бўйича контрактларни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар ноишлаб чиқариш активларининг бошланғич қийматига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида ҳақиқий харажатлар сифатида ҳисоботларда акс этирилади.

Ташкилотнинг ўзи томонидан яратилган (ишлаб чиқилган) ноишлаб чиқариш активларининг бошланғич қиймати ушбу ноишлаб чиқариш активларини ишлаб чиқаришга сарфланган ҳақиқий харажатлар суммаси сифатида аниқланади.

215. Ноишлаб чиқариш активлари чет эл валютаси ҳисобига сотиб олинишида сотиб олинаётган ноишлаб чиқариш активларининг қиймати операция содир этилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича чет эл валютасини сўмга ҳисоблаб ўтказиш йўли билан аниқланади.

216. Сотиб олинган ноишлаб чиқариш активларининг қиймати (сотиб олиш нархи, шунингдек етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлар) ҳисобда 243 000 «Ноишлаб чиқариш активларига капитал қўйилмалар» счётининг тегишли субсчётининг дебетига ва 341 000 «Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблари бўйича кредитор қарзлари» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига ёзилади. Ноишлаб чиқариш активларининг дастлабки қиймати бўйича кирим қилиниши 223 000 «Ноишлаб чиқариш активлари» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ва 243 000 «Ноишлаб чиқариш активларига капитал қўйилмалар» счётининг тегишли субсчётининг кредитига ёзилади.

217. Юридик ва жисмоний шахслардан беғараз олинган ноишлаб чиқариш активлари ҳисобда мазкур активнинг бухгалтерия ҳисобига кирим қилиш вақтида белгиланган тартибда аниқланган жорий бозор қиймати бўйича 243 000 «Ноишлаб чиқариш активларига капитал қўйилмалар» субсчётининг дебетига ва 902 100 «Беғараз (бепул) олинган ёки берилган асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активлар» субсчётининг кредитига ёзилади. Ноишлаб чиқариш активлари бўйича етказиб бериш ва ишчи ҳолатга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлар амалга оширилганда, ушбу харажатлар мазкур ноишлаб чиқариш активларининг қийматини оширади ва ҳисобда 243 000 «Ноишлаб чиқариш активларига капитал қўйилмалар» счётининг тегишли субсчётининг дебетига ва 341 000 «Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблари бўйича кредитор қарзлари» счётининг тегишли субсчётлари ёки бошқа тегишли счётларнинг субсчётлари кредитига ёзилади. Ноишлаб чиқариш активларининг қиймати бўйича кирим қилиниши 223 000 «Ноишлаб чиқариш активлари» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ва 243 000 «Ноишлаб чиқариш активларига капитал қўйилмалар» счётининг тегишли субсчётининг кредитига ёзилади.

218. Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган ноишлаб чиқариш активлари, ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш ноишлаб чиқариш активларининг бозор қиймати бўйича уларнинг ҳақиқий аҳволини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади (ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аниқланади), белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари ҳисобига қабул қилинади ҳамда бухгалтерия ҳисобда 223 000 «Ноишлаб чиқариш активлари» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ва 903 000 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар» субсчётининг кредитига акс эттирилади.

219. Ноишлаб чиқариш активлари фойдаланишга яроқсиз ҳолга келгунига қадар ҳисобда акс эттирилади. Фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган номоддий активлар белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Ноишлаб чиқариш активлари қуйидагилар натижасида ташкилот балансидан ҳисобдан чиқарилади:

- тугатиш;
- сотиш;
- беғараз бериш;
- камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар.

220. Яроқсиз ҳолатга келиши муносабати билан ноишлаб чиқариш активларининг қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 223 000 «Ноишлаб чиқариш активлари» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига ва ноишлаб чиқариш активларининг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда, ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ёзилади.

221. Бюджет ташкилотлар томонидан ноишлаб чиқариш активларининг беғараз берилиши ҳисобда 223 000 «Ноишлаб чиқариш активлари» счётининг тегишли субсчётларининг кредитига ва 902 100 «Беғараз (бепул) олин-

ган ёки берилган асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активлар» субсчётининг дебетида, ҳисобланган амортизация суммасининг ҳисобдан чиқарилиши 233 000 «Ноишлаб чиқариш активлари амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида акс эттирилади.

Номоддий активларни ҳисобдан чиқаришда асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришда тўлдириладиган ҳужжат шаклларида фойдаланилади.

222. Бюджет ташкилотларида ноишлаб чиқариш активларининг сотилиши ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

1) чет элда жойлашган бюджет ташкилотларидан ташқари:

дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 223 000 «Ноишлаб чиқариш активлари» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг дебетида, ҳисобланган амортизация суммасининг ҳисобдан чиқарилиши 233 000 «Ноишлаб чиқариш активлари амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг кредитида акс эттирилади;

ноишлаб чиқариш активларининг сотиш қиймати 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг кредитида, бир вақтнинг ўзида тегишли бюджет даромадига ўтказилиши назарда тутилган қисми бўйича ҳисобланган сумма 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг дебетида ва 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади;

пул маблағларининг келиб тушиши 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида ва 102 414 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчётининг дебетида, бюджетга ўтказилиши назарда тутилган қисми бўйича ҳисобланган суммаларнинг ўтказиб берилиши 102 414 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчётининг кредитида ва 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебетида акс эттирилади;

ноишлаб чиқариш активларининг сотилишидан тушган тушумлар ҳисобдан бюджет ташкилоти ихтиёрида қолдириладиган маблағлар 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг дебетида ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» субсчётларининг кредитида акс эттирилади.

2) чет элда жойлашган ташкилотларнинг ноишлаб чиқариш активлари:

дастлабки (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 223 000 «Ноишлаб чиқариш активлари» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг дебетида, ҳисобланган амортизация суммасининг ҳисобдан чиқарилиши 233 000 «Ноишлаб чиқариш активлари амортизацияси» счётининг тегишли субсчётла-

рининг дебетида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг кредитида акс этирилади;

ноишлаб чиқариш активларининг сотиш қиймати 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг кредитида акс этирилади;

пул маблағларининг келиб тушиши 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида ва 107 000 «Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисоб-рақамлардаги хорижий валютадаги пул маблағлари» субсчётининг дебетида акс этирилади;

ноишлаб чиқариш активларининг сотилишидан тушган тушумлар ҳисобидан бюджет ташкилоти ихтиёрида қолдириладиган маблағлар 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг дебетида ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» субсчётларининг кредитида акс этирилади.

223. Ноишлаб чиқариш активларининг инвентаризацияси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

224. Инвентаризация натижасида аниқланган камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан ноишлаб чиқариш активларининг ҳисобдан чиқарилишидан кўрилган зарар бюджет ташкилоти ҳисобига олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида ноишлаб чиқариш активларининг қиймати ҳисобдан чиқарилиши 223 000 «Ноишлаб чиқариш активлари» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларнинг дебетида, ҳисобланган амортизация суммасининг ҳисобдан чиқарилиши 233 000 «Ноишлаб чиқариш активлари амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида акс этирилади.

225. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ва агарда ноишлаб чиқариш активлари бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинган бўлса ёки харид қилинган манбасини аниқлашнинг имкони бўлмаса, айбдор шахсдан ундириладиган сумма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли бюджет даромадига ўтказиб берилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

кам чиққан ноишлаб чиқариш активларининг қиймати ҳисобдан чиқарилиши 223 000 «Ноишлаб чиқариш активлари» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларнинг дебетида, ҳисобланган амортизация суммасининг ҳисобдан чиқари-

лиши 233 000 «Ноишлаб чиқариш активлари амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида акс эттирилади;

айбдор шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитида;

айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебетида ва 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида;

маблағларнинг бюджет даромадига ўтказиб берилиши 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг кредитида акс эттирилади.

226. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолда (агарда ноишлаб чиқариш активлари бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган бўлса), айбдор шахсдан ундириладиган сумма ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобварағига кирим қилинади ва бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

кам чиққан ноишлаб чиқариш активларининг қиймати ҳисобдан чиқарилиши 223 000 «Ноишлаб чиқариш активлари» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида ва 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида, ҳисобланган амортизация суммасининг ҳисобдан чиқарилиши 233 000 «Ноишлаб чиқариш активлари амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида акс эттирилади. Ноишлаб чиқариш активларининг қиймати ва моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган сумма ўртасида фарқ мавжуд бўлганда, ушбу фарқ сумма 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» (ёки кредитида) ва 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчётининг кредитида (ёки ноишлаб чиқариш активларининг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида) акс эттирилади;

айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебетида ва 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

227. Ноишлаб чиқариш активлари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига сотиб олинган бўлганда, айбдор шахсдан ундириладиган сумма ноишлаб чиқариш активлари қийматидаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг улушига мос равишда тақсимланиб, маблағнинг тегишли қисми бюджет даромадига ўтказиб берилади, қолган қисми ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварағига кирим қилинади ва тўлиғича моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

228. Аниқланган камомад ўрнига моддий жавобгар шахснинг ташкилот ихтиёрига берган ноишлаб чиқариш активлари камомад чиққан тегишли ноишлаб чиқариш активлари қийматига тенг ёки кам бўлганда, ушбу ноишлаб чиқариш активлари белгиланган тартибда бозор қийматида кирим қилинади, етишмайдиган қисми моддий жавобгар шахс томонидан пул маблағларини киритиш билан қопланади ва бухгалтерия ҳисобида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акс этирилади.

229. Тегишли ноишлаб чиқариш активлари бўйича қонун ҳужжатлари талабларига асосан амортизация ҳисоблаб борилади. Ҳисобланган амортизация суммасига ноишлаб чиқариш активларининг кирим қилиш манбасидан ҳамда операциянинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларнинг дебети бўйича ва 233 000 «Ноишлаб чиқариш активлари амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг кредити бўйича алоҳида мемориал ордерларда тузилади.

230. Қайта баҳолаш натижасида ноишлаб чиқариш активларининг қиймати ошиши 223 000 «Ноишлаб чиқариш активлари» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида, ҳисобланган амортизация суммасининг ошиши 233 000 «Ноишлаб чиқариш активлари амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида ва молиявий натижаларнинг ошиши 909 000 «Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш» субсчётининг кредитида акс этирилади.

Қайта баҳолаш натижасида эса ноишлаб чиқариш активларининг қиймати камайиши 223 000 «Ноишлаб чиқариш активлари» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида, ҳисобланган амортизация суммасининг камайиши 233 000 «Ноишлаб чиқариш активлари амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида ва молиявий натижаларнинг камайиши эса 909 000 «Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш» субсчётининг дебетида акс этирилади.

231. Ноишлаб чиқариш активларининг амортизацияси қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

232. Бошқа бюджет ташкилотларидан беғараз олинган ва аввал фойдаланишда бўлган ноишлаб чиқариш активлари кирим қилинганда, қабул қилиб олувчи томон бухгалтерия ҳисобида уларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан амортизациясини айирмаган ҳолда 223 000 «Ноишлаб чиқариш активлари» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида ва уларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан амортизациясини айирган ҳолда 902 100 «Беғараз (бепул) олинган ёки берилган асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активлар» субсчётининг кредити ҳамда берувчи ташкилотларнинг ҳужжатларига мувофиқ мазкур ноишлаб чиқариш активларининг амортизацияси суммасига 233 000 «Ноишлаб чиқариш активлари амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг кредити бўйича акс этирилади.

233. 230 000 «Нолиявий активлар амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларида ташкилот ҳисобида (балансида) турган асосий воситалар,

қийматликлар ва ноишлаб чиқариш активларининг эскириб бориши акс эттирилади.

234. Бюджет ташкилотларининг номолиявий активлари амортизациясининг ҳисоби амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ йиллик амортизация меъёрларидан келиб чиққан ҳолда юритилади.

235. 230 000 «Номолиявий активлар амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг кредит томонида асосий воситаларга амортизация ҳисобланиши, дебет томонида ҳисобланган амортизация суммасининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Ҳар ойда ҳисобланган амортизация суммасига асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан ҳамда операциянинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларнинг дебети бўйича ва 230 000 «Номолиявий активлар амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг кредити бўйича алоҳида мемориал ордерларда тузилади.

236. 240 000 «Номолиявий активлар капитал қўйилмалар» счётининг тегишли субсчётларида номолиявий активларни харид ёки қабул қилиш, уларни ишга тушириш, етказиб бериш ва шу билан боғлиқ бошқа харажатлар, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар ҳамда ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар ҳисобга олинади. Номолиявий активларнинг дастлабки қиймати бўйича (сотиб олиш, қабул қилиш ва бошқа қўшимча харажатларни ҳисобга олган ҳолда) кирим қилиниши 220 000 «Номолиявий активлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида ва 240 000 «Номолиявий активлар капитал қўйилмалар» счётининг тегишли субсчётининг кредитида акс эттирилади.

237. 240 000 «Номолиявий активлар капитал қўйилмалар» счётининг тегишли қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни акс эттирувчи субсчётларида (қурилиш пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширилишидан қатъи назар) капитал қурилиш сметалари, смета-лойиҳа ҳисоб-китобларида ва титул рўйхатларида келтирилган бино ва иншоотларни барпо этиш, ускуналар, асбоблар, инвентарлар ва бошқа жиҳозларни сотиб олиш бўйича харажатлар ҳисобга олинади.

Қурилиш хўжалик усулида олиб борилаётган бўлганда, қилинган харажат суммаларига 240 000 «Номолиявий активлар капитал қўйилмалар» счётининг тегишли қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни акс эттирувчи субсчётлари дебетланади ва пул маблағлари, ҳисоб-китоблар, қурилиш материаллари ва ўрнатиладиган жиҳозлар, маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг тегишли субсчётлари кредитланади.

Қурилиш пудрат усулида олиб борилаётган бўлганда, пудратчилар томонидан қурилиш ишлари бажарилгандан сўнг тўлов учун тақдим қилинган ҳисобварақлар (счётлар) суммасига 240 000 «Номолиявий активлар капитал қўйилмалар» счётининг тегишли қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни акс эттирувчи субсчётлари дебетланади ва 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчёти кредитланади.

Битказилган ва фойдаланишга топширилган қурилиш объектлари далолатномалар асосида 221 100 «Бино ва иншоотлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ва 240 000 «Номолиявий активлар капитал қўйилмалар» счётининг тегишли қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни акс эттирувчи субсчётларининг кредитига ёзилади.

Битказилмаган ҳамда битказилиб, лекин фойдаланишга топширилмаган (тегишли қабул қилиш далолатномалари билан расмийлаштирилмаган) қурилиш объектлари ва реконструкциялар бўйича харажатлар 240 000 «Номолиявий активлар капитал қўйилмалар» счётининг тегишли қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни акс эттирувчи субсчётлари бўйича кейинги йил балансига ўтказилади.

Тугалланмаган қурилиш объектларининг сотилиши (чет элда жойлашганларидан ташқари) 240 000 «Номолиявий активлар капитал қўйилмалар» счётининг тегишли қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни акс эттирувчи субсчётларининг кредитида ва ушбу объектнинг қурилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда, ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётларнинг дебетига акс эттирилади.

238. Қайта баҳолаш натижасида тугалланмаган қурилишлар қийматининг ошиши 240 000 «Номолиявий активлар капитал қўйилмалар» счётининг тегишли қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни акс эттирувчи субсчётларининг дебетига ва 909 000 «Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш» субсчётининг кредитида акс эттирилади. Қайта баҳолаш натижасида тугалланмаган қурилишлар қийматининг камайиши 240 000 «Номолиявий активлар капитал қўйилмалар» счётининг тегишли қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни акс эттирувчи субсчётларининг кредитида ва 909 000 «Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш» субсчётининг дебетига акс эттирилади.

239. Хўжалик усулида амалга ошириладиган қурилишга 240 000 «Номолиявий активлар капитал қўйилмалар» счётининг тегишли қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни акс эттирувчи субсчётлари бўйича қилинган харажатларнинг аналитик ҳисоби харажат элементларига (иш ҳақиға, материалларга, бошқа бевосита сарфлар ва устама харажатларга) бўлинган ҳолда ҳар бир объект бўйича алоҳида юритилади.

Пудрат усулида амалга ошириладиган қурилишга қилинадиган харажатларнинг ҳисоби фақат объектлар бўйича (элементларга бўлинмаган ҳолда) юритилади.

240 000 «Номолиявий активлар капитал қўйилмалар» счётининг тегишли қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни акс эттирувчи субсчётлари бўйича аналитик ҳисоб қурилиш ишлари хўжалик ёки пудрат усулида олиб борилишидан қатъи назар, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфи бўйича алоҳида ҳолда олиб борилади.

240. 241 223 «Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар» субсчётида қуриладиган (таъмирланадиган) объектларда ўрнатиш учун мўлжалланган ва монтажни талаб қилувчи технологик, энергетик ва ишлаб чиқариш

асбоб-ускуналар (шунингдек, лаборатория, тажриба мосламалари ва устахоналар учун мўлжалланган асбоб ускуналар) ҳисобга олинади.

241. Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ташкилотга ушбу қийматликларни етказиб бериш ва тайёрлаш харажатлари ҳамда харид қилиш (тайёрлаш) баҳолари қийматидан ташкил топадиган ҳақиқий харид қилиш таннари бўйича ҳисобга олинади.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг сотиб олиниши ҳисобда 241 223 «Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар» субсчётининг дебетида ва 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади. Беғараз олинган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар 241 223 «Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар» субсчётининг дебетида ва 902 100 «Беғараз (бепул) олинган ёки берилган асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активлар» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

242. Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг инвентаризацияси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг кирим қилиниши 241 223 «Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар» субсчётининг дебетида ва 903 000 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг ҳисобдан чиқарилишидан кўрилган зарар ташкилот ҳисобига олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг қиймати ҳисобдан чиқарилиши 241 223 «Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар» субсчётининг кредити ва ушбу ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг сотиб олиниш манбасидан келиб чиққан ҳолда, ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида акс эттирилади.

243. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ва агарда ўрнатиладиган асбоб-ускуналар бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинган бўлса ёки харид қилинган манбасини аниқлашнинг имкони бўлмаса, айбдор шахсдан ундириладиган сумма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли бюджет даромадига ўтказиб берилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг қиймати ҳисобдан чиқарилиши 241 223 «Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар» субсчётининг кредитида ва ушбу ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг сотиб олиниш манбасидан келиб чиққан ҳолда, ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида;

айбдор шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарз-

лари» субсчётининг дебетида ва 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитида;

айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебетида ва 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида;

маблағларнинг бюджет даромадига ўтказиб берилиши 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг кредитида акс эттирилади.

244. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолда (агарда ўрнатиладиган асбоб-ускуналар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган бўлса), айбдор шахсдан ундириладиган сумма ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварағига кирим қилинади ва бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг қиймати ҳисобдан чиқарилиши 241 223 «Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар» субсчётининг кредитида ва 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида акс эттирилади. Агарда, мазкур ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг қиймати ва моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган сумма ўртасида фарқ мавжуд бўлса, ушбу фарқ сумма 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида (ёки кредитида) ва 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчётининг кредитида ёки ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг сотиб олиниш манбасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида акс эттирилади;

айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебетида ва 153 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

245. Агарда ўрнатиладиган асбоб-ускуналар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига сотиб олинган бўлса, айбдор шахсдан ундириладиган сумма ўрнатиладиган асбоб-ускуналар қийматидаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг улушига мос равишда тақсимланиб, маблағнинг тегишли қисми бюджет даромадига ўтказиб берилади, қолган қисми ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварағига кирим қилинади ва тўлиғича ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

246. Агарда аниқланган камомад ўрнига моддий жавобгар шахснинг ташкилот ихтиёрига берган ўрнатиладиган асбоб-ускуналарининг қиймати камомад чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналар қийматига тенг ёки кам бўлса, ушбу ўрнатиладиган асбоб-ускуналар белгиланган тартибда бозор қийматида кирим қилинади, етишмайдиган қисми моддий жавобгар шахс

томонидан пул маблағларини киритиш билан қопланади ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

247. Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни қайта баҳолаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

248. Қайта баҳолаш натижасида ўрнатиладиган асбоб-ускуналар қийматининг ошиши 241 223 «Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар» субсчётининг дебитида ва молиявий натижаларнинг ошиши 909 000 «Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

Қайта баҳолаш натижасида ўрнатиладиган асбоб-ускуналар қийматининг камайиши 241 223 «Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар» субсчётининг кредитида ва молиявий натижаларнинг камайиши 909 000 «Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш» субсчётининг дебитида акс эттирилади.

3-боб. Жорий мажбуриятлар

1-§. Кредитор қарзлар

249. 340 000 «Бюджет ташкилотларининг кредитор қарзлари» счёти тегишли субсчётларга бўлинган ҳолда ҳисоби юритилади.

250. 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчёти маҳсулот етказиб берувчилар билан етказиб берилган моддий ва номоддий қимматликлар, шунингдек капитал қўйилмалар ҳисобига харид қилинадиган қурилиш материаллари, конструкциялар ва деталлар, ўрнатиш учун жиҳозлар, етказиб берилган бошқа товар-моддий қимматликлар қиймати ва шу кабилар, пудратчилар билан уларга қурилиш ва монтаж учун берилган конструкциялар ва деталлар, бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун бюджет ташкилотларининг кредитор қарзлари ҳисоби олиб борилади.

Маҳсулот етказиб берувчилардан оморга келиб тушган моддий қимматликлар суммасига моддий қимматликларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар дебетланади, бунда 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчёти кредитланади.

151 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётидаги дебиторликларни ҳисобдан чиқаришда ушбу субсчётдаги маблағлар кредитланади, 341 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчёти эса дебетланади.

Бунда 151 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчёти дебетланган ҳамда 161 600 «Қурилиш материаллари» субсчёти ва бошқа тегишли субсчётлар кредитланган ҳолда пудратчига қурилиш-монтаж ишла-

ри учун берилган конструкция ва деталлар, қурилиш материалларининг суммалари ҳисобга олинади лозим.

Пудратчилар билан якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида 341 100 «Бюджет ташкилотларининг махсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебети бажарилган қурилиш-монтаж ва бошқа ишлар учун ўтказиладиган суммалар ёзилади. Бунда, 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчёти кредитланади.

Пудратчиларнинг бажарган қурилиш-монтаж ишлари суммасига ёзувлар тегишли 241 100 «Бино ва иншоотларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни акс эттирувчи субсчётларининг дебети ва 341 100 «Бюджет ташкилотларининг махсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредити бўйича ёзилади.

251. 341 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредитор қарзлари» субсчёти бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблардан юзага келадиган кредитор қарзлар ҳисобга олинади. Ушбу кредитор қарзлар келгуси ҳисоб-китобларда инобатга олинади.

252. 341 300 «Бюджет ташкилотларининг суғурта тўловлари бўйича ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчёти бюджет ташкилотларининг суғурта бўйича тўловларга доир ҳисоб-китоблардаги кредитор қарзларни, жумладан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қўлланади.

Ушбу субсчётнинг кредит томонида ташкилотлар томонидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суммаси ҳамда суғурта мажбуриятлари билан боғлиқ бошқа мажбуриятларнинг ҳисобланиши акс эттирилади, жумладан иш берувчининг (ташкilotнинг) фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суммаси ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида ва 341 300 «Бюджет ташкилотларининг суғурта тўловлари бўйича ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчётнинг кредитида акс эттирилади.

Шунингдек, суғурта мукофоти суммаси ҳақиқий харажатларга олиб борилганда, ушбу олдиндан ўтказиб берилган маблағлар 341 300 «Бюджет ташкилотларининг суғурта тўловлари бўйича ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчётига дебиторлик сўндирилади.

253. 341 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчётида қуйидагилар бўйича:

болаларнинг мактабгача таълим муассасаларида (болалар боғчаларида) сақланганлиги;

болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқитилганлиги;

тарбияланувчиларнинг мактаб-интернатларда ва бошқа таълим муасса-

саларида сақланганлиги учун ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳисоби юритилади.

Ота-оналардан томонидан тўланган маблағларга 341 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчёт кредитланади ва 102 405 «Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан олинадиган тўловлар», 102 406 «Мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан олинадиган тўловлар», 102 408 «Мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан олинадиган тўловлар», 102 415 «Бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан олинадиган тўловлар» тегишли субсчётлари дебетланади. Бунда тўловлар нақд пулда бюджет ташкилотининг кассасига амалга оширилганда тегишли касса билан боғлиқ ўтказмалар берилади.

Тўловлар ҳисобланганда эса 341 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчётнинг дебитида ва 520 100 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган даромадлар» счётнинг тегишли субсчётларининг кредитида акс эттирилади.

Болалар мактабгача таълим муассасасидан чиқариб олинган тақдирда олдиндан тўланган сумма ота-оналарга қайтарилганда 341 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчётнинг дебитида ва пул маблағларини акс этирувчи субсчётлар кредитига ёзилади. Бир вақтнинг ўзида ҳисобланган тўловлар фарқ суммасига сторно ўтказмаси берилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир тарбияланувчи бўйича алоҳида юритилади.

254. 341 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчётида бюджет ташкилотларининг юқорида келтирилмаган ва моддий қийматликлардан ташқари барча ҳоллардаги кредитор қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби олиб борилади.

Шунингдек, ушбу субсчётда штатда турмаган таркибга (композиторларга, артистларга, муаллифларга) шартнома бўйича бажарган ишлари ва чиқимлари учун, телевизор ва радио-эшиттиришларда бир марта чиқиш учун қилинган буюртмаларга бериладиган қалам ҳақи суммалари бўйича ҳисоб-китоблар, бюджет ташкилотига хизмат кўрсатувчилардан кредитор қарзлар ҳисобга олинади.

255. 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётида бюджет ташкилотларининг қуйидагилар бўйича қилинадиган ҳисоб-китоблар ҳисоби юритилади: иш ҳақи ва бошқа тўловлардан ушлаб қолинган солиқлар, айбдор шахс ҳисобига олиб борилган ва бюджетга ўтказилиши лозим бўлган камомадлар суммалари, моддий қимматликларни сотишдан тушган ва қонун ҳужжатларига кўра бюджет даромадига ўтказилиши керак бўлган суммалар ва бошқа бюджет билан ҳисоб-китоблар.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар бўйича вужудга келган ҳисобланган суммалар 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кре-

дитор қарзлари» субсчётнинг кредитига ёзилади, бунда бошқа тегишли счётларнинг субсчётлари дебетланади. Тегишли суммалар бюджет даромадига ўтказилганда 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётнинг дебетига ёзилади, бунда, пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар кредитланади.

256. 342 200 «Бюджет ташкилотларининг ягона ижтимоий тўлов бўйича кредитор қарзлари» субсчётида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ҳисобланган ягона ижтимоий тўловларнинг ҳисоби олиб борилади.

Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар қонун ҳужжатларига асосан тартибга солинади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ҳисобланган ягона ижтимоий тўловлар суммаси 342 200 «Бюджет ташкилотларининг ягона ижтимоий тўлов бўйича кредитор қарзлари» субсётининг кредитида ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» сётининг тегишли субсётларнинг дебетига акс эттирилади. Ташкилот томонидан ўтказиб берилган тўловлар пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли субсётлар кредитида ва 342 200 «Бюджет ташкилотларининг ягона ижтимоий тўлов бўйича кредитор қарзлари» субсётнинг дебетига акс эттирилади.

257. 342 300 «Бюджет ташкилотларининг шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадаллари бўйича кредитор қарзлари» субсётларида ташкилотлар ходимларининг жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бўйича бадаллари ҳисоби юритилади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бўйича ҳисоб-китоблар қонун ҳужжатларига асосан тартибга солинади.

Ташкилот ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар ҳисобланганда 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсётнинг дебити ва 342 300 «Бюджет ташкилотларининг шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадаллари бўйича кредитор қарзлари» субсётнинг кредити бўйича акс эттирилади. Ҳисобланган шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар ўтказиб берилганда 342 300 «Бюджет ташкилотларининг шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадаллари бўйича кредитор қарзлари» субсёт дебетланади ва тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсётлар кредитланади.

258. 342 400 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан суғурта бадали тўлови бўйича кредитор қарзлари» субсёттида ташкилотларнинг ходимларига ҳисобланган иш ҳақларидан бюджетдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ажратма қилинадиган бадаллари ҳисоби юритилади.

Ходимларнинг ҳисобланган иш ҳақларидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ушланган мажбурий бадаллар суммалари 343 400 «Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлари» субсётнинг дебетига ва 342 400 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан суғурта бадали тўлови бўйича кредитор

қарзлари» субсчётнинг кредитида акс эттирилади. Ўтказиб берилган бадаллар суммалари 342 400 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан суғурта бадали тўлови бўйича кредитор қарзлари» субсчёт дебетида ва тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар кредитида акс эттирилади.

259. 342 500 «Бюджет ташкилотларининг давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлари бўйича кредитор қарзлари» субсчётида бюджет ташкилотларнинг давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб бориладиган ҳисоб-китоблари юритилади.

Ушбу бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларнинг ҳисобланиши 912 200 «Давр харажатлари» субсчётининг дебетида ёки амалга оширилган операцияларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда бошқа тегишли субсчётларнинг дебетида ва 342 500 «Бюджет ташкилотларининг давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлари бўйича кредитор қарзлари» субсчётнинг кредитида акс эттирилади. Ҳисобланган ажратма суммаларининг ўтказиб берилиши тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар кредитида ва 342 500 «Бюджет ташкилотларининг давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлари бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебетида акс эттирилади.

260. 343 100 «Бюджет ташкилотларининг камомадларга доир кредитор қарзлари» субсчётида айбдор шахслар томонидан камомадлар бўйича амалга оширилган тўловлардан кейинги ҳисоб-китобларда юзага келадиган кредитор қарзлар ҳисобга олинади. Ушбу кредитор қарзлар белгиланган тартибда мазкур тўловни амалга оширган шахсларга қайтарилади.

261. 343 200 «Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича кредитор қарзлари» субсчётида ташкилотларнинг ходимлари билан ижтимоий суғурта тўловлари бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоблари, шу билан бирга уйда ногирон болаларни ўқитадиган педагогларга тўланадиган компенсация тўловлари ҳисоби юритилади. Ижтимоий суғурта тўловлари бўйича ҳисоб-китоблар қонун ҳужжатларига асосан тартибга солинади.

Бюджет маблағлари ҳисобидан тўланадиган ижтимоий суғурта тўловлари, жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларнинг ҳисобланиши ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 710 000 «Бюджет маблағларидан ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» субсчётининг дебетида акс эттирилади.

Тўланган ижтимоий суғурта тўловлари 343 200 «Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича кредитор қарзлари» субсчётнинг дебетида ва пул маблағларини акс эттирувчи субсчётларнинг кредитида акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир ижтимоий суғурта тўловларини олувчилар ва ижтимоий суғурта тўловларининг турлари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

262. 343 300 «Бюджет ташкилотларининг ҳисобдор шахслар билан кредитор қарзлари» субсчётида ҳисобдор шахслар билан уларга нақд пул тўла-

масдан ҳисоб-китоб қилиш имкони бўлмайдиган харажатларга тўлаш учун берилган аванслар тўловларини ҳисобдан чиқариш, ҳисоб-китоблар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ хизмат сафари тўловлари ҳисоби юритилади.

Ҳисобдор шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатларга асосан ҳисоб-китоблар амалга оширилганда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчёти дебетланади ва 343 300 «Бюджет ташкилотларининг ҳисобдор шахслар билан кредитор қарзлари» субсчёти кредитланади.

Ҳисобдор шахсларга тўловлар амалга оширилиши учун тегишли 343 300 «Бюджет ташкилотларининг ҳисобдор шахслар билан кредитор қарзлари», 111 100 «Бюджет ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар», 111 300 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар» субсчётлари дебетланади ва тегишли пул маблағларини акс эттирувчи субсчётлар кредитланади. Бунда берилган аванс маблағлар 343 300 «Бюджет ташкилотларининг ҳисобдор шахслар билан кредитор қарзлари» субсчёти дебетланган ва 153 300 «Бюджет ташкилотларининг ҳисобдор шахслар билан дебитор қарзлари» субсчётини кредитлаган ҳолда ўзаро ҳисоб-китоби амалга оширилади.

263. 343 400 «Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлари» субсчётида ташкилотнинг ходимлари билан иш ҳақининг барча турлари, мукофотлар ва бошқа меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Ходимларга ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи, мукофотлар, турли моддий ёрдамлар ва бошқа тўловлар суммалари 343 400 «Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитига ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетига ёзилади. Тўланган иш ҳақи ва бошқа тўловлар суммалари ва тегишли тартибда ушлаб қолинган суммалар 343 400 «Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлари» субсчётнинг дебетига ҳамда бошқа тегишли субсчётларнинг кредитига ёзилади.

Аналитик ҳисоб ташкилотнинг ҳар бир ходими бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

264. 343 500 «Бюджет ташкилотларининг стипендия олувчилар билан кредитор қарзлари» субсчётида олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг студентлари, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ҳамда курс тингловчилари ва бошқалар билан стипендиялар бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Стипендияларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш ҳисоб-китоб тўлов қайдномаларида ойига бир марта буйруқлар асосида амалга оширилади. Ҳисоблаб ёзилган стипендияларнинг суммалари 343 500 «Бюджет ташкилотларининг стипендия олувчилар билан кредитор қарзлари» субсчётининг кредитига ёзилади, ушбу субсчётнинг дебетига эса ушлаб қолинган суммалар, берилган ва муддатида олинмаган стипендияларнинг суммалари ёзилади.

Аналитик ҳисоб ўқув муассасасининг ҳар бир стипендия олувчиси бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

265. 343 600 «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа кредитор қарзлари» субсчётида таълим муассасаларида талабалар билан тўлов-контракт маблағлари бўйича ва ўқув жараёнида юзага келадиган кредитор қарзлар ҳисобга олинади.

Таълим муассасаларида талабалар билан тўлов-контракт маблағлари бўйича ва ўқув жараёнида юзага келган кредитор қарзлар келгуси ҳисоб-китобларда инобатга олинади ёки ушбу кредитор қарзлар якуний ҳисоб-китоблардан сўнг юзага келган тақдирда белгиланган тартибда талабага қайтарилади.

266. 343 700 «Бюджет ташкилотларининг ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган мажбурий ушланмалар бўйича кредитор қарзлари» субсчётида иш ҳақидан ушланган касаба уюшма аъзолик бадаллари (касаба уюшма ташкилотлари билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими жорий этилган ҳолларда), шунингдек иш ҳақи, стипендиялар ва бошқа тўловлардан ижро варақалари ва бошқа ҳужжатлар бўйича мажбурий ушлаб қолинган суммалар ҳисобга олинади.

Касаба уюшма аъзолик бадалларини ушлаш касаба уюшма аъзоларининг улардан нақд пулсиз касаба уюшмага аъзолик бадалларини қабул қилиш ҳақидаги ёзма аризалари мавжуд бўлган ҳоллардагина амалга оширилади. Иш ҳақидан касаба уюшмага аъзолик бадалларини тўлаш учун ушланган суммалар 343 700 «Бюджет ташкилотларининг ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган мажбурий ушланмалар бўйича кредитор қарзлари» субсчётнинг кредитига ва 343 400 «Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлари» субсчётнинг дебетига ёзилади. Бюджет (бюджетдан ташқари) ҳисобварағидан ўтказилган суммалар 343 700 «Бюджет ташкилотларининг ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган мажбурий ушланмалар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг дебетига ва пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар кредитига ёзилади.

Иш ҳақи, стипендиялар ва бошқа тўловлардан ижро варақалари ва бошқа ҳужжатлар бўйича ушлаб қолинган суммалар 343 700 «Бюджет ташкилотларининг ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган мажбурий ушланмалар бўйича кредитор қарзлари» субсчётнинг кредитига ҳамда 343 400 «Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлари», 343 500 «Бюджет ташкилотларининг стипендия олувчилар билан кредитор қарзлари» ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетига ёзилади. 343 700 «Бюджет ташкилотларининг ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган мажбурий ушланмалар бўйича кредитор қарзлари» субсчётнинг дебетига бюджет (бюджетдан ташқари) ҳисобварақлардан ўтказилган суммалар ёзилади, бунда пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар кредитланади.

Ходимлар билан турли ушланмаларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир ходим бўйича алоҳида ҳолда олиб борилади.

267. 343 800 «Бюджет ташкилотларининг депонентланган тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётида белгиланган муддат ичида олинмаган иш ҳақи, стипендиялар ва бошқа тўловларга доир суммалар ҳисоби юритилади.

Белгиланган муддат ичида олинмаган иш ҳақи, стипендиялар ва бошқа тўловларга доир суммалар 343 800 «Бюджет ташкилотларининг депонентланган тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётнинг кредитига ва 343 200 «Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича кредитор қарзлари», 343 400 «Бюджет ташкилотларининг ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлари», 343 500 «Бюджет ташкилотларининг стипендия олувчилар билан кредитор қарзлари» ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетига ёзилади. Бунда, ҳисобвараққа топширилган маблағлар суммасига пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар дебетланади ҳамда 109 100 «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» субсчёти кредитланади.

Тўланган депонент қарзлар суммасига 343 800 «Бюджет ташкилотларининг депонентланган тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчёти дебетланади ва 109 100 «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» ёки 343 300 «Бюджет ташкилотларининг ҳисобдор шахслар билан кредитор қарзлари» субсчётлари кредитланади.

Шунингдек, даъво муддати ўтиб кетган ва тегишли бюджет даромадига ўтказилиши лозим бўлган бюджет маблағлари бўйича юзага келган депонент қарзлар суммаси 343 800 «Бюджет ташкилотларининг депонентланган тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётнинг дебетига ёзилади, бунда 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчёти кредитланади.

Даъво қилиш муддати тугаган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича юзага келган депонент қарзлар тегишли бюджетдан ташқари маблағларнинг даромадларида акс эттирилади. Бунда, 343 800 «Бюджет ташкилотларининг депонентланган тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчёти дебетланади ва бюджетдан ташқари даромадларни ҳисобга олувчи 520 400 «Бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари ҳисобланган даромадлари» счётининг тегишли субсчётлари кредитланади.

268. 343 900 «Бюджет ташкилотларининг ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган ихтиёрий ушланмалар бўйича кредитор қарзлари» субсчётида ходимлар билан қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турли масалалар бўйича юзага келган ҳисоб-китоблар, ходимнинг коммунал тўловларини амалга ошириш учун иш ҳақидан ушлаб қолинган маблағлар, шунингдек ходимларнинг иш ҳақидан уларнинг савдо ташкилотларидан кредитга олган маҳсулотлари учун берган топшириқ — мажбуриятлари бўйича ушлаб қолинган суммалар, омонат кассаларга нақд пулсиз шахсий жамғармага ўтказиш ҳақидаги ёзма аризалари асосида ушланган суммалар, ижтимоий суғурта ташкилотлари билан тузган ихтиёрий суғурта шартномалари бўйича суғурта тўловларини тўлаш ҳақидаги топшириқномаларига асосан уларнинг маошларидан ушланган суммалар, ходимларнинг банклардан олган ссудаларига доир операциялар ва бошқалар ҳисобга олинади.

269. 344 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кредитор қарзлари» субсчётида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг тақсимланиши бўйича кредитор қарзлар ҳисоби юритилади.

270. 345 000 «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётида ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик тушган ва маълум шартлар бажарилгандан кейин қайтарилиши лозим бўлган суммалар ҳисоби юритилади.

345 000 «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича кредитор қарзлари» субсчётининг кредитига ташкилотнинг ихтиёрига вақтинчалик тушган суммалар ёзилади, бунда вақтинча бюджет ташкилоти ихтиёрида бўладиган пул маблағларини акс эттирувчи субсчётлар кредитланади.

4-боб. Узоқ муддатли мажбуриятлар

1-§. Кредитор қарзлар

271. 420 000 «Бюджет ташкилотларининг узоқ муддатли кредитор қарзлари» счётининг тегишли субсчётларида бюджет ташкилотлари томонидан турли ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари ҳисоби амалга оширилади.

272. 421 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари» субсчётида маҳсулот етказиб берувчилар билан етказиб берилган моддий ва номоддий қимматликлар, шунингдек капитал қўйилмалар ҳисобига харид қилинадиган қурилиш материаллари, конструкциялар ва деталлар, ўрнатиш учун жиҳозлар, етказиб берилган бошқа товар-моддий қимматликлар қиймати ва шу кабилар, пудратчилар билан уларга қурилиш ва монтаж учун берилган конструкциялар ва деталлар, бажарилган қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек молиявий ижара шартномаси бўйича етказиб берилган асосий воситалар бўйича ижара мажбуриятлари учун узоқ муддатли ҳисоб-китоблари олиб борилади.

Маҳсулот етказиб берувчилардан узоқ муддатли ҳисоб-китоблар асосида омборга келиб тушган моддий қимматликлар суммасига моддий қимматликларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар дебетланади, бунда, 421 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари» субсчёти кредитланади.

151 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётидаги дебиторликларни ҳисобдан чиқаришда ушбу субсчётдаги маблағлар кредитланади, 421 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари» субсчёти эса дебетланади.

Бунда 151 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчёти дебетланган ҳамда 161 600 «Қурилиш материаллари» субсчёти ва бошқа тегишли субсчётлар кредитланган ҳолда пудратчига қурилиш-монтаж ишлари учун берилган конструкция ва деталлар, қурилиш материалларининг суммалари ҳисобга олинади.

Пудратчилар билан узоқ муддатли ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида 421 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари» субсчётининг дебетига бажарилган қурилиш-монтаж ва бошқа ишлар учун ўтказиладиган суммалар ёзилади. Бунда, 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчёти кредитланади.

Пудратчиларнинг бажарган қурилиш-монтаж ишлари суммасига ёзувлар 241 100 «Бино ва иншоотларга капитал қўйилмалар» счётининг тегишли қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни акс эттирувчи субсчёти дебити ва 421 100 «Бюджет ташкилотларининг маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари» субсчётининг кредити бўйича ёзилади.

273. 421 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари» субсчётида бюджет ташкилотларининг юқорида келтирилмаган ва моддий қийматликлардан ташқари барча ҳоллардаги кредитор қарзлари, шу жумладан хизмат кўрсатувчилар бўйича узоқ муддатли ҳисоб-китоблар ҳисоби олиб борилади.

5-боб. Даромадлар

274. Мазкур бобнинг тегишли счёт ва субсчётларида бюджет ташкилотларини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, бюджетдан ташқари даромадлари ҳисоби юритилади.

275. 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчётида бюджетдан молиялаштирилган маблағлар, шунингдек ғазна ижросига ўтилган ташкилотларда ғазначиликда очилган шахсий ғазна ҳисобварақлари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси ҳисобга олинади.

276. 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчётининг кредитида ғазна ижросига ўтилмаган ташкилотларда бюджетдан молиялаштирилган маблағлар суммаси акс этирилади, бунда тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар дебетланади. Субсчёт дебетига жорий йилда бюджетга қайтариб олинган маблағлар суммаси, йил охирида ҳисобдан чиқарилган суммалар ва бошқалар ёзилади, бунда, пул маблағларини, бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижаларни ҳисобга олувчи ва бошқа тегишли субсчётлар кредитланади. Шунингдек, ушбу субсчётда юқори ташкилотдан қўйи ташкилотларга молиялаштириб берилган маблағларнинг ҳам ҳисоби юритилади. Бунда, юқори ташкилот томонидан қўйи ташкилотларга молиялаштириб берилган маблағлар суммасига 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчёти дебетланади ва 104 000 «Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисоб-

рақамлардаги маблағлари» счётининг тегишли субсчётлари кредитланади. Қўйи ташкилотларда юқори ташкилот томонидан молиялаштириб берилган маблағлар 104 000 «Бюджет ташкилотларининг бошқа ҳисобрақамлардаги маблағлари» счётининг тегишли субсчётларининг дебетида ва 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

277. Ғазна ижросига ўтилган ташкилотларда ушбу субсчётнинг кредитида ғазначиликдаги шахсий ғазна ҳисобварақлар орқали бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тўловлар акс эттирилади, бунда, дебитор ва кредиторларни ҳисобга олувчи ва бошқа тегишли субсчётлар дебетланади. Субсчёт дебетига шахсий ғазна ҳисобварақлар орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса харажатларининг тикланиши (жорий йилги), ҳисобот йилининг охирида амалга оширилган тўловларнинг ёпилиши, шунингдек бошқа амалга оширилган тўловларни камайтирадиган маблағларни акс эттирадилар, бунда дебитор ва кредиторларни, бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижаларни ҳисобга олувчи ва бошқа тегишли субсчётлар кредитланади.

278. Ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар (капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) ҳамда тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси ёки тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаларига ўтказилганда тегишли 102 401 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси» ёки 102 402 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси» субсчётларининг дебетида ва 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

279. 520 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» счёти ҳисоби юритилади.

280. 520 100 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган даромадлар» счётининг субсчётларида ота-оналардан болаларни таълим муассасаларида сақлаганлик учун ҳисобланган маблағлар ҳисоби юритилади.

281. Йил мобайнида ҳисобланган бадал суммаларига 520 100 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган даромадлар» счётининг тегишли субсчётлари кредитланади ва 341 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчёти дебетланади.

282. 520 200 «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар» субсчётида таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган даромадларнинг ҳисобланиши акс эттирилади.

283. Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича маблағларнинг ҳисобланиши 153 600 «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва 520 200 «Олий ва ўрта махсус, касб-

хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар» субсчётининг кредитида, маблағларнинг келиб тушиши 102 409 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётининг дебитида ва 153 600 «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс этирилади.

284. 520 300 «Бюджет ташкилотини бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» счётининг тегишли субсчётларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги йўналишлар бўйича даромадлар ва тушумларнинг ҳисоби юритилади:

бюджет ташкилотларининг фаолият турига мувофиқ маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сотилишидан олинган даромадлар;

вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкларини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан келиб тушадиган тушумлар;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилган хомийлик (беғараз) ёрдам ҳисобидан тушумлар.

285. Ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар)нинг реализация қилинишидан харидор ва буюртмачилардан келиб тушадиган даромадларнинг айнан ўша маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) учун сарфланган жами харажатлардан (таннархидан) ошган қисми, яъни реализация натижасида кўрилган фойда бўйича 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчёти дебетланади ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» субсчётлари кредитланади.

286. Ташкилотлар томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни ўзга ташкилотларга ижарага беришда ўзаро тузилган ижара шартномасида белгиланган сумманинг ҳар ойга (чоракка) тўғри келадиган улуши миқдорига (ҳар ойда ёки чоракда) 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг дебити ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» субсчётининг кредити бўйича бухгалтерия ўтказмаси берилади. Ижара шартномасига асосан келиб тушган маблағларга 102 401 «Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси» ёки 102 402 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси» субсчётининг дебити ва 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг кредити бўйича ёзув амалга оширилади.

287. Ташкилотга юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган хомийлик (беғараз) ёрдами ҳисобда 102 401 «Бюджет ташкилотларини ри-

вожлантириш жамғармаси» ёки 102 402 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси» субсчётининг (агарда нақд пулда берилса, 109 100 «Миллий валютадаги нақд пул маблағлари» ёки 109 200 «Хорижий валютадаги нақд пул маблағлари» субсчётлари) дебети ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» субсчётининг кредити бўйича бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади.

288. Даромадлар ҳисоби бўйича операцияларнинг аналитик ҳисоби бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади.

289. 520 400 «Бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари ҳисобланган даромадлари» счётининг тегишли субсчётларида ташкилотлар томонидан ҳисобот йилида олинган ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлари ва тушумларининг ҳисоби юритилади.

290. Юқоридаги тушумлар ва даромадларнинг ҳисобланиши 520 400 «Бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари ҳисобланган даромадлари» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида тегишли субсчётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб тушган тушумларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

6-боб. Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича олинган ва берилган маблағлар

291. 630 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари» субсчётида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг бюджет ташкилотлари ўртасида тақсимланиши ҳисоби юритилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг бошқа бюджет ташкилотига тақсимланиши учун ўзаро ҳисоб-китоблар асосида тақсимланмаган маблағларни йўналтириш бўйича 630 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари» субсчёти дебетланади ва 344 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кредитор қарзлари» субсчёти кредитланади. Ўз навбатида тақсимланадиган маблағларни қабул қилиб олувчи бюджет ташкилоти ўзида 154 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлари» субсчётини дебетлайди ва 630 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари» субсчётини эса кредитлайди.

Маблағлар бошқа бюджет ташкилотига қайта тақсимланиши учун ўтка-

зиб берилганда 344 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кредитор қарзлари» субсчёти дебетланади ва 102 414 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчёти кредитланади. Ўз навбатида, тақсимланадиган маблағларни қабул қилиб олувчи бюджет ташкилоти ўзида 102 414 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчётини дебетлайди ва 154 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлари» субсчётини эса кредитлайди.

Маблағларни бошқа бюджет ташкилотига қайта тақсимланиши учун ўтказиб бераётган бюджет ташкилоти ҳисоб-китоблар асосида ўз ихтиёрида қоладиган маблағларнинг кирим қилинишида 102 410 «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари» субсчётини дебетлайди ва 102 414 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчётини кредитлайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини қайта тақсимланиши учун қабул қилган бюджет ташкилоти томонидан амалдаги нормативлар бўйича маблағларни тегишли бюджет ташкилотларининг 102 410 «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари» субсчётларида акс эттириши учун йўналтириб беради. Бунда қайта тақсимловчи бюджет ташкилоти ҳам ўз ихтиёрида қоладиган маблағларни кирим қилишда 102 410 «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари» субсчёти дебетланади ва 102 414 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчёти кредитланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар, шунингдек турли хил жарималар ва пенялар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари якуний тақсимловчи томонидан амалдаги нормативлар бўйича тегишли бюджет ташкилотларига тақсимланганда 630 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари» субсчёти дебетланади ва 344 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кредитор қарзлари» субсчёти кредитланади. Ўз навбатида, бюджетдан ташқари маблағларни қабул қилиб олувчи бюджет ташкилоти ўзида 154 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлари» субсчётини дебетлайди ва 630 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблари» субсчётини эса кредитлайди.

Тақсимланган маблағлар тегишли бюджет ташкилотларига ўтказиб берилганда 344 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кредитор қарзлари» ва 102 414 «Тақсимланадиган маблағлар» субсчёти кредитланади. Ўз навбатида, тақсимланган маблағлар тегишли бюджет ташкилоти томонидан қабул қилиб олинганда 102 410 «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ажратмалар ҳисобига шаклланадиган бюджетдан ташқари жамғармалари» субсчёти дебетланади ва

154 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлари» субсчётини эса кредитлайди.

7-боб. Ҳақиқий харажатлар

292. Мазкур бобнинг тегишли счёт ва субсчётларида бюджет ташкилотлари томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисоби юритилади.

293. 700 000 «Ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» счёти тегишли субсчётларга ажратилган ҳолда ҳисоб юритилади.

294. 710 000 «Бюджет маблағларидан ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» субсчётида ташкилотни сақлаш ва бошқа тадбирлар учун бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобга олинади. Бюджет маблағлари бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар йил давомида 710 000 «Бюджет маблағларидан ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» субсчётининг дебитида акс эттирилиб борилади, бунда, ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи субсчётлар кредитланади.

295. 720 000 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётида ташкилотлар томонидан болаларни мактабгача таълим муассасалари ва бошқа муассасаларда сақлаганлиги (ўқитганлиги) учун уларнинг ота-оналари билан ҳисоб-китоблардан тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобга олинади. Ушбу маблағлар бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар йил давомида 720 000 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётининг дебитида акс эттирилиб борилади, бунда, ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар кредитланади.

296. 730 000 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобга олинади.

297. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар йил давомида 730 000 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётининг дебитида акс эттирилиб борилади, бунда, ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар кредитланади.

298. 740 000 «Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳамда Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» счётида 741 000 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» ва 742 000 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётлари ҳисоби юритилади. Ушбу маблағлар ҳисобидан амалга оширилган

ҳақиқий харажатлар йил давомида 741 000 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» ёки 742 000 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётининг дебетида акс эттирилиб борилади, бунда ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар кредитланади.

299. 750 000 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётида ташкилотлар томонидан юқорида келтирилган манбалар бўйича қилинган ҳақиқий харажатлардан ташқари амалга оширилган барча ҳақиқий харажатлар, жумладан қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисобга олинади. Сарф қилинган материаллар, пул маблағлари ва бошқа ҳақиқий харажатлар суммалари йил мобайнида 750 000 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётининг дебетига ва тегишли субсчётлар кредитига ёзилади.

8-боб. Капитал ва молиявий натижалар

1-§. Капитал

300. 901 000 «Марказлашган ҳолда олинган ёки берилган моддий қийматликлар» счётининг тегишли субсчётларида юқори маблағ тақсимловчилар билан уларга қарашли бўлган муассасалар орасида харажатлар сметасининг ижроси жараёнида вужудга келадиган турли ҳисоб-китобларга доир операциялар ҳисобга олинади.

301. Юқори ташкилотлар ушбу субсчёт дебетида қўйи ташкилотларга марказлашган тартибда товар-моддий қимматликларнинг берилиши ва бошқа юқори ва қўйи ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни акс эттирадилар. Субсчёт дебетида қўйи ташкилотларга марказлашган тартибда берилган товар-моддий қимматликларнинг ҳисобдан чиқарилишини акс эттирадилар.

302. 901 000 «Марказлашган ҳолда олинган ёки берилган моддий қийматликлар» счёти субсчётлари йил якунида маблағлар манбаи бўйича 980 000 «Бюджет ташкилотларининг жамғариб бориловчи молиявий натижалари» счётининг тегишли субсчётларига ёпилади.

303. Бюджет ташкилотига юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган хомийлик (беғараз) ёрдами асосидаги моддий қийматликлар ҳисобда молмулкларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётларнинг дебети ва 902 000 «Беғараз (бепул) олинган ёки берилган моддий қийматликлар» счётининг тегишли субсчётларининг кредити бўйича бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади.

304. 902 000 «Беғараз (бепул) олинган ёки берилган моддий қийматликлар» счётининг тегишли субсчётлари йил якунида:

бюджет ташкилотлари томонидан беғараз берилган моддий қийматлик-

лар маблағлар манбаи бўйича 980 000 «Бюджет ташкилотларининг жамғариб борилувчи молиявий натижалари» счётининг тегишли субсчётларига;

бюджет ташкилотларидан беғараз олинган моддий қийматликлар маблағлар манбаи бўйича 980 000 «Бюджет ташкилотларининг жамғариб борилувчи молиявий натижалари» счётининг тегишли субсчётларига;

юридик шахслар ва жисмоний шахслардан беғараз олинган моддий қийматликлар 984 000 «Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳамда Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича молиявий натижа» счётининг тегишли субсчётига ёпилади.

305. 903 000 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар» субсчётида ташкилотларда ўтказилган инвентаризация натижаларига кўра аниқланган ортиқча мол-мулкларнинг кирим қилиниши акс эттирилади. Ўтказилган инвентаризация натижаларига кўра аниқланган ортиқча мол-мулкларнинг кирим қилиниши 903 000 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар» субсчёт кредитида, мол-мулкларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётларнинг дебитида акс эттирилади. Йил охирида инвентаризация натижаларига кўра аниқланган ортиқча мол-мулклар қиймати молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилиши 903 000 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар» субсчётининг дебитида ва 985 000 «Бошқа даромадлар бўйича молиявий натижа» субсчётининг кредитида акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб инвентаризация натижаларига кўра аниқланган ортиқча мол-мулкларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

306. 909 000 «Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш» субсчётида бюджет ташкилотлари ихтиёридаги асосий воситаларнинг баҳоси ошиши ёки камайиши миқдори ҳисобга олинади.

Асосий фондларни қайта баҳолаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматининг ошиши 220 000 «Номолиявий активлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебитида, ҳисобланган амортизация суммасининг ошиши 230 000 «Номолиявий активлар амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида ва 909 000 «Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш» субсчётнинг кредитида акс эттирилади.

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматининг камайиши 220 000 «Номолиявий активлар» счётининг тегишли субсчётларининг кредитида, ҳисобланган амортизация суммасининг камайиши 230 000 «Номолиявий активлар амортизацияси» счётининг тегишли субсчётилари дебитида ва 909 000 «Асосий воситалар, қийматликлар ва номоддий активларни қайта баҳолаш» субсчётнинг дебитида акс эттирилади.

Йил якуни бўйича қайта баҳолаш суммаси асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда 980 000 «Бюджет ташкилотларининг жамғариб борилувчи молиявий натижалари» счётининг тегишли субсчётларига ёпилади.

2-§. Бошқа реализация ва харажатлар

307. Бюджет ташкилотларининг эскирган ва кераксиз моддий қимматликлари реализацияси ҳамда маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш жараёнида амалга ошириладиган давр харажатлари ва тақсимланадиган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар тегишли счётларда акс эттирилади.

308. 911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётида бюджет ташкилотининг эскирган ва кераксиз номолиявий активларининг реализацияси ҳисобга олинади. Ушбу активларни реализация қилиш ва реализация қилишдан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби қонун ҳужжатларига билан тартибга солинади. Бюджет ташкилотлари номолиявий активлар реализацияси жараёнида қуйидаги ўтказма берилади:

911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётини кредитлаган ҳамда 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчётини дебетлаган ҳолда номолиявий активларнинг реализация қилинган суммалари ёзилади (ўзаро тузилган шартнома бўйича);

911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётини кредитлаган ҳамда 230 000 «Номолиявий активлар амортизацияси» счётининг тегишли субсчётларини дебетлаган ҳолда ҳисобланган амортизация суммалари ҳисобдан чиқарилади;

911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчёти дебетланган ҳамда 220 000 «Номолиявий активлар» субсчёти ёки бошқа турдаги активларни акс эттирувчи счётларнинг тегишли субсчётлари кредитланган ҳолда асосий воситалар ва бошқа активларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати ҳисобдан чиқарилади;

911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчёти дебетланган ҳамда 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари» субсчёти кредитланган ҳолда реализация қилинган асосий воситалар ва бошқа активларнинг реализация суммасидан тегишли бюджетлар даромадларига ҳисобланган суммалар акс эттирилади;

911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчёти дебетланган ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» субсчётлари кредитланган ҳолда асосий воситалар ва бошқа активлар реализациясидан белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар ҳисобланади.

Аналитик ҳисоб реализация қилинган асосий воситалар ва бошқа активларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

911 000 «Номолиявий активлар реализацияси» субсчётининг қолдиғи тегишлилиги бўйича 980 000 «Бюджет ташкилотларининг жамғариб борилувчи молиявий натижалари» счётининг тегишли субсчётларига ҳисобдан чиқарилади.

309. 912 000 «Бошқа харажатлар» счёти субсчётларга бўлинади.

Бир неча калькуляция объектлари мавжуд бўлганда ёки ташкилотнинг фаолияти бир нечта манбалардан молиялаштирилганда, шунингдек амалга оширилган харажатларнинг қайси маҳсулотларга (ишларга, хизматларга) тегишли эканлигини аниқлаш мураккаб бўлган ҳолларда ушбу харажатлар 912 100 «Таксимланмаган харажатлар» субсчётида ҳисобга олинади. Устама харажатлар, аниқ шароитларга қараб айрим буюмлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тури ёки ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш ишчиларининг, илмий ходимларнинг ва шу қабиларнинг иш ҳақларига мутаносиб равишда ёки сарфланган материаллар ёки бевосита харажатлар жамига қараб таксимланади.

Бунда, устама харажатлар 912 100 «Таксимланмаган харажатлар» субсчётининг кредитига ва 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчётнинг (ёки бошқа тегишли субсчётларнинг) дебетига ёзиб ҳисобдан ўчирилади (ҳар бир маҳсулот, иш ёки хизматлар турлари бўйича).

310. 912 200 «Давр харажатлари» субсчётида ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган сотиш харажатлари, ишлаб чиқаришни бошқариш харажатлари ва бошқа харажатлар ҳисобга олинади.

Сотиш харажатлари сифатида маҳсулотни сотиш бўйича харажатлар, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ, транспорт воситаларига ортиш ва бошқа харажатлар акс эттирилади. Ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича харажатлар ва бошқа харажатлар маъмурий харажатлар бўйича ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг таннархига киритилмайдиган давр харажатлари 912 200 «Давр харажатлари» субсчётининг дебети ва сарф-харажатларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар кредитида акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида 912 200 «Давр харажатлари» субсчёти 984 000 «Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳамда Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича молиявий натижа» счётининг тегишли субсчётига ёки 985 000 «Бошқа даромадлар бўйича молиявий натижа» субсчётларининг тегишлиси билан боғланган ҳолда ёпилади.

3-§. Бюджет ташкилотларининг жорий йилга якуний молиявий натижалари

311. Ушбу параграфда бюджет ташкилотлари фаолиятининг якуни бўйича молиявий натижалари акс эттирилади. Агарда, йил якунлари бўйича якуний молиявий натижаларини ҳисобга олувчи субсчётларда умумий ҳолда кредит қолдигининг қолиши ташкилотнинг барча активларини (номолиявий активлари, молиявий активлари, дебиторлар) умумий суммаси ташкилот мажбуриятларининг умумий суммасидан ортиқ бўлганлигини, дебет қолдигининг қолиши ташкилотнинг умумий мажбуриятлари суммаси унинг барча активлари (номолиявий активлари, молиявий активлари, дебиторлар) уму-

мий суммасидан ортиб кетганлигини билдиради. Бюджет ташкилотларнинг бюджетдан молиялаштирилган маблағлари, барча бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлари, шунингдек ушбу маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлари ҳамда молиявий натижалари ушбу параграфдаги субсчётларнинг тегишлисида акс эттирилади.

312. 980 000 «Бюджет ташкилотларининг жамғариб борилувчи молиявий натижалари» счёти.

313. 981 000 «Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» субсчётида бюджет ташкилотларининг бюджет маблағлари бўйича молиявий натижалари акс эттирилади. Ушбу субсчётнинг дебетида йил охирида ҳисобдан чиқарилган бюджет маблағлари бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади, бунда 710 000 «Бюджет маблағларидан ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади. Харажатларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир харажат тури ва моддалари бўйича алоҳида ўтказма бериледи.

Субсчёт кредитида йил мобайнида бюджетдан молиялаштирилган маблағлар (амалга оширилган тўловлар)нинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади, бунда 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» субсчёти дебетланади.

Ҳар молия йилининг охирида жорий йил молиявий натижалари 981 000 «Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» субсчётига ўтказилгандан сўнг 503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» ва 710 000 «Бюджет маблағларидан ҳисобланган ҳақиқий харажатлар» субсчётларида қолдиқ қолмайди.

314. 982 000 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа» субсчётида тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича молиявий натижалари акс эттирилади. Ушбу субсчётнинг дебетида йил охирида ҳисобдан чиқарилган мазкур маблағлар бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади, бунда 720 000 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади. Харажатларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир харажат тури ва моддалари бўйича алоҳида ўтказма бериледи.

Субсчёт кредитида йил мобайнида ҳисобланган ота-оналар маблағларининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади, бунда, 520 100 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган даромадлар» счётининг субсчётлари дебетланади.

Ҳар йил молия йилининг охирида жорий йилга тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича молиявий натижалар 982 000 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа» субсчётининг кредитига (дебетига) ҳисобдан чиқарилади ва 520 100 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган даромадлар» счётининг субсчётлари ҳамда 720 000 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти бўйича йил охирида қолдиқ қолмайди.

315. 983 000 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётида ўқитишнинг

тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижалари акс эттирилади. Ушбу субсчётнинг дебетида йил охирида ҳисобдан чиқарилган мазкур маблағлар бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади, бунда, 730 000 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади. Харажатларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир харажат тури ва моддалари бўйича алоҳида ўтказма берилади.

Субсчёт кредитида йил мобайнида ҳисобланган таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади, бунда, 520 200 «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар» субсчёти дебетланади.

Йил охирида аввало, фойдаланилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммасига тўғри келувчи ҳақиқий харажатлар суммаси (ушбу маблағлар ҳисобидан сотиб олинган моддий активларнинг сарфланиши (амортизацияси) ёки моддий активлар сотиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадларига ишлатилиши муносабати билан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар) 730 000 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётидан ҳисобдан чиқарилади. Бунда, 986 000 «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» субсчёти дебетланади ва 730 000 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади.

Сўнг молия йилининг охирида жорий йилга тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижалар 983 000 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётининг кредитига (дебетига) ҳисобдан чиқарилади ва 520 200 «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар» ҳамда 730 000 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётлари бўйича йил охирида қолдиқ қолмайди.

984 000 «Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳамда Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича молиявий натижа» счётининг 984 100 «Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича молиявий натижа» субсчётида бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда 984 200 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармалари маблағлари бўйича молиявий натижа» субсчётига тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича молиявий натижалар акс эттирилади. Ушбу субсчётнинг дебетида йил охирида ҳисобдан чиқарилган мазкур маблағлар бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажат-

лар акс этирилади, бунда 741 000 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» ёки 742 000 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётлари кредитланади.

Субсчёт кредитида йил мобайнида ривожлантириш жамғармаси бўйича даромадларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс этирилади, бунда, 520 300 «Бюджет ташкилотини бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» счётининг субсчётлари дебетланади. Аналитик ҳисоб амалга оширилган харажатларнинг харажат моддалари ва харажат манбаларига (қайси даромад ёки тушум ҳисобига амалга оширилишига қараб) бўлинган ҳолда алоҳида ўтказма берилади.

Йил охирида, аввало, иқтисод қилинган ва бюджетдан ташқари ҳисобва-
раққа ўтказилган бюджет маблағлари суммасига тўғри келувчи 741 000 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» ёки 742 000 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётлари дебетида акс этирилган ҳақиқий харажатлар мос равишда 981 000 «Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» субсчётининг дебетида акт этирилади. Харажатларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир харажат тури ва моддалари бўйича алоҳида ўтказма берилади ва ушбу ўтказмалар бўйича электрон маълумотларни бюджет ташкилотлари молия йилининг қўшимча даври якунига қадар «UzASBO» ДМда тегишли Фазначилик бўлинмаларига тақдим этади.

Шундан сўнг, фойдаланилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммасига тўғри келувчи ҳақиқий харажатлар суммаси (ушбу маблағлар ҳисобидан сотиб олинган моддий активларнинг сарфланиши (амортизацияси) ёки моддий активлар сотиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадларига ишлатилиши муносабати билан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар) 741 000 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» ёки 742 000 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётларидан ҳисобдан чиқарилади. Бунда, 986 000 «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» субсчёти дебетланади ва 741 000 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» ёки 742 000 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади.

Энг сўнгида молия йилининг охирида жорий йилга ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича молиявий натижалар 984 000 «Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси ҳамда Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича

молиявий натижа» счётининг тегишли субсчёти кредитига (дебетига) ҳисобдан чиқарилади ва 520 300 «Бюджет ташкилотини бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» счётининг субсчётлари ҳамда 741 000 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар», 742 000 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётлари бўйича йил охирида қолдиқ қолмайди.

316. 985 000 «Бошқа даромадлар бўйича молиявий натижа» субсчётида ташкилотнинг бошқа даромадлари бўйича молиявий натижалари акс эттирилади. Ушбу субсчётнинг дебетида йил охирида ҳисобдан чиқарилган бюджет ташкилотларининг:

бошқа даромадлари бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади ва 750 000 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади;

ўзаро ҳисоб-китоблар асосида тегишли бюджет ташкилотларига берилган тақсимланадиган ёки тақсимланган бюджетдан ташқари маблағлари акс эттирилади ва 630 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблар» счётининг тегишли субсчётлари кредитланади.

985 000 «Бошқа даромадлар бўйича молиявий натижа» субсчётининг кредитида йил мобайнида бошқа бюджетдан ташқари даромадларнинг, шунингдек тақсимланадиган ва тақсимланган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича олинган маблағларнинг ва инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар суммасининг молиявий натижаларга ёпилиши акс эттирилади, бунда, 520 400 «Бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари ҳисобланган даромадлари», 630 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблар» счётларининг тегишли субсчётлари ва 903 000 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар» субсчётлари дебетланади.

Йил охирида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларига бюджет маблағларидан ажратилган маблағлар суммасига тўғри келувчи 750 000 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётининг дебетида акс эттирилган ҳақиқий харажатлар мос равишда 981 000 «Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» субсчётининг дебетида ёпилади. Харажатларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир харажат тури ва моддалари бўйича алоҳида ўтказма берилади ва ушбу ўтказмалар бўйича электрон маълумотларни бюджет ташкилотлари молия йилининг қўшимча даври якунига қадар UzASBO ДМда тегишли рағначилик бўлинмаларига тақдим этади.

Ҳар йили молия йилининг охирида жорий йилга бошқа даромадлар бўйича молиявий натижалар 985 000 «Бошқа даромадлар бўйича молиявий натижа» субсчётининг кредитига (дебетига) ҳисобдан чиқарилади ва 520 400 «Бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари ҳисобланган даромадлари», 630 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўзаро ҳисоб-китоблар» счётларининг тегишли субсчётлари ҳамда

750 000 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчёти бўйича йил охирида қолдиқ қолмайди.

317. 986 000 «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» субсчётида ташкилотларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларнинг бюджетдан ташқари олган даромадлари учун ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар суммалари ва уларнинг белгиланган мақсадлар учун ишлатилиши акс эттирилади.

Агарда, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ташкилотларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар учун берилган имтиёзлар туфайли тежалган (бўшаб қолган) маблағлар ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ишлатилади.

Ушбу субсчётнинг кредитида бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўлов турлари бўйича белгиланган имтиёз суммаси акс эттирилади, бунда 342 100 «Бюджет ташкилотларининг бюджетга тўловлар бўйича кредитор қарзлари», 342 400 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан сугурта бадали тўлови бўйича кредитор қарзлари» ва 342 500 «Бюджет ташкилотларининг давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлари бўйича кредитор қарзлари» субсчётларининг тегишлиси дебетланади.

Ушбу маблағлар ҳисобидан сотиб олинган моддий активларнинг сарфланиши (амортизацияси) ёки моддий активлар сотиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадларига ишлатилиши муносабати билан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар мос равишда 730 000 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» ва 740 000 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётларининг дебетидида акс эттирилади.

Ҳисобот йилининг охирида мазкур субсчётларда акс эттирилган ҳақиқий харажатлар, аввало, фойдаланилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммасига тўғри келувчи қисми доирасида 986 000 «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» субсчётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади, бунда, мос равишда 730 000 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» ва 740 000 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» счётининг тегишли субсчётлари кредитланади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобланган имтиёзлар бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

9-боб. Балансдан ташқари счётлар

318. Балансдан ташқари счётларда бюджет ташкилотларида вақтинча-

лик турган ва унга қарашли бўлмаган моддий қимматликлар (оператив ижарага олинган асосий воситалар, жавобгарликда сақлаш учун ёки қайта ишлаш учун олинган моддий қимматликлар), шунингдек қатъий ҳисобот бланкалари, дам олиш уйлари ҳамда санаторийлар учун йўлланмалар ва бошқалар ҳисобга олинади.

319. Балансдан ташқари счётларда ҳисоб оддий ҳисоб системасида юритилади. Балансдан ташқари счётларда ҳисобга олинган барча товар-моддий қимматликлар, шунингдек оператив ижарага олинган асосий воситалар балансда ҳисобга олинган моддий қимматликлар учун белгиланган тартибда ва муддатда инвентаризация қилинади.

320. Бюджет ташкилотларига, зарур ҳолларда, бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилишини таъминлаш мақсадида, белгиланган тартибда қўшимча балансдан ташқари счётларни қўллашига рухсат этилади.

321. Кўрсатиб ўтилганларни ҳисобга олиш учун бюджет ташкилотларида қуйидаги балансдан ташқари счётлар қўлланади:

01 «Оператив ижарага олинган асосий воситалар ва қийматликлар»;

02 «Масъул сақлашга олинган товар-моддий қимматликлар»;

03 «Қатъий ҳисобот бланкалари»;

04 «Ишончсиз дебиторларнинг қарзларининг харажатга чиқарилиши»;

05 «Ўқувчилар ва талабаларнинг қайтарилмаган моддий қимматликлар бўйича қарзлари»;

06 «Кўчма спорт совринлари ва кубоклари»;

07 «Тўланмаган йўлланмалар»;

08 «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари»;

09 «Харбий техникаларнинг ўқув предметлари»;

10 «Эскирганларининг ўрнига берилган транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари».

322. 01 «Оператив ижарага олинган асосий воситалар ва қийматликлар» счётида бошқа ташкилотлардан шартнома бўйича ижарага олинган асосий воситалар (молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар бундан мустасно) шартномада назарда тутилган қийматда ҳисобга олинади. Оператив ижарага олинган асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби ижарага берувчилар ва асосий воситаларнинг объектларини ижарага олувчиларда ижарага берувчиларнинг инвентар рақамлари юритилади.

Ижарага берилган асосий воситалар ижарага берувчи ташкилотларда балансдан (ҳисобдан) чиқарилмайди, ижарага олувчи бюджет ташкилотиди мазкур асосий воситалар 01 «Оператив ижарага олинган асосий воситалар ва қийматликлар» балансдан ташқари счётида ҳисобга олинади.

323. 02 «Масъул сақлашга олинган товар-моддий қимматликлар» счётида ташкилот томонидан жавобгарликда сақлаш учун қабул қилинган маҳсулот ва моддий қимматликлар ҳисобга олинади. Уларга шартнома бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини бажариш учун олинган маҳсулоти жиҳозлар ҳам киради. Жавобгарликда сақлаш учун олинган маҳсулот ва моддий қимматликларнинг аналитик ҳисоби ташкилотлар, бу мод-

дий қимматликларнинг эгалари, турлари, навлари ва сақланадиган жойлари бўйича шартномада кўрсатилган ёки харид қилинган нархларда юритилади.

Бу счётада, шунингдек, қайта ишлаш учун олинган хом ашё ва материаллар шартномаларда кўзда тутилган нархларда ҳисобга олинади.

324. 03 «Қатъий ҳисобот бланклари» счётида сақланаётган ва ҳисобот бериш шarti билан бериладиган қатъий ҳисобот бланкалари (квитанция дафтарчалари, аттестатлар, дипломлар, гувоҳнома бланкалари, меҳнат дафтарчалари ва бошқалар) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича ҳисобга олинади.

325. 04 «Ишончсиз дебиторларнинг қарзларининг харажатга чиқарилиши» счётида тўлашга қодир бўлмаган дебиторларнинг қарзи қарздорларнинг мулкый ҳолати ўзгарган тақдирда ундириш имконини кузатиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган муддат давомида ҳисобга олиб борилади. Ушбу қарзни узиш учун олинган суммалар бу счётадан ўчирилади ва бюджет маблағлари ҳисобидан юзага келган ундирилган дебиторлик қарзлар тегишли бюджет даромадига, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига юзага келган ундирилган дебиторлик қарзлар суммаси ташкилотнинг даромадига олинади.

326. 05 «Ўқувчилар ва талабаларнинг қайтарилмаган моддий қимматликлар бўйича қарзлари» счётида ўқувчилар ва талабалар томонидан қайтарилмаган уст-бош, ич кийимлар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий қимматликлар юзасидан қарзи ҳисобга олинади. Таълим муассасасидан чиқарилган ўқувчилар ва талабалар ҳисобида турган моддий қимматликларни таълим муассасаси балансидан ўчириш уларнинг ўқув юртидан чиқарилганлиги ҳақидаги буйруққа асосан амалга оширилади.

327. 06 «Кўчма спорт совринлари ва кубоклари» счётида ташкилотлар турли ташкилотлар томонидан таъсис этилган ва улардан голиб командаларни мукофотлаш учун олинadиган кўчма совринларни, байроқларни, кубокларни ҳисобга оладилар. Совринлар, байроқлар, кубоклар ушбу ташкилотда бўлган давр мобайнида ҳисобга олинади.

328. 07 «Тўланмаган йўлланмалар» счётида жамоат, касаба уюшма ва бошқа ташкилотлардан текинга олинган йўлланмалар ҳисобга олинади. Йўлланмалар кассада пул ҳужжатлари билан тенг шароитда сақланиши керак.

329. 08 «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счёти фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Инвентар ва хўжалик жиҳозларини фойдаланишга бериш вақтида уларнинг қиймати тўлиқ ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётларнинг дебетида олиб борилади ва бир вақтнинг ўзида 08 «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счётида акс этирилади. Инвентар ва хўжалик жиҳозлари кейинчалик фойдаланиш (ишлатиш)га яроқсиз ҳолга келганда уларнинг қиймати 08 «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счётидан тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳисобдан чиқариш далолатномаси асосида ҳисобдан чиқарилади.

330. 09 «Ҳарбий техникаларнинг ўқув предметлари» счётида тирларда,

спорт отишмаларида, таълим муассасаларининг ҳарбий фан ва бошқа хоналаридаги барча турдаги жиҳоз ва предметлар ҳисобга олинади.

331. 10 «Эскирганларининг ўрнига берилган транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари» счётида эскирганларининг ўрнига берилган транспорт воситаларининг моторлари, аккумуляторлари, шиналари ва бошқа эҳтиёт қисмларининг ҳисоби олувчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, олган санаси ва бошқа зарурий реквизитларни кўрсатган ҳолда юритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

848 Бошоқли дон экинлари сомонининг ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1647-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 июндаги 375-сон «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлигининг 2006 йил 27 ноябрдаги 11-1481, 10/8, 91-сон қарори (рўйхат рақами 1647, 2006 йил 25 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.,

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 октябрда эълон қилинган.

51-52-сон, 522-модда) билан тасдиқланган Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси раиси**

Б. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 октябрь,
3-сон

Қишлоқ хўжалиги вазири

Б. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 октябрь,
51-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 октябрь,
131-сон

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги
вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил
4 октябрдаги 3, 51 ва 131-сон қарорига
ИЛОВА

**Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши
натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу
ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга
нисбатан жарималар қўллаш бўйича низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банддаги «табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 7-банддаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий қўмиталари» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 8-банддаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси давлат инс-

пекторлари» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси давлат инспекторлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 9-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармаларига» деган сўзлар «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасига» деган сўзларга алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармалари» деган сўзлар «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси» деган сўзларга алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасига тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 июндаги 375-сон қарори билан тасдиқланган Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ишлатилади».

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси*

А. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 4 октябрь

*Ўзбекистон Фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши раиси в. б.*

А. ХАИТОВ

2018 йил 4 октябрь

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари*

Н. ШАРИПОВ

2018 йил 4 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

849 Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-16

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги ПҚ–3852-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сон қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 сентябрь,
30/8-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
22 сентябрдаги 30/8-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк
ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 7-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Банклар томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларидан ҳужжатларга муҳр қўйиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлашни талаб этиш тақиқланади.».

2. 8-банднинг иккинчи хатбошиси «тақдим қилинади» деган сўзлардан кейин «, таъсисчилари резидент жисмоний шахслардан иборат бўлган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида масофадан туриб ҳисобварақ очиш ҳолатлари бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. Қуйидаги мазмундаги 8²-банд билан тўлдирилсин:

«8². Таъсисчилари резидент жисмоний шахслардан иборат бўлган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтиш жараёнида миллий ва чет эл валютасидаги банк ҳисобварағини масофадан туриб очиши мумкин.

Банк ҳисобварағини очиш банк ҳисобварағи шартнома офертасини ацептлаш йўли билан тузилади.

Мазкур юридик шахслар томонидан тўловлар ушбу Йўриқноманинг 3-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари қўйилган икки дона варақча ҳамда юридик шахс номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат) тақдим этилгандан сўнг, амалга оширилиши мумкин. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатдан нусха олиниб, асли қайтариб берилади.».

4. 12-банднинг «б» кичик бандидан «ва муҳр изи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 13-банднинг «в» кичик бандида «3-иловасида» деган сўзлар «3а-иловасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 14-бандда:

«в» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун мазкур Йўриқноманинг 3-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари қўйилган икки дона варақча;»;

қуйидаги мазмундаги «в¹» кичик банди билан тўлдирилсин:

«в¹) тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар учун мазкур Йўриқноманинг 3а-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган икки дона варақча;».

7. 33-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик фаолияти субъектлари номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахсларнинг имзо намуналари тақдим этилади.».

8. 35-банддаги «муҳр мавжуд бўлган тақдирда» деган сўзлар «тадбиркорлик фаолияти субъектларидан муҳр қўйиш талаб этилмайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 36-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур банд талаблари тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан татбиқ этилмайди.».

10. 3-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

11. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-иловасига мувофиқ таҳрирда 3а-илова билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси банкларида
очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси банкларида
очиладиган банк ҳисобварақлари
тўғрисидаги йўриқномага
3-ИЛОВА

Олд томони

Имзолар намуналари қўйилган
ВАРАҚЧА
(тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун)

БАНК БЕЛГИСИ

Ҳисобварақ эгаси _____
(тўлиқ номи)

Имзолар намуналарини қабул
қилишга рухсат берилди

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий
бошқариш вазифаларини амалга
оширувчи шахс _____

Манзили: _____

(имзо)

Сана: 20__ йил «__» _____

БОШҚА БЕЛГИЛАР

Орқа томони

_____ Ҳисобварақ рақами _____
(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

Лавозими	Фамилияси, исми, отасининг исми	Имзо намуналари
Биринчи имзо		
Иккинчи имзо		

Биринчи ёки иккинчи имзо
ҳуқуқидан вақтинча
фойдаланувчи мансабдор
шахсларнинг ваколат
муддати

Ваколат ва имзоларни тасдиқлайман _____
(Юридик шахс раҳбари) (Ф.И.О. ва имзо)

Берилган чек дафтарчалари		
Сана	№ дан	№ гача

».

Ўзбекистон Республикаси банкларида
очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчаларга
2-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси банкларида
очиладиган банк ҳисобварақлари
тўғрисидаги йўриқномага
3а-ИЛОВА

Олд томони

Имзолар намуналари қўйилган
ВАРАҚЧА

БАНК БЕЛГИСИ

Ҳисобварақ эгаси _____
(тўлиқ номи)

Имзолар намуналарини қабул
қилишга рухсат берилди

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий
бошқариш вазифаларини амалга
оширувчи шахс _____
(имзо)

Манзили: _____

Сана: 20__ йил «__» _____

БОШҚА БЕЛГИЛАР

Орқа томони

_____ Ҳисобварақ рақами _____
(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

Лавозими	Фамилияси, исми, отасининг исми	Имзо намуналари
Биринчи имзо		
Иккинчи имзо		

Биринчи ёки иккинчи
имзо ҳуқуқидан вақтинча
фойдаланувчи мансабдор
шахсларнинг ваколат
муддати

Ваколат ва имзоларни тасдиқлаган хўжалик
юритувчи субъект муҳрининг ўрни
Тасдиқлайман
(Юридик шахс раҳбари)

_____ (Ф.И.О. ва имзо)

Берилган чек дафтарчалари		
Сана	№ дан	№ гача

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

850 Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ–5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 17 апрелдаги 343-В ва 14-сон қарори (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 401-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 сентябрь,
343-В-2-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 октябрда эълон қилинган.

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи в. б. Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 24 сентябрь,
42-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон
Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш
департаментининг 2018 йил 24 сентябрдаги
343-В-2, 42-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялашти-
ришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«**махсус ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;».
2. 5-банднинг бешинчи хатбошиси «унинг тижорат банкининг» деган сўзлардан кейин «рахбарияти,» деган сўз билан тўлдирилсин.
3. 22-бандда:
 - а) «а» кичик бандда:
иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«юридик ёки жисмоний шахс банк ҳисобварағини (омонатни) очиш учун ариза билан мурожаат қилганда, тижорат банки аввал тақдим этилган, текшириш даврига ҳақиқий ва верификация қилинган ҳужжатлари асосида лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно;»;
учинчи хатбошидан «пластик» деган сўз чиқариб ташлансин;
 - б) «б» кичик бандда:
бешинчи хатбошида «пластик карталардан» деган сўзлар «банк карталаридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
олтинчи хатбошида «пластик карталар» деган сўзлар «банк карталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:
«энг кам иш ҳақи миқдорининг 500 бараварига тенг ёки ундан ошган суммада жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларини сотиб олинишида.».
4. 38-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларидаги «25» рақами «50» рақами билан алмаштирилсин.
5. 45-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳисобварақ очаётган шахснинг ёхуд унинг ваколатли вакилининг шахсан иштирокисиз ҳисобварақ очиш, тижорат банки аввал тақдим этилган, текширув даврига ҳақиқий ва верификация қилинган ҳужжатлар асосида идентификация қилиш имконияти мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно;».

6. 48-бандда:

ўн учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мижоз томонидан операция амалга оширилиш кунига белгиланган энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада бажарилаётган операцияларга ўхшаш операцияларнинг суммалари асоссиз тақсимланиши;»;

ўн бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн олтинчи — йигирма учинчи хатбошилар тегишлича ўн бешинчи — йигирма иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этирилсин:

«жисмоний шахс томонидан операция амалга оширилиш кунига белгиланган энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган суммада нақд пул кўринишидаги пул маблағларини юридик шахснинг ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг банк ҳисобварағига қарз, молиявий ёрдам, устав фонди (капитал)га қўйилма сифатида киритилиши ёхуд айланма маблағларининг тўлдирилиши;»;

ўн еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн саккизинчи — йигирма иккинчи хатбошилар тегишлича ўн тўққизинчи — йигирма биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн еттинчи хатбошидаги «500» рақами «1000» рақами билан алмаштирилсин;

ўн саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларига юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобварақларидан операция амалга оширилиш кунига белгиланган энг кам иш ҳақининг 1000 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган суммадаги пул маблағларининг дивиденд ёки даромад сифатида кўчирилиши;»;

йигирманчи хатбошидаги «100» рақами «500» рақами билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига, олувчи рўйхатдан ўтган жойдан фарқланувчи ҳудудда жойлашган банкда очилган олувчининг ҳисобварағига ўтказилиши.».

7. 49-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахслар томонидан (шу жумладан, бир нечта жисмоний шахслар томонидан бир контрагент номига), шу жумладан, пул ўтказмалари тизимлари орқали бир вақтда ёки кўп маротаба 1 ойдан ошмаган муддат давомида энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада чет эл валютасида чет элдан жўнатиш пул маблағлари олиниши ёки чет элга пул маблағлари жўнатилиши;

жисмоний шахслар ва/ёки якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бир

вақтда ёки кўп маротаба 1 ойдан ошмаган муддат давомида энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада чет эл валютасидаги пул маблағлари сотилиши, сотиб олиниши ёки халқаро тўлов карталаридан ечиб олиниши;»;

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўнинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишлича тўққизинчи — ўнинчи деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«норезидент томонидан резидентга грантлар, молиявий ёрдам, қарз ёки беғараз ёрдам сифатида пул маблағлари берилиши;

операция бажарувчи томонлардан бири фаол террористик ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудларда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса (мамлакатлар ва туманлар рўйхати махсус ваколатли давлат органи томонидан тақдим қилинади);

террористик тусдаги жиноятни содир этганлиги учун халқаро қидирувда бўлган шахсларнинг операциялари (шахслар рўйхати махсус ваколатли давлат органи томонидан тақдим қилинади);

янги ташкил этилганига уч ойдан кўп бўлмаган юридик шахс — мижознинг унинг фаолияти характериға мувофиқ бўлмаган мақсадларда пул айланмаси энг кам иш ҳақининг 20000 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошса;

жисмоний шахслар томонидан бир вақтда ёки 1 ойдан ошмаган муддат давомида кўп маротаба энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада Марказий банкнинг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларини сотиб олиниши.».

8. 54-банднинг тўртинчи хатбошиси «географик ҳудудлар» деган сўзлардан кейин «, шунингдек маҳсулот ва хизматлар етказиш каналлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. 55-банднинг «в» кичик бандидаги «фуқаролари бўлмаган жисмоний шахслар» деган сўзлар «норезидент — жисмоний шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 67-бандда:

биринчи хатбошидаги «банк бошқаруви раисига» деган сўзлар «тижорат банки раҳбариятига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Раҳбариятни хабардор қилиш тартиби ва шакли тижорат банкининг ички қоидалари билан белгиланади.».

11. 84-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«84. Барча мижозлар (лозим даражада текшириш талаб этилмайдиган мижозлар бундан мустасно) бўйича анкеталар махсус дастурлар ёрдамида электрон шаклда тўлдирилади. Гумонли ва (ёки) шубҳали операцияларни амалга оширувчи ва юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган мижозлар бўйича анкеталар реестри электрон шаклда юритилади.».

12. 85-банддан иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

851 Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 26 октябрдаги 13-мҳ-сон қарори (рўйхат рақами 2954, 2017 йил 7 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 49-сон, 1221-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. НАБИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 октябрь,
12-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
жисмоний тарбия ва спорт вазирининг
2018 йил 9 октябрдаги 12-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига
номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий
принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 10-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«10. Рўйхат (3 та нусхада) спорт федерацияси (уюшмаси) раҳбари томонидан имзоланган тақдимномага илова қилган ҳолда ҳар йили 31 декабр-га қадар Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига (бундан буён матнда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги деб юритилади) тақдим этилади.»

2. 11, 12, 14-бандлардаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» деган сўзлар «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 13-банддаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» ва «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» деган сўзлар тегишинча «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг» ва «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 15-банддаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» деган сўзлар «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 16-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«16. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги тақдимномани 30 кун ичида кўриб чиқади.»

6. 17-банддаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши билан келишилган.

*Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи
«Ватанпарвар» ташкилоти
Марказий Кенгаши раиси*

Р. НИЯЗОВ

2018 йил 9 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

852 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3079*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 сентябрь,
30/13-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
22 сентябрдаги 30/13-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат
банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллашти-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 октябрда эълон қилинган.

риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ҳамда пул-кредит сиёсати фоиз инструментлари самарадорлигини ошириш мақсадида тижорат банкларининг пул маблағларини жалб қилиш ва уларни қайтариш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Марказий банкнинг тижорат банклари билан депозит операциялари (бундан буён матнда депозит операциялари деб юритилади) — Марказий банк томонидан тижорат банкларининг пул маблағларини депозитларга жалб қилиш операциялари;

валюта биржаси — чет эл валютаси, давлат қимматли қоғозлари, молиявий ҳосила инструментлари (деривативлар) олди-сотдиси ҳамда улар билан боғлиқ бошқа биржа битимлари бўйича биржа савдоларини, шунингдек банклараро пул бозорини ҳамда Марказий банкнинг тижорат банклари билан амалга ошириладиган кредит ва депозит аукционларини ташкил этувчи юридик шахс;

Бош битим — депозит операцияларини амалга оширишнинг умумий шартлари ва тартибини белгиловчи Марказий банк билан тижорат банклари ўртасида тузиладиган ўзаро ҳаракат;

электрон савдо платформаси — банклараро пул бозорида электрон шаклда биржа савдоларини ўтказиш имконини берувчи ҳамда қабул қилинган буюртмаларни рўйхатга олиш, биржа битимларини тузиш, жорий маълумотларни савдо иштирокчилари иш ўринларида акс эттириш, савдо жараёнини баёнлаштириш ва якуний биржа ҳужжатларини шакллантиришни таъминловчи валюта биржасининг автоматлаштирилган тизими;

депозит аукциони — тижорат банкларининг пул маблағларини жалб қилиш бўйича Марказий банк томонидан тижорат банклари ўртасида амалга ошириладиган кимошди савдолари;

рақобатли ариза — депозит аукционида иштирок этиш учун тижорат банклари томонидан фоиз ставкаси кўрсатилган ҳолда тақдим этиладиган ариза;

рақобатсиз ариза — депозит аукционида иштирок этиш учун тижорат банклари томонидан фоиз ставкаси кўрсатилмаган ҳолда тақдим этиладиган ариза;

ўзгармас фоиз ставкаси — пул-кредит сиёсати мақсадларидан келиб чиққан ҳолда тижорат банкларининг депозит маблағларини жалб қилиш бўйича Марказий банк Кредит кўмитаси томонидан ўрнатиладиган ставка;

чегириш фоиз ставкаси — депозит аукциони натижаларига кўра тижорат банкларининг қондириладиган рақобатли аризалари бўйича тақлиф этилган максимал ставка.

2. Депозит операциялари Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

3. Депозит операциялари Марказий банк билан тижорат банклари ўртасида тузиладиган Марказий банкнинг депозит операцияларида қатнашиш тўғрисидаги Бош битимга асосан амалга оширилади.

4. Депозитлар бўйича фоиз ставкалари уларнинг муддатидан келиб чиққан ҳолда Марказий банкнинг Кредит қўмитаси томонидан ўрнатилади.

5. Депозит операцияларини амалга оширишда тижорат банклари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Марказий банкнинг мажбурий резерв талабларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарганлиги;

Марказий банк олдида муддати ўтказиб юборилган қарз мажбуриятлари, жумладан, Марказий банкнинг кредитлари ва уларнинг фоизлари бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги.

6. Марказий банк депозит операциялари бўйича тижорат банклари томонидан жойлаштириладиган депозитлар миқдорига ва ҳар бир тижорат банкдан депозит аукционига қабул қилинадиган аризалар сонига лимитлар ўрнатиши мумкин.

7. Депозит операцияларини амалга ошириш учун аризаларни тақдим этиш валюта биржасининг электрон савдо платформаси орқали, шунингдек Бош битимда кўрсатилган бошқа усулларда амалга оширилади.

8. Депозит операциялари амалга оширилганда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

депозитга қўйилган пул маблағларини талаб қилиш ҳуқуқини учинчи томонга бериш;

жойлаштирилган депозитлар муддатини узайтириш.

2-боб. Депозит операцияларининг турлари, ўтказилиши ва депозитларга фоизлар ҳисобланиши

9. Марказий банк томонидан қуйидаги турдаги депозит операциялари амалга оширилади:

депозит аукциони (фоизли ва миқдорий);

ўзгармас фоиз ставкаси бўйича депозит операциялари.

10. Депозит аукциони ўтказилиши тўғрисидаги маълумот аукцион ўтказиладиган кундан камида уч иш куни олдин Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Ушбу маълумот қуйидагиларни ўз ичига олади:

депозит аукциони ўтказиш санаси;

депозит аукциони тури (фоизли ёки миқдорий);

депозит муддати;

аукцион ўтказиш усули («америкача» ёки «голландча»);

маблағларни депозитга ўтказиш санаси;

маблағларни қайтариш ва депозит бўйича фоизларни тўлаш санаси;

рақобатсиз аризаларнинг максимал улуши (фоизли депозит аукциони амалга оширилганда);

депозит аукциони фоиз ставкаси (фоизли депозит аукциони амалга оширилганда ўрнатилмаслиги мумкин);

депозит аукционига жалб қилинадиган маблағларнинг максимал миқдори (ўрнатилган ҳолларда);

ҳар бир ариза бўйича таклиф этиладиган минимал ва максимал миқдор (ўрнатилган ҳолларда);

битта тижорат банкдан депозит аукционига қабул қилинадиган аризалар сони (ўрнатилган ҳолларда);

депозит аукциони бўйича аризаларни қабул қилиш вақти;

депозит аукциони натижалари ёки ўтказилиши бекор қилинганлиги ҳақида маълумотларни эълон қилиш вақти.

11. Депозит аукционини ўтказиш тўғрисидаги маълумот Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган куни валюта биржасининг электрон савдо платформаси орқали тижорат банкларига етказилади.

12. Депозит операциялари ўтказиладиган кунда тижорат банклари томонидан депозит операцияларида иштирок этиш учун аризалар электрон савдо платформасида электрон шаклда шакллантирилади.

13. Тижорат банклари томонидан депозит операцияларида қатнашиш учун тақдим этилаётган аризаларда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим: ариза тартиб рақами ва санаси ва жойи;

тижорат банки номи;

депозит операцияси тури (депозит аукциони ёки ўзгармас фоиз ставкаси бўйича депозит операцияси);

депозит операциясида иштирок этиш санаси;

депозит муддати (стандарт шартлар асосида);

депозит суммаси;

таклиф этилаётган фоиз миқдори;

депозитни жойлаштириш ва қайтариш санаси.

14. Фоизли депозит аукциони тижорат банкларининг аризаларида таклиф этилган фоиз ставкаларидан келиб чиққан ҳолда, миқдорий депозит аукциони тижорат банкларининг аризаларида таклиф этилган депозит ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ўтказилади.

15. Депозит аукциони икки ёки ундан ортиқ тижорат банклари томонидан аризалар тақдим этилган ҳолларда амалга оширилади.

16. Депозит аукциони қуйидаги стандарт шартлар асосида ўтказилади:

«1 ҳафта» — муддати етти календарь кунидан иборат бўлган депозит операцияси;

«2 ҳафта» — муддати ўн тўрт календарь кунидан иборат депозит операцияси;

«1 ой» — муддати бир ойдан иборат депозит операцияси;

«3 ой» — муддати уч ойдан иборат депозит операцияси;

бошқа шартлар асосида — бунда депозит муддати Марказий банкнинг депозит аукциони ўтказилиши ҳақидаги маълумотида кўрсатилади.

17. Фоизли депозит аукционлари Марказий банк томонидан депозит аукционига жалб қилинадиган пул маблағларининг максимал миқдори ўрна-

тилган ҳолда амалга оширилади. Бунда, депозитлар бўйича максимал фоиз ставкаси ҳам ўрнатилиши мумкин.

18. Тижорат банклари фоизли депозит аукционларида иштирок этишлари учун рақобатли ҳамда рақобатсиз аризалар беришлари мумкин.

19. Тижорат банкларининг рақобатли аризаларидаги таклиф этилган фоиз ставкалари Марказий банк томонидан ўрнатилган максимал фоиз ставкасидан юқори бўлган ҳолларда ушбу аризалар фоизли депозит аукционига қабул қилинмайди.

20. Рақобатсиз аризалар фоизли депозит аукциони натижалари бўйича аниқланган ўртача тортилган фоиз ставкасида қондирилади.

21. Тижорат банкларининг рақобатсиз аризалари бўйича таклиф этилган жами депозит маблағлари миқдори Марказий банк томонидан ўрнатилган депозит аукционига жалб қилинадиган маблағларнинг максимал миқдорига тенг бўлган ёки ошган ҳолларда ушбу фоизли депозит аукциони бекор қилинади.

22. Ўртача тортилган фоиз ставкаси депозит аукциони якунлари бўйича тўлиқ ёки қисман қондириладиган рақобатли аризалар фоиз ставкаси ҳамда жалб қилинадиган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

23. Марказий банк тижорат банклари томонидан фоизли депозит аукционига иштирок этиш учун тақдим қилинган рақобатли ва рақобатсиз аризалар рўйхатини шакллантиради ва рақобатли аризаларни уларда таклиф этилган фоиз ставкаларига кўра ўсиб бориш тартибда таснифлайди. Ушбу таснифланган аризалардан келиб чиқиб, Марказий банк чегириш фоиз ставкасини белгилайди.

24. Фоизли депозит аукциони натижалари бўйича чегириш фоиз ставкаси Марказий банк томонидан фоизли депозит аукциони бўйича максимал фоиз ставкасига (ўрнатилган ҳолларда) тенг бўлмаслиги мумкин.

25. Марказий банк томонидан фоизли депозит аукциони натижалари бўйича аввал тижорат банкларининг рақобатсиз аризалари тўлиқ, шунингдек таклиф этилган фоиз ставкаси чегириш ставкасидан юқори бўлмаган рақобатли аризалари қондирилади. Рақобатли аризалар таклиф қилинган минимал фоиз ставкаларидан чегириш фоиз ставкасигача бўлган тартибда қондирилади.

26. Фоизли депозит аукционлари икки хил усулда ўтказилиши мумкин:
«америкача» усул — тижорат банкларининг рақобатли аризалари уларда таклиф этилган фоиз ставкалари бўйича;

«голландча» усул — тижорат банкларининг рақобатли аризалари чегириш ставкаси бўйича қондирилади.

27. Фоизли депозит аукциони натижаларига кўра қондирилиши лозим бўлган аризаларнинг жами миқдори Марказий банк томонидан белгиланган максимал миқдордан ошган ҳолларда, таклиф этилган фоиз ставкаси чегириш ставкасига тенг бўлган рақобатли аризалар уларда кўрсатилган ҳажмлардан келиб чиқиб, мутаносиб равишда қисман қондирилади. Бунда тижорат банкларининг аризалари миқдори сўмгача яхлитланади.

28. Миқдорий депозит аукционлари Марказий банк томонидан депозит-

лар бўйича белгиланган фоиз ставкасини ўрнатган ҳолда амалга оширилади. Бунда, жалб қилинадиган пул маблағларининг максимал миқдори ҳам ўрнатилиши мумкин.

29. Тижорат банклари миқдорий депозит аукционида иштирок этиш учун Марказий банк томонидан белгиланган фоиз ставкасида аризалар тақдим этади.

30. Электрон савдо платформаси тижорат банклари томонидан миқдорий депозит аукционида иштирок этиш учун тақдим қилинган аризалар рўйхатини унда таклиф этилган ҳажмлар бўйича пасайиб бориш тартибида шакллантиради ва уларнинг жами ҳажми аниқланади.

31. Марказий банк шакллантирилган рўйхатни таҳлил қилган ҳолда миқдорий депозит аукциони якуни бўйича жалб қилинадиган маблағлар миқдорини аниқлайди. Ушбу жалб қилинадиган маблағлар миқдори Марказий банк томонидан ўрнатилган максимал миқдорга (агар ўрнатилган бўлса) тенг келмаслиги мумкин.

32. Миқдорий депозит аукциони натижаларига кўра қондирилиши лозим бўлган аризалардаги жами миқдор депозит аукциони якуни бўйича жалб қилинадиган маблағлар миқдоридан ошган ҳолларда аризалар уларда кўрсатилган ҳажмлар улушидан келиб чиқиб мутаносиб равишда қисман қондирилади. Бунда тижорат банкларининг аризалари миқдори сўмгача яхлитланади.

33. Миқдорий депозит аукциони натижаларига кўра тижорат банкларининг аризалари Марказий банк томонидан белгиланган фоиз ставкасида қондирилади.

34. Депозит аукционлари бўйича тижорат банкларидан етарлича аризалар қабул қилинмаган тақдирда ёки Марказий банк Кредит қўмитасининг қарорига кўра депозит аукционларини ўтказиш бекор қилиниши мумкин.

35. Ўтказилган депозит аукцион натижалари ёки ўтказилиши бекор қилинганлиги ҳақида маълумотлар Марказий банк ва валюта биржасининг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади.

36. Марказий банк томонидан ўзгармас фоиз ставкаси бўйича депозит операциялари қуйидаги стандарт шартлар асосида амалга оширилади:

«овернайт» — муддати бир иш кунидан иборат депозит операцияси (бунда депозит операцияси жума куни амалга оширилганда — жума кунидан душанба кунигача бўлган муддат бир иш куни ҳисобланади);

«1 ҳафта» — муддати етти календарь кунидан иборат бўлган депозит операцияси;

«2 ҳафта» — муддати ўн тўрт календарь кунидан иборат депозит операцияси;

«1 ой» — муддати бир ойдан иборат депозит операцияси;

«3 ой» — муддати уч ойдан иборат депозит операцияси.

37. Марказий банк ўзгармас фоиз ставкалари бўйича депозит операцияларини ўтказиш шартлари тўғрисида ўзининг расмий веб-сайтида эълон беради.

38. Марказий банк томонидан жалб қилинган депозитлар бўйича фоизлар Марказий банкка пул маблағлари келиб тушган кундан кейинги кундан бошлаб депозит қайтариб берилган кунгача (бунда депозит қайтарилган кун ҳисобга олинмайди), йиллик 365 календарь кунидан келиб чиқиб, қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$I = D * R * (T / 365), \text{ бунда:}$$

I — депозит бўйича ҳисобланган фоизлар миқдори; D — депозит миқдори; R — депозит бўйича фоиз ставка; T — депозит жалб қилинган кунлар сони.

3-боб. Депозит операциялари бўйича ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши

39. Тижорат банкларининг депозит операциялари бўйича мажбуриятлари тегишли депозит ҳисобварақлардан Марказий банкнинг депозит ҳисобварағига аризада белгиланган миқдорнинг ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши ҳисобланади.

40. Тижорат банкларининг депозит операциялари бўйича мажбуриятларининг бажарилганлиги Марказий банкдаги тегишли депозит ҳисобварақдан олинган кўчирмалар билан тасдиқланади.

41. Марказий банкнинг депозит операцияларини амалга ошириш бўйича мажбурияти тижорат банкларининг аризаларида кўрсатилган тегишли ҳисобварақларга депозит маблағлари ва жалб қилинган депозитларга ҳисобланган фоизларини ўз вақтида ва тўлиқ ўтказиб берилиши билан амалга оширилади.

42. Марказий банкнинг депозит операцияларини амалга ошириш бўйича мажбуриятларининг бажарилиши тижорат банкларига депозит маблағлари ва уларга ҳисобланган фоизларнинг ўтказилганлиги бўйича тегишли ҳисобварақлардан олинган кўчирмалар билан тасдиқланади.

43. Тижорат банклари томонидан Марказий банкнинг депозит ҳисобварағига аризада кўрсатилган миқдордан кўпроқ маблағ ўтказилган бўлса, Марказий банк кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда банкнинг депозит ҳисобварағига депозит миқдоридан ортиқча маблағни қайтаради ва ушбу ортиқча миқдор учун фоизлар ҳисобланмайди.

44. Агар тижорат банклари томонидан депозитни жойлаштириш санаида Марказий банкнинг депозит ҳисобварағига аризада кўрсатилган миқдордан кам маблағ ўтказилган бўлса, бир иш куни ичида Марказий банк томонидан тижорат банки депозитнинг тўлиқ ўтказилиши юзасидан электрон тартибда (телефонограмма ёки lotus notes дастури орқали) огоҳлантирилади.

Бунда тўлиқ жойлаштирилмаган депозитлар бўйича фоизлар ҳисобланмайди.

Тижорат банки томонидан огоҳлантириш олинган куни Марказий банк-

нинг депозит ҳисобварағига аризада кўрсатилган миқдордаги маблағ тўлиқ ўтказиб берилмаса ушбу депозит операцияси бекор қилинади.

45. Депозитларни қайтариш ва уларга ҳисобланган фоиз тўловларини амалга ошириш куни дам олиш ёки байрам кунларига тўғри келган ҳолларда, тўловлар кейинги иш кунида амалга оширилади.

46. Депозит операцияларининг бухгалтерия ҳисоби қонун ҳужжатлари-га мувофиқ амалга оширилади.

4-боб. Марказий банкда жойлаштирилган депозит маблағларининг муддатидан олдин қайтарилиши

47. Тижорат банклари депозит ҳисобварағига жойлаштирилган депозит маблағларини муддатидан олдин қайтарилиши бўйича Марказий банкка ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Ушбу ариза Марказий банк томонидан бир иш куни давомида кўриб чиқилади ва қондирилади.

48. Тижорат банклари томонидан жойлаштирилган депозитлар: жойлаштирилган кунида қайтарилишига; қисман қайтарилишига йўл қўйилмайди.

49. Депозит операциялари бўйича пул маблағлари муддатидан аввал қайтарилган ҳолларда улар бўйича фоиз тўловлари амалга оширилмайди.

5-боб. Яқуний қоида

50. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

853 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3080*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ–3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 сентябрь,
30/14-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
22 сентябрдаги 30/14-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг
чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ–3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан банк тизими

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 октябрда эълон қилинган.

ликвидлигини тартибга солиш ҳамда пул-кредит сиёсати фоиз инструментлари самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банк облигацияларини муомалага чиқариш, жойлаштириш ва сўндириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Марказий банк облигациялари (бундан буён матнда облигациялар деб юритилади) — облигация эгасига белгиланган муддатда унинг номинал қиймати ва номинал қийматига нисбатан фоиз ҳисобида купонли даромад олиш ҳуқуқини берувчи Марказий банк томонидан электрон шаклда чиқарилган эмиссиявий қимматли қоғозлар;

купон даври — облигация эгасига фоизли даромад тўлаб бериладиган Марказий банк томонидан белгиланган давр;

валюта биржаси — чет эл валютаси, давлат қимматли қоғозлари, молиявий ҳосила инструментлари (деривативлар) олди-сотдиси ҳамда улар билан боғлиқ бошқа биржа битимлари бўйича биржа савдоларини, шунингдек банклараро пул бозорини ҳамда Марказий банкнинг тижорат банклари билан амалга ошириладиган кредит ва депозит аукционларини ташкил этувчи юридик шахс;

савдо тизими — облигациялар бўйича электрон савдоларни ташкиллаштириш, облигацияларни сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, тузилган битимлар бўйича клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминловчи валюта биржасининг автоматлаштирилган электрон тизими;

Бош битим — Марказий банк билан тижорат банклари, шунингдек тижорат банклари билан валюта биржаси ўртасида тузиладиган, облигациялар бўйича амалга ошириладиган операцияларнинг умумий шартлари ва тартибини белгилловчи ўзаро ҳаракат;

дилер — Марказий банк ҳамда валюта биржаси билан тузилган Бош битим асосида облигациялар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи тижорат банклари;

аукцион савдолари — облигацияларни жойлаштириш бўйича Марказий банк томонидан тижорат банклари ўртасида амалга ошириладиган кимошди савдолари;

рақобатли буюртма — аукцион савдоларида иштирок этиш учун тижорат банклари томонидан фоиз ставкаси кўрсатилган ҳолда тақдим этиладиган буюртма;

рақобатсиз буюртма — аукцион савдоларида иштирок этиш учун тижорат банклари томонидан фоиз ставкаси кўрсатилмаган ҳолда тақдим этиладиган буюртма;

чегириш фоиз ставкаси — аукцион савдолари натижаларига кўра тижорат банкларининг қондириладиган рақобатли буюртмаларида тақлиф этилган максимал фоиз ставкаси;

РЕПО битими — облигацияларни белгиланган муддат ва нархда уларнинг айнан шу чиқарилиш ва миқдорда қайта сотиб олиш мажбурияти билан сотиш бўйича икки томонлама ҳаракат.

2-боб. Облигацияларни чиқарилиши

2. Облигациялар Марказий банк томонидан муомалага чиқарилади, жойлаштирилади ва сўндирилади, шунингдек уларнинг ликвидлиги Марказий банк тасарруфидаги барча активлар билан таъминланади.

3. Облигациялар кредитлар учун гаров таъминоти ва РЕПО битимларида олди-сотди объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

4. Облигациялар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида номинал қиймати кўрсатилган ҳолда чиқарилади.

5. Облигацияларнинг чиқарилиши алоҳида эмиссия тарзида амалга оширилади. Ҳар бир чиқарилган эмиссияга идентификацион рақам берилади ва Глобал сертификат билан расмийлаштирилади.

6. Идентификацион рақам ўн белгили разряддан (X1X2X3X4X5X6X7X8X9X10) иборат.

Биринчи разряд (X1) — «2» рақами қимматли қоғознинг турини кўрсатади.

Иккинчи разряд (X2) — қимматли қоғознинг муомала даврини кўрсатади:

«1» — уч ой муддатга муомалада бўлган облигациялар учун;

«2» — олти ой муддатга муомалада бўлган облигациялар учун;

«3» — тўққиз ой муддатга муомалада бўлган облигациялар учун;

«4» — ўн икки ой муддатга муомалада бўлган облигациялар учун.

Учинчи, тўртинчи ва бешинчи разрядлар (X3X4X5) мазкур чиқаришнинг тартиб рақамини кўрсатади.

Олтинчи, еттинчи ва саккизинчи разрядлар (X6X7X8) — «СВU» (Central Bank of Uzbekistan) ҳарфлари эмитентни англатади.

Тўққизинчи разряд (X9) — «S» ҳарфи ушбу облигация давлат қимматли қоғози эканлигини билдиради.

Ўнинчи разряд (X10) — «S» ҳарфлари қимматли қоғоз миллий валютада чиқарилганлигини билдиради.

7. Глобал сертификат Марказий банк томонидан ишлаб чиқилиб, унда эмиссияга тегишли асосий параметрлар белгиланади.

8. Облигациялар бўйича барча операциялар валюта биржаси томонидан ишлаб чиқилган биржа савдоларини ўтказиш қоидаларига мувофиқ савдо тизими орқали амалга оширилади.

9. Облигацияларнинг муомалада бўлиш даври аукцион савдолари ўтказилган куннинг кейинги кунидан бошланиб облигацияларнинг сўндирилиш кунидан аввалги кунда тугайди.

3-боб. Облигацияларни жойлаштириш

10. Марказий банк томонидан чиқарилган облигацияларни тижорат банклари ўртасида жойлаштириш валюта биржасининг савдо тизимида ўтказилган аукцион савдолари орқали амалга оширилади.

Аукцион савдолари иштирокчилар сони икки ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда ўтказилади.

11. Аукцион савдолари Марказий банк томонидан жойлаштириладиган облигацияларнинг максимал миқдори ўрнатилган ҳолда амалга оширилади.

Аукцион савдоларида облигациялар бўйича максимал фоиз ставкаси ҳам ўрнатилиши мумкин.

12. Аукцион савдолари натижаларига кўра жойлаштирилмай қолган облигациялар навбатдаги аукцион савдолари орқали қўшимча равишда жойлаштирилади.

13. Облигацияларни жойлаштириш бўйича аукцион савдолари шартлари тўғрисидаги маълумотлар аукцион савдоси ўтказиладиган кундан камида 3 иш куни олдин Марказий банкнинг расмий веб-сайтида мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ эълон қилинади.

14. Валюта биржаси Марказий банкнинг эълони асосида ўтказиладиган аукцион савдоси ҳақидаги маълумотни ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилади.

15. Марказий банк томонидан облигациялар ҳисобини юритиш ва битимларни рўйхатга олиш учун ҳар бир дилерга алоҳида рўйхатга олиш коди берилади.

16. Дилерни рўйхатга олиш коди уч гуруҳга бўлинган ўн белгили разряддан (X0X1X2X3X4X5X6X7X8X9) иборат.

Биринчи гуруҳ (X0) — «2» бозор кодиги англатади — Марказий банк облигациялари.

Иккинчи гуруҳ (X1X2X3X4) дилернинг Марказий банк билан тузган Бош битим асосида берилган тартиб рақамини англатади.

Учинчи гуруҳ (X5X6X7X8X9) доимо 00000 га тенг.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига 2000100000 рўйхатга олиш коди берилади.

17. Дилерлар аукцион савдолари ўтказиладиган куни облигацияларни сотиб олиш учун савдо тизимига электрон шаклда рақобатли ва рақобатсиз буюртмалар киритади.

18. Марказий банк аукцион савдолари бўйича тижорат банклари томонидан сотиб олинadиган облигациялар сонига ва ҳар бир тижорат банкдан аукцион савдоларига қабул қилинадиган буюртмалар сонига лимитлар ўрнатиши мумкин.

19. Рақобатли буюртмаларда сотиб олиниши режалаштирилган облигацияларнинг фоиз ставкаси ва сони кўрсатилади.

Рақобатсиз буюртмаларда сотиб олиниши режалаштирилган облигацияларнинг умумий сони кўрсатилади.

20. Рақобатсиз буюртмалар аукцион савдолари натижалари бўйича аниқланган ўртача тортилган фоиз ставкасида қондирилади.

Ўртача тортилган фоиз ставкаси аукцион савдолари якунлари бўйича тўлиқ ёки қисман қондирилган рақобатли буюртмалар фоиз ставкаси ҳамда сотиб олинган облигациялар миқдорларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

21. Аукцион савдолари икки хил усулда ўтказилади:

«америкача» усул — рақобатли буюртмалар уларда таклиф этилган фоиз ставкалари бўйича қондирилади;

«голландча» усул — рақобатли буюртмалар чегириш фоиз ставкаси бўйича қондирилади.

22. Савдо тизими тижорат банклари томонидан келиб тушган буюртмалар бўйича мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ рўйхат шакллантиради, ушбу рўйхат валюта биржаси томонидан Марказий банкка тақдим этилади.

23. Марказий банк чиқарилган облигацияларнинг ҳажми доирасида тижорат банкларининг буюртмаларида кўрсатилган фоиз ставкаларидан келиб чиққан ҳолда аукцион савдолари бўйича чегириш фоиз ставкасини белгилайди.

24. Аукцион савдолари натижаларида белгиланган чегириш фоиз ставкасидан юқори фоиз ставкага эга бўлган буюртмалар қондирилмайди.

25. Марказий банк аукцион савдолари натижалари бўйича тижорат банкларининг аввал рақобатсиз буюртмаларини тўлиқ, шунингдек таклиф этилган фоиз ставкаси чегириш фоиз ставкасидан юқори бўлмаган рақобатли буюртмаларни қондириш бўйича валюта биржасига топшириқ беради.

Рақобатли буюртмалар уларда таклиф қилинган минимал фоиз ставкаларидан чегириш фоиз ставкасигача бўлган тартибда қондирилади.

26. Аукцион савдолари натижаларига кўра қондирилиши лозим бўлган буюртмаларнинг жами миқдори Марказий банк томонидан чиқариладиган облигацияларнинг умумий ҳажмидан ошган ҳолларда, таклиф этилган фоиз ставкаси чегириш фоиз ставкасига тенг бўлган рақобатли буюртмалар савдо тизимига киритилган вақтига қараб қондирилади. Бунда аввал киритилган буюртмалар кейин киритилган буюртмалардан олдин қондирилади.

27. Аукцион савдолари натижалари тўғрисидаги маълумотлар Марказий банк ва валюта биржаси расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

4-боб. Облигацияларнинг иккиламчи бозорда муомалада бўлиши

28. Облигацияларнинг иккиламчи бозорида аукцион савдолари натижаларига кўра харид қилинган облигациялар бўйича дилерлар ўртасида олди-сотди операциялари амалга оширилади.

29. Марказий банк иккиламчи бозорда дилер сифатида облигациялар билан олди-сотди операцияларида иштирок этиши мумкин.

30. Иккиламчи бозорда облигациялар бўйича операциялар биржа савдоларини ўтказиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

31. Иккиламчи савдоларда дилерлар савдо тизими орқали облигациялар билан қуйидаги операцияларни амалга оширишлари мумкин:

келишилган нарх ва шартлар асосида облигацияларнинг олди-сотди операциялари;

гаровга олинган облигацияларни савдо тизими орқали сотиш ва сотиб олиш операциялари;

РЕПО битимлари бўйича облигацияларнинг олди-сотди операциялари.

32. Облигацияларнинг иккиламчи бозорида олди-сотди операцияларини амалга ошириш учун дилерлар томонидан сотилиши ёки сотиб олиниши

режалаштирилган облигациялар бўйича буюртмалар миқдори ва нархи кўрсатилган ҳолда савдо тизимига киритилади.

33. Облигацияларнинг иккиламчи бозорида олди-сотди шартномаларини тузиш учун савдо тизими сотиш ёки сотиб олиш учун киритилган буюртмаларга мос келадиган қарама-қарши буюртмаларнинг параметрлари бир-бирига мувофиқлигини текширади.

34. Савдо тизими параметрлари бир-бирига мос келган буюртмаларни автоматик тарзда рўйхатдан ўтказди.

35. Биржа битими савдо тизимида иккита қарама-қарши буюртмаларнинг рўйхатга олиниши билан тузилган ҳисобланади.

36. Ҳар бир биржа битими тузилганда савдо тизими уни рўйхатга олади, унга рўйхатга олиш рақамини бириктиради ва савдо иштирокчиларига ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга асос бўладиган биржа гувоҳномаларини тақдим этади.

37. Иккиламчи бозорда савдо тизимидаги буюртмалар нархи тенг бўлган ҳолларда, улар тақдим этилган вақтига қараб аввал тақдим этилган буюртма кейин тақдим қилинган буюртмадан олдин қондирилади.

Буюртмалар қисман қондирилган ҳолда, унинг қондирилмаган қисми алоҳида буюртма сифатида кўрилади.

38. РЕПО битимлари бўйича операцияларини ўтказиш ва улар бўйича ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1829, 2008 йил 18 июнь) мувофиқ амалга оширилади.

5-боб. Облигациялар ҳисобини юритиш

39. Облигацияларни сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг ҳисобини юритиш валюта биржасида очилган «депо» ҳисобварақларида олиб борилади.

40. Облигациялар бўйича ҳисоб-китобларни юритиш савдолар натижаларига кўра шаклланган биржа гувоҳномалари асосида амалга оширилади.

41. Облигацияларнинг сотиб олувчининг «депо» ҳисобварағига ўтказилиши сотувчининг ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушганидан сўнг амалга оширилади.

42. Облигацияларни сотиб олувчига унинг «депо» ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви амалга оширилгандан сўнг эгалик ҳуқуқи берилади ва «депо» ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

43. Сотиб олинган облигациялар ҳисоби дилерлар томонидан ҳар бир чиқарилиш бўйича алоҳида ҳисобварақларда юритилади.

44. Облигацияларга доир операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6-боб. Купон миқдорини ҳисоблаш ва уларнинг тўловларини амалга ошириш

45. Купон тўлови миқдори аукцион савдоларида сотиб олинган облига-

цияларнинг фоиз ставкаси, уларнинг номинал қиймати ва купон давридан келиб чиққан ҳолда қуйидаги формулага мувофиқ аниқланади:

$$C_i = N * R * (T / 365), \text{ бунда:}$$

C_i — купон қиймати;

N — облигациянинг номинал баҳоси;

R — фоиз ставкаси;

T — купон даври.

Купон тўловлари облигацияларнинг муомалада бўлиш даври учун ҳисобланиб, ҳар бир купон даври якуни бўйича тўлаб борилади.

46. Валюта биржаси купон даврининг охири кунда, жорий савдолар якунидан сўнг, «депо» ҳисобварағидаги қолдиқлар юзасидан ҳар бир облигация эгаси бўйича Марказий банкка рўйхат тақдим қилади.

47. Марказий банк купон тўловларини амалга ошириш учун тегишли маблағларни купон даври тугаган кундан кейинги иш кунда валюта биржасининг Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказидаги алоҳида ҳисобварағига ўтказиб беради.

48. Валюта биржаси купон тўловлари бўйича келиб тушган маблағларни дилерларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказиб беради.

49. Валюта биржаси облигация сақловчисига тегишли бўлган купон тўловлари тўлангани тўғрисидаги маълумотни ушбу тўловлар амалга оширилган кундан кейинги иш кунда Марказий банкка тақдим этади.

7-боб. Облигацияларни сўндириш

50. Марказий банк томонидан облигацияларни сўндириш уларнинг муомала даври тугаган кундан кейинги иш кунда амалга оширилади.

51. Марказий банк облигацияларни сўндириш учун савдо тизимида уларнинг тўлиқ ҳажмини номинал қийматда сотиб олиш бўйича буюртма киритади.

52. Марказий банкнинг сўндирилган облигациялари валюта биржаси томонидан савдо тизими орқали Марказий банкнинг «эмиссион ҳисобварағи»га ўтказиб берилди.

53. Облигацияларни сўндириш ҳамда купон тўловларини амалга ошириш куни дам олиш ёки байрам кунларига тўғри келган ҳолларда, тўловлар кейинги иш кунда амалга оширилади.

8-боб. Маълумотларни ошкор қилиш

54. Валюта биржасида облигациялар бўйича амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар (облигация номланиши, сони, котировкаси (нархи) ва битим санасидан ташқари) учинчи шахсларга ошкор қилинишига йўл қўйилмайди.

55. Тижорат ва банк сирларидан иборат бўлган барча маълумотларни тақдим этиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

9-боб. Яқуний қоида

56. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки облигацияларининг
чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларини
жойлаштириш бўйича аукцион савдоларини ўтказиш тўғрисида
ЭЪЛОН**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 20__ й. «__» _____ да Марказий банк облигацияларини жойлаштириш бўйича аукцион савдолари ўтказилишини маълум қилади.

1. Облигацияларни жойлаштириш санаси: 20__ й. «__» _____;
2. Эмиссия рақами: _____;
3. Чиқарилиш ҳажми: _____ млрд. сўм;
4. Облигациянинг номинал қиймати: _____ сўм;
5. Аукцион савдоси ўтказилиш усули («америкача» ёки «голландча»): _____.

6. Марказий банк томонидан белгиланган максимал фоиз ставкаси (ўрнатилган ҳолларда): _____.

7. Облигацияларни сўндириш санаси: 20__ й. «__» _____;

8. Купон даврининг давомийлиги: _____ кун;

9. Рақобатли буюртмалар максимал сони (ўрнатилган ҳолларда): _____;

10. Рақобатли буюртмалар бўйича облигацияларнинг максимал сони (ўрнатилган ҳолларда): _____;

11. Рақобатсиз буюртмалар максимал сони (ўрнатилган ҳолларда): _____;

12. Рақобатсиз буюртмалар бўйича облигацияларнинг максимал сони (ўрнатилган ҳолларда): _____;

Облигациялар белгиланган номинал нархи бўйича сотилади.

Облигацияларни жойлаштириш бўйича аукцион савдоси Тошкент шаҳрида 20__ й. «__» _____ да соат ____ дан ____ дақиқа ўтганда қуйидаги манзилда амалга оширилади:

_____.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада
бўлиши тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Аукцион савдосига қабул қилинган буюртмалар
ЙИҒМА МАЪЛУМОТНОМАСИ**

кун/ой/йил

Қимматли қоғоз коди _____
Рақобатли буюртмалар сони _____ дона.
Рақобатсиз буюртмалар сони _____ дона
Рақобатсиз буюртмалар ҳажми _____ сўм
Эмитент: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Фоиз ставкаси (ўсиб бориши тартибида, %да)	Рақобатли буюртмалар ҳажми	Рақобатсиз буюртмалар ҳажми	Буюртмаларнинг умумий ҳажми (ортиб борувчи яқун билан)	Жойлаштиришнинг умумий ҳажми (камайиб борувчи яқун билан)	сўмда
					Дилер даромади (Марказий банк харажати)
1	2	3	4	5	6

Валюта биржаси раҳбари _____ / /

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

854 «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг юридик шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1140-5

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 сентябрь,
30/15-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
22 сентябрдаги 30/15-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 22 апрелдаги 10/4-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг юридик шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1140, 2002 йил 16 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 10-сон).

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 октябрда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 11 майдаги 18/10-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг юридик шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1140-1, 2010 йил 17 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 24-25-сон, 202-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 24 октябрдаги 37/8-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг юридик шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1140-2, 2014 йил 25 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 48-сон, 576-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 28 декабрдаги 35/6-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг юридик шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1140-3, 2016 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 2-сон, 18-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/10-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг юридик шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1140-4, 2017 йил 26 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2017 йил 26 сентябрь, 10/17/1140-4/0012-сон).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

855 Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг
Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос
рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1863-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 23 августдаги 18/6-сон қарори (рўйхат рақами 1863, 2008 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 40-41-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 сентябрь,
30/9-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
22 сентябрдаги 30/9-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг
Миллий ахборотлар базаси ва унда миждозларга хос рақам
бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 1-банднинг биринчи хатбошиси «якка тартибдаги тадбиркорларга» деган сўзлардан кейин «ҳамда жисмоний шахсларга» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 4-бандда:

биринчи хатбошидаги «3» рақами «5» рақами билан алмаштирилсин;
қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (кейинги ўринларда — ЖШШИР) мавжуд бўлган жисмоний шахсларга тижорат банклари томонидан «80000001» дан «99999999» гача бўлган ораликда, ЖШШИР бўйича хосликни сақлаган ҳолда хос рақамлар берилади.

ЖШШИР мавжуд бўлмаган жисмоний шахсларга хос рақамлар БДМАБ томонидан берилади.».

3. 6-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари БДМАБда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, банкнинг маълумотлар базасига киритилади.

Мазкур Низомнинг юридик шахс ва юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари ва якка тартибдаги тадбиркорларга боғлиқ нормалари жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларига нисбатан татбиқ этилмайди.».

4. 12-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Жисмоний шахсларнинг БДМАБга юборадиган сўров турлари ушбу Низомнинг 12-иловасида кўрсатилган маълумотлардан ташкил топади.

БДМАБдаги маълумотларни шакллантиришда «Электрон ҳукумат» ҳамда маълумотлар базасини юритадиган давлат органларининг электрон ахборот тизимларидаги маълумотлардан фойдаланилиши мумкин.».

5. Қуйидаги мазмундаги 191-банд билан тўлдирилсин:

«191. БДМАБ жисмоний шахслар бўйича банкларга қуйидаги сўров турлари бўйича хизмат кўрсатади ҳамда ушбу сўров турларини шакллантиришда 12-иловада келтирилган маълумотлардан фойдаланилади:

жисмоний шахсни идентификациялаш;

жисмоний шахсга хос рақам бериш;

жисмоний шахснинг ҳисобварағини рўйхатдан ўтказиш;

жисмоний шахснинг БДМАБдаги маълумотларини ўзгартириш;

жисмоний шахснинг БДМАБдаги хос рақами фаоллигини тугатиш.».

6. Қуйидаги мазмундаги 5-параграф билан тўлдирилсин:

«5-§. Жисмоний шахслар ва уларнинг ҳисобварақларини БДМАБда рўйхатга олиш ва юритиш хусусиятлари

64. Жисмоний шахслар БДМАБда ЖШШИР ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари асосида идентификацияланади.

65. ЖШШИР мавжуд бўлган жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ўзгарганда, уларнинг хос рақамлари ўзгармайди.

66. ЖШШИР мавжуд бўлмаган, хос рақамга эга жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ўзгарганда, уларнинг хос рақами ўзгаради.

67. Жисмоний шахсларнинг хос рақамлари бекор қилиниши қуйидаги ҳолларда рўйхатдан ўтказилади:

жисмоний шахс вафот этганда;

ЖШШИР мавжуд бўлмаган жисмоний шахс ЖШШИР олганда;

ЖШШИР мавжуд бўлган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда.»

7. 1-илова қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«23» белги — Суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларидан актив операцияларни вақтинча тўхтатиб туриш бўйича асосий ва иккиламчи ҳисобварақлари хатланганда БДМАБ орқали барча ҳисобварақ очган банкларга хабар узатилади.

«24» белги — Суриштирув ёки тергов органларининг қарори асосида хатланган асосий ва иккиламчи ҳисобварақлари бўйича хатлов бекор қилинганда БДМАБ орқали барча ҳисобварақ очган банкларга хабар узатилади.»

8. 5-илованинг изоҳи «21» рақамидан кейин «23» рақами билан тўлдирилсин.

9. 6-илованинг изоҳи «22» рақамидан кейин «24» рақами билан тўлдирилсин.

10. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ 12-илова билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
12-ИЛОВА

**БДМАБда маълумотларни шакллантиришда ва сўровларни бажаришда жисмоний шахсларнинг маълумотлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Кўрсаткичлар	ЖШШИР мавжуд жисмоний шахслар					ЖШШИР мавжуд бўлмаган жисмоний шахслар				
		1	2	3	4	5	1	2	3	4	5
1.	БДМАБдаги хос рақами	-	+	-	+	+	-	-	-	+	+
2.	ЖШШИР	+	+	+	-	+	-	-	-	-	-
3.	Фамилияси	-	-	-	+	-	-	+	-	+	-
4.	Исми	-	-	-	+	-	-	+	-	+	-
5.	Отасининг исми	-	-	-	- / +	-	-	- / +	-	- / +	-
6.	Жинси	-	+	-	+	-	-	+	+	-	+
7.	Туғилган санаси	-	+	-	+	-	+	+	+	-	+
8.	Фуқаролик мамлакатиди	-	-	-	-	-	+	+	-	+	-
9.	Шахсни тасдиқловчи ҳужжат тури коди	+	+	-	+	-	+	+	-	+	-
10.	Шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг серияси ва рақами	+	+	-	+	-	+	+	-	+	-
11.	Шахсни тасдиқловчи ҳужжат берилган сана	-	-	-	+	-	-	+	-	+	-
12.	Шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугаши санаси	-	-	-	+	-	-	+	-	+	-
13.	Ўлим ҳақида гувоҳнома санаси, серия ва номери	-	-	-	-	+	-	-	-	-	+
14.	Банк филиали коди	-	-	+	-	-	-	-	+	-	-
15.	Ҳисобварағи	-	-	+	-	-	-	-	+	-	-

Изоҳ:

«+» — сўров (жавоб) таркибига киради;

«-» — сўров (жавоб) таркибига кирмайди;

«- / +» — сўров таркибига кириши ёки кирмаслиги мумкин;

1-устунда — Жисмоний шахсни БДМАБда идентификациялашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар;

2-устунда — Жисмоний шахснинг БДМАБда хос рақамини рўйхатдан ўтказишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар;

3-устунда — Жисмоний шахснинг ҳисобварағини БДМАБда рўйхатдан ўтказишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар;

4-устунда — Жисмоний шахснинг БДМАБда маълумотлари ўзгарганини рўйхатдан ўтказишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар;

5-устунда — Жисмоний шахс хос рақамининг бекор қилинишини БДМАБда рўйхатдан ўтказишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар келтирилган.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

856 «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1668-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ–3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор 2019 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

**Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари**

Н. ШАРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 октябрь,
02/29-10/36-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 октябрь,
132-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга
қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси ва Молия вазирлигининг
2018 йил 15 октябрдаги 02/29-10/36 ва
132-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 12 февралдаги 01/12-18/03, 20-сон «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1668, 2007 йил 28 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 13-сон, 128-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 15 августдаги 01/12-18/08, 75-сон «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1668-1, 2008 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 387-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 30 декабрдаги 01/12-18/15, 112-сон «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1668-2, 2011 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 1-2-сон, 20-модда).

4. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2013 йил 18 декабрдаги 01/09-26/25, 114-сон «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1668-3, 2014 йил 15 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 3-сон, 39-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 26 январдаги 01/09-26/49, 8-сон «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1668-4, 2017 йил 7 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 81-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 15 ноябрдаги 01/29-10/27, 151-сон «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1668-5, 2017 йил 14 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 50-сон, 1233-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

857 «Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1411-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви ва Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 октябрда эълон қилинган.

1. Айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 октябрь,
135-сон

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 октябрь,
32-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раисининг
биринчи ўринбосари**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 октябрь,
2018-67-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 октябрь,
257-В-3-сон

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 октябрь,
4-ққ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,
Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки
Бошқаруви, Давлат статистика қўмитасининг
2018 йил 22 октябрдаги 135, 32, 2018-67,
257-В-3 ва 4-ққ-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви ва Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 98, 41, 2004-57, 257-В, 8-сон «Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1411, 2004 йил 17 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 419-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви ва Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 2 июлдаги 65, 35, 2013-33, 13/2, 4мб-сон «Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1411-1, 2013 йил 30 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 417-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви ва Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 31 декабрдаги 92, 84, 2014-39, 257-В-2, 6-мб-сон «Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 18-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1411-2, 2015 йил 12 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 2-сон, 22-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 20 октябрдан 26 октябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 125-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078.

2. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 3, 51, 131-сон «Бошоқли дон экинлари сомонининг ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1647-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/8-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-16.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 24 сентябрдаги 343-В-2, 42-сон «Тижорат банкларида жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-2.

5. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 9 октябрдаги 12-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/13-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3079.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/14-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3080.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/15-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг юридик шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 25 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1140-5.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/9-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1863-6.

10. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 02/29-10/36, 132-сон «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1668-6.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви, Давлат статисти-

ка қўмитасининг 2018 йил 22 октябрдаги 135, 32, 2018-67, 257-В-3, 4-ққ-сон «Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1411-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Кредит бюроларининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2318, 2012 йил 23 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 25 июлдаги 385-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг юридик шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1140, 2002 йил 16 май), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1140-1, 2010 йил 17 июль), (рўйхат рақами 1140-2, 2014 йил 25 ноябрь), (рўйхат рақами 1140-3, 2016 йил 13 январь), (рўйхат рақами 1140-4, 2017 йил 26 сентябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 25 октябрдаги 503-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви, Давлат статистика қўмитасининг «Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1411, 2004 йил 17 сентябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1411-1, 2013 йил 30 июль), (рўйхат рақами 1411-2, 2015 йил 12 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 26 октябрдаги 506-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.